

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

**Касбий қайта
тайёрлаш йўналиши:**

**Тингловчилар
контингенти:**

**мактабгача таълим муассасалари
тарбиячилари**

**олий таълим муассасаларини
педагогика ва гуманитар таълим
соҳалари таркибидаги таълим
йўналишларини битирган
мутахассислар**

Тошкент-2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖУМА

Тошкент – 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлигининг 11-қ-қ, 1-қ-қ қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари касбий қайта тайёрлаш курсининг ўқув режаси асосида тайёрланди.

Тузувчилар: А.Г.Бойматова, М.Б.Джумабаева, К.С.Алиева - Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “ Педагогика, психология ва таълим технологиялари” кафедраси катта ўқитувчилари

Такризчилар: Г.Б.Шоумаров - Низомий номидаги ТДПУ Психология ўқув-илмий маркази директори, пс.ф.д., профессор.
К.А.Фарфиева - ТошДТУ доценти пс.ф.н.,

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Кенгашининг 2018 йил 16 февралдаги 6/1-сонли йиғилишида маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	5
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари	13
III. Назарий материаллар	21
IV. Амалий машғулот материаллари	95
V. Кейслар банки	147
VI. Мустақил таълим мавзулари.....	151
VII. Глоссарий	153
VIII. Адабиётлар рўйхати	155

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, жаҳон талаблари даражасида таълим олиши ва касб эгаллаши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Янги шароитлардан келиб чиқиб, «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, 2017-2021- йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳамда педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тақозо этади.

“Мактабгача ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятлари” модулининг ишчи ўқув дастури Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари касбий қайта тайёрлаш курсининг ўқув дастури асосида тузилган бўлиб, у мактабгача таълим муассасалари ходимларига мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг таълим-тарбиясидаги ўзига хос психологик хусусиятларининг мазмун ва моҳиятини очиқ беради.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулининг мақсади: мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари касбий қайта тайёрлаш курси тингловчиларининг мактабгача ёшдаги болаларни психологик хусусиятлари ҳақида билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

Модулнинг вазифалари:

- тингловчиларни мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг психологик хусусиятларига оид назарий - методологик асослари билан қуроллантириш;
- тингловчиларга мактабгача тарбия ёши, индивидуал хусусиятлар, ўйин фаолиятининг бола тараққиётидаги ўрни, боланинг мактабга психологик

етуклик жиҳатлари каби масалалари тўғрисидаги билимлар тизими бўйича тушунчалар бериш;

- ҳар бир тингловчида касбий билимларни шакллантириш;
- ўқув - тарбия жараёнини ташкил этиш, бошқариш ва амалга оширишнинг назарий – амалий асослари билан тингловчиларни яқиндан таништириш;
- ўз касбий маҳоратини такомиллаштиришнинг шакл, усул ва воситалари ҳақида тасаввурлар ҳосил қилиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- болалар психологияси фанининг предметини;
- болалар психологиясини ўрганиш методларини;
- болалар психологиясининг назарий асосларини;
- бола психик тараққиёти қонуниятларини;
- тарбиячи педагогик фаолиятида касбий рефлексиянинг ўрни;
- болаларнинг таълим-тарбиясида дифференциал ёндашув жараёнида биологик ва ижтимоий омилларнинг роли;
- боланинг мактабга етуклик жиҳатларини психологик хусусиятини;
- боланинг билиш жараёнларини ривожлантиришда ўйин фаолиятининг аҳамияти ҳақида **билимларни** эгаллаши зарур.
- таълим-тарбияни ташкиллаштиришда боланинг индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;
- бола тараққиётини таъминлаш учун дидактик ўйинларни ташкил этиш;
- жамоа аъзоларининг шахс хусусиятларини ва эмоционал ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, улар билан самарали мулоқот қилиш;
- болалар жамоасини бошқара олиш;
- педагогик фаолиятни самарадорлигини ошириш учун ўз устида ишлаш **кўникма ва малакаларига** эга бўлиши.
- боланинг билиш мотивациясини ошириш учун ўқув-тарбия машғулотларини лойиҳалаш;
- болалар билан ишлашда дифференциал ёндашиш;
- мактабгача ёшдаги болалар билан ишлашнинг мулоқот механизмларини эгаллаш;
- таълим самарадорлигини ошириш учун педагогик ижтимоий перцепцияни ривожлантириш **компетенцияларига** эга бўлиши керак.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Мактабгача ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятлари” модули назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Мактабгача ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятлари” модули мазмуни ўқув режадаги “Мактабгача тарбия ёшидаги болалар физиологияси ва гигиенаси” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ёш ва психологик хусусиятларини ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Мавзулар	Умумий соат	Жами аудитория соати	Назарий	Амалий	Қўчма машғулот	Мустақил таълим
1	Болалар психологиясининг умумий масалалари	2	2	2			
2	Психик тараққиётнинг асосий қонуниятлари	2	2	2			
3	Илк ёш даврида психик ривожланиш	4	2	2			2
4	Мактабгача ёшда ўйин фаолиятининг хусусиятлари	2	2		2		
5	Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълимий машғулотлари	4	2		2		2
6	Мактабгача ёшидаги болалар меҳнат фаолиятининг хусусиятлари	2	2	2			
7	Болаларда сезги ва идрокнинг ривожланиши	2	2		2		
8	Болаларда диққатнинг ривожланиши	2	2	2			
9	Болаларда хотиранинг ривожланиши	4	2		2		2
10	Болаларда тафаккурнинг ривожланиши	4	2		2		2
11	Болаларда нутқ ва хаёлнинг ривожланиши	2	2		2		
12	Мактабгача ёшдаги болалар шахсининг шаклланиши	2	2	2			
13	Психодиагностика методлари ва улардан фойдаланиш	2	2		2		
14	Боланинг мактабга психологик тайёргарлиги	2	2	2			
	жами:	36	28	14	14		8

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Болалар психологиясининг умумий масалалари.

(2соат маъруза)

Болалар психологияси фанининг предмети, мақсади, вазифалари. Болалар психологияси фанининг бошқа фанлар билан алоқаси. Болалар психологияси фанининг методлари.

2-мавзу. Психик тараққиётнинг асосий қонуниятлари.

(2соат маъруза)

Бола психик тараққиёти ҳақида тушунча. Бола психик тараққиётида биологик ва ижтимоий омиллар. Психик тараққиёт, ёш босқичлари ва ёш инқирозлари.

3-мавзу. Илк ёш даврида психик ривожланиш.

(2соат маъруза)

Илк ёшдаги бола психикасининг ривожланиши. Предметли фаолият - илк болалик даврининг етакчи фаолияти сифатида. Илк ёшдаги болалар нутқининг хусусиятлари.

4-мавзу. Мактабгача ёшдаги болалар меҳнат фаолиятининг хусусиятлари.

(2соат маъруза)

Боғча ёшидаги болада меҳнат кўникмаларининг шаклланиши. Мактабгача тарбия ёшида меҳнатнинг роли. Боғча ёшидаги болада меҳнатга ижтимоий-психологик тайёрлигининг шаклланиши. Меҳнат фаолиятининг бола руҳий ривожланишига таъсири.

5- мавзу. Болаларда диққатнинг ривожланиши.

(2соат маъруза)

Диққат ҳақида тушунча. Боғча ёши даврида бола диққатининг турлари ва хусусиятлари. Ўйин ва ўқув фаолиятида бола диққатини бошқариш услублари.

6-мавзу. Мактабгача ёшдаги болалар шахсининг шаклланиши.

(2соат маъруза)

Боғча ёшидаги бола шахсининг ривожланишига мулоқотнинг таъсири. Оила ва муҳитнинг бола шахси шаклланишига таъсири. Мактабгача ёшда ўйин фаолиятининг бола шахсини шаклланишига таъсири.

7-мавзу. Боланинг мактабга психологик тайёргарлиги.

(2соат маъруза)

Болаларни мактабга ақлий ва ижтимоий-психологик тайёрлашнинг психологик томонлари. Болаларни турли муносабат шакллари ва билиш фаолиятига тайёрлаш. Билиш фаолияти соҳасида боланинг таълим жараёнига тайёрлиги.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Мактабгача ёшда ўйин фаолиятининг хусусиятлари.

Ўйин мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий фаолияти эканлиги. Мазмунли-ролли ўйинлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Бола психик ривожланишида ўйиннинг аҳамияти. Бола психик тараққиётида ўйинчоқнинг аҳамияти.

2-амалий машғулот: Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълимий машғулотлари.

Мактабгача ёшдаги болаларга таълим бериш шакллари. Дидактик ўйинларнинг бола қобилияти ва тафаккурининг ривожланишига таъсири. Тасвирий фаолиятнинг ўйин ва интеллектуал фаолиятга боғлиқлиги. Болаларнинг қуриш-ясаш машғулотлари ва унинг бола психикасига таъсири.

3-амалий машғулот: Болаларда сезги ва идрокнинг ривожланиши.

Мактабгача ёшдаги болаларда сезги аъзоларининг ривожланиши хусусиятлари. Кўриш, эшитиш, ҳид, таъм, тери сезгилари такомоллашувининг бола психик тараққиётига таъсири. Сенсор тарбиянинг болалар идрок тараққиётига таъсири. Болаларнинг вақт, фазо ва ҳаракатни идрок қилишлари.

4-амалий машғулот: Болаларда хотиранинг ривожланиши.

Мактабгача ёшдаги бола хотирасининг хусусиятлари. Мактабгача ёшдаги боланинг образ ва сўз-мантиқ хотирасини ривожланиши. Хотирани ривожлантирувчи машқ ва ўйинлар ўтказиш.

Амалиётда мактабгача ёшдаги болаларнинг эшитиб ва кўриб эсда олиб қолиш хотирасини текшириш бўйича тажриба ўтказиш. Хотирани ривожлантирувчи машқ ва ўйинлар тузиш.

5-амалий машғулот: Болаларда тафаккурнинг ривожланиши

Мактабгача ёшдаги болалар тафаккурининг хусусиятлари. Мактабгача ёшдаги боланинг кўргазмали-ҳаракат, кўргазмали-образли ва мантиқий тафаккури ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Тафаккурнинг тараққиётида фаолият турларининг аҳамияти. Мантиқий тафаккурни ривожлантирувчи машқ ва ўйинлар тузиш.

6-амалий машғулот: Болаларда нутқ ва хаёлнинг ривожланиши

Бола нутқининг хусусиятлари. Болалар нутқини шаклланишига таъсир

этувчи омиллар.

Мактабгача ёшдаги болада хаёлнинг ривожланиши. Болаларда хаёл турларининг кўриниши. Хаёлнинг тараққиётида ўйин ва тасвирий фаолиятнинг аҳамияти. Ҳикоя ва эртакларнинг хаёл тараққиётига таъсири.

7-амалий машғулот: Психодиагностика методлари ва улардан фойдаланиш

Бола шахсини ўрганишда психодиагностика методларининг аҳамияти. Бола психологик ривожланиши кўрсаткичларини аниқлашда психодиагностика методлари, уларнинг турлари, қўлланиши. Бола психик жараёнлари ва хусусиятларини текшириш методикаларини ўтказиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



Намуна: бола шахси ривожланишида ва ўқитишида дифференциал ёндашувнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Бола шахси ривожланишида ва ўқитишда дифференциал ёндашувнинг кучли томонлари	Болаларнинг ўзлаштиришини яхшилаш Таълимга мослашишдаги қийинчиликларни аниқлаш
W	Бола шахси ривожланишида ва ўқитишида дифференциал ёндашувнинг кучсиз томонлари	Бирор топшириқни бажаришда муваффақиятсизлик рўй берганда унга қизиқишнинг кўпинча камайиши
O	Бола шахси ривожланишида ва ўқитишида дифференциал ёндашувнинг имкониятлари (ички)	Муваффақият ва муваффақиятсизлик кетма кет рўй берганда муваффақиятга муволафали баҳонинг берилиши
T	Тўсиқлар (ташқи)	Вақт танқислиги шароитида муаммоли мазмундаги топшириқни бажаришда иш самарадорлиги одатда пасайиши

“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айтилган пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилят ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда таълим олувчиларнинг мустақил фикрлари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустақамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.



Методни амалга ошириш тартиби:

Тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;

Тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчилар таништирилади, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари тушурилган тарқатмалар берилади;

Ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзади;

Ҳар бир гуруҳ ўз тақдимотини ўтказади, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади.

Намуна:

Анънавий, компетенциявий ва дифференциал ёндашув					
Анънавий		Компетенциявий		Дифференциал	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“Кейс-стади” методи

“Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“ФСМУ” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур методдан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ методининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 баллгача баҳолаши мумкин.

Тест

- Болалар психологияси нимани ўрганади?
- А. Ёшлар психологиясини
- В. Болалар психологиясини
- С. Ўсмирлар психологиясини

Қиёсий таҳлил

- Мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий хусусиятларини таҳлил қилинг?

Тушунча таҳлили

- Оила ва мактабгача таълимдаги шахслараро муносабатларни изоҳланг.

Амалий кўникма

- Боланинг психикасида вужудга келадиган инқирознинг сабабларини аниқланг?

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- таълим олувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- таълим олувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;

- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Таълим		
Билиш		
Зехн		
Ақл		
Дидактика		
Медитация		
Назарий тафаккур		

Изоҳ: Иккинчи устунчага катнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Венн диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: таълим олувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва таълим олувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

1 мавзу: Болалар психологиясининг умумий масалалари

Режа:

1. Болалар психологияси фанининг предмети, мақсади, вазифалари
2. Болалар психологияси фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.
3. Болалар психологияси фанининг методлари.

Таянч иборалар: Психология, болалар психологияси, педагогика, мактабгача тарбия педагогикаси, метод, социометрия, тест

1. Болалар психологияси фанининг предмети, мақсади, вазифалари

“Психология” иккита юнонча сўздан “psyche”- жон, руҳ ва “logos”- таълимот, илм сўзларидан иборат бўлиб, анъанавий маънода инсон руҳий дунёсига алоқадор барча ҳодисалар ва жараёнлар унинг предмети ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, психологиянинг предмети ҳар биримизнинг ташқи олами ва ўз-ўзимизни билишимизнинг асосида ётган жараёнлар, ҳодисалар, ҳолатлар ва шаклланган хислатларни ташкил этади. Психология бўйича адабиётларда унинг предмети қисқача қилиб, **психикадир**, деб таъриф беришади. Психика – бу инсон руҳиятининг шундай ҳолатики, у ташқи олами, ички руҳий олами ҳам онгли тарзда акс эттиришимизни, яъни билишимиз, англашимизни таъминлайди.

Психиканинг жараёнлари қуйидагича:

1. Билиш фаолияти: диққат, нутқ, фаолият
2. Билиш жараёнлари: сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур
3. Шахснинг ҳиссий-иродавий соҳаси: ҳиссиёт, ирода
4. Шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари: темперамент, характер, қобилият

Психология – жуда қадимий ва шу билан бирга навқирон фандир. Психик ҳодисаларнинг илк талқини қадимий юнон олими Аристотель (эрамиздан аввалги 384-322 йиллар)нинг “Руҳ ҳақида” номли асарида берилган. Психик ҳодисалар ва уларнинг қонуниятларига тааллуқли илмий тадқиқот ишлари XIX асрнинг иккинчи ярмида, илмий психология асослари эса XIX ва XX асрлар ўртасида юзага келган.

Ҳозирги кунда психологиянинг 300 дан ортиқ тармоғи фан сифатида ривожланиб келмоқда. Шулардан ёш давлари психологияси, болалар психологияси, махсус психология, педагогик психология, тиббиёт психологияси, юридик психология, спорт психологияси, авиация психологияси, ижтимоий психология, шахс психологияси, бошқарув психологияси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Баркамол шахсни тарбиялашда, болани дунёга келганидан бошлаб то вояга етгунига қадар бўлган даврдаги психологик хусусиятларини билиш тарбиячилар, педагоглар, ота-оналар учун муҳим аҳамиятга эга. Боланинг психик тараққиёти ҳақидаги билимларни эса психологик билимларнинг махсус соҳаси – Болалар психологияси фани ўрганади.

Болалар психологияси – психология фанининг алоҳида тармоғи бўлиб, боланинг туғилганидан то етуклик даврида психик тараққиётини, турли ёш давларидаги бола психик тараққиётининг қонуниятларини, ривожланишининг турли босқичларида бола психикасига хос хусусиятларини ўрганади.

Болалар психологияси фанининг асосий эътибори туғилганидан етуклик давригача инсон психикаси ва онгининг қандай ривожланишига қаратилган, яъни ҳар бир шахс узоқ болалик даврини бошдан кечирадики, бу даврда унда алоҳида психик жараёнлар ва хусусиятлар юз беради. Шунинг учун ҳам бу даврни фанда алоҳида ажратиб ўрганилади ва уни онтогенетик тараққиёт йўли дейилади.

Онтогенез – бу организмнинг индивидуал ривожланишидир.

Болалар психологияси бола психикасининг тараққиёти ҳамда шахсий хусусиятларининг юзага келишига таъсир қилувчи омилларни ҳам ўрганади.

Бугунги кунда болалар психологияси фанининг олдида бир қанча муҳим назарий ва амалий вазифалари туради, унинг назарий вазифаларига қуйидагилар киради:

1. Турли ёшдаги болаларга хос бўлган психологик хусусиятларни, яъни болаларнинг идрокига, сезги-туйғуларига, диққатига ва хотирасига, нутқи ва тафаккурига, хаёлига, иродасига хос хусусиятларни ўрганиш;

2. Боланинг психик тараққиётига фаол таъсир қилувчи омилларни аниқлаб бериш;
3. Турли ёшдаги болаларнинг ривожланишига хос бўлган қонуниятларни ўрганиш;
4. Бола шахси ва шахсига хос бўлган психологик хусусиятларни ўрганиш;
5. Болани мактаб таълимига тайёрлаш;
6. Мактабда муваффақиятли ўқиш учун боланинг ақлий жараёнларини фаоллаштириш;
7. Таълим жараёнида боланинг мустақил, ижодий, фаол тафаккурини шакллантириш;
8. Таълим-тарбия жараёнида боланинг махсус қобилиятларини шакллантириш;
9. Таълим-тарбия ишларининг психологик мазмунини очиб беришдан иборатдир.

Унинг амалий вазифаларига турли ёшдаги болаларнинг психик тараққиёти хусусиятларига доир билимларни тарбиячилар, ўқитувчилар, ота-оналар яъни жамоатчилар ўртасида кенг ёйишдан иборат. Болалар психологиясининг амалий вазифаси – бола руҳий тараққиётига, ёшлик хусусиятлари орасидаги фарқлар ва уларга индивидуал муносабатда бўлиш йўлларига оид, руҳий тараққиёт қонунларига доир психологик билимлардан баҳраманд бўлишларини таъминлашдан иборат. Бундай вазифаларни амалга ошириш комил инсонни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

2. Болалар психологияси фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.

Болалар психологияси предметининг муҳим томонларидан бири - турли ёшдаги болаларда сезги, идрок, диққат, хотира, нутқ, тафаккур, ҳиссиёт, хаёл ва ирода каби психик жараёнларининг намоён бўлиши, тараққий этиши ҳамда такомиллашувининг қонуниятларини ўрганишдан иборатдир. Болалар психологияси бола шахсий психологик хусусиятларини қандай таркиб топтиришни чуқур таҳлил қилади. Бунда болалар психологиясини болалар шахсининг таркиб топишига фаол таъсир этувчи омиллар қизиқтиради.

Маълумки, бола шахси ва унинг психологик хусусиятлари қандайдир тасодифий омилларнинг тартибсиз таъсир этиши натижасида эмас, балки муайян аниқ омилнинг қонуний таъсир этишида таркиб топтиради. Ана шу муҳим қонуний тарзда таъсир қиладиган омилларни очиш ва исботлаш билан болалар психологияси шуғулланади.

Болалар психологияси ўзининг мураккаб предметини ўрганишда фалсафага таянади. Маълумки, табиат ва жамиятдаги нарса ҳамда ҳодисалар тараққиётининг энг умумий қонуниятларини ўрганади, ҳамда инсон онгининг ижтимоий ҳаётга боғлиқлигини исботлаб беради.

Табиат ва жамият тараққиётининг умумий қонуниятларидан хабардор бўлиш болалар психологиясига болалар психик тараққиётини ўрганишда ва «табиий зот» бўлиб туғилган боланинг инсон ижтимоий тажрибасини эгаллаб, шахс бўлиб етишини ўрганиш тўғри йўл топишга ёрдам беради.

Болалар психологияси ўз предметини ўрганишда умумий психологиянинг инсон психикаси ҳақида қўлга киритилган ютуқларига асосланади. Масалан, умумий психологиянинг психик жараёнлар, психологик ҳолатлар, инсон шахси ва унинг фаолияти ҳақидаги таълимотлардан тўғридан-тўғри фойдаланади. Ўз навбатида, умумий психик ҳолат ҳам болалар психологиясининг ютуқларига асосланади.

Болалар психологияси анатомия ва физиология фанлари томонидан қўлга киритилган ютуқлардан ҳам кенг фойдаланади. Бунда болалар психологияси, хусусан болалар нерв системаси ва олий нерв фаолиятининг маълумотларидан фойдаланади. Болалар нерв системасининг нормал тараққиёти ва нормал ишлаши бола психикаси ривожланишининг муҳим шартларидандир. Шунинг учун психолог мутахассислар бола нерв системасининг тараққиёти масалалари билан бевосита таниш бўлишлари лозим.

Болалар психологияси педагогика фани билан ҳам яқин алоқададир. Педагогика фани ёшларга таълим-тарбия бериш ва уларни ҳар томонлама баркамол тарзда ривожлантириш ҳақидаги фандир. Болалар психологияси

таълим-тарбиянинг мақсади, йўл-йўриқлари ва вазифаларига доир фикрларни педагогика фанидан олади, ҳамда унга яқиндан ёрдам беради.

Боланинг ақлий тараққиёти қонунларидан хабардор бўлиш турли ёшдаги болалар билан таълим-тарбия ишларини тўғри ташкил қилиш имкониятини беради.

Болалар психологияси болалар гигиенаси, болалардаги касалликларни ўрганувчи педиатрия билан ҳам боғлиқдир. Бу фан болалар психологияси намоёндаларига болалар психик тараққиётининг нормал бораётганини чуқурроқ билиш ва нормал тараққиётда бурилиш сабабларини аниқлаш имконини беради. Болалар психологияси эса, ўз навбатида, болаларнинг нормал психик тараққиётини аниқлаб бериш билан бирга шифокорларнинг бола психологиясини янада яхшироқ тушуниб олишларига ёрдам беради.

Болалар психологияси бола шахси ва шахсий психологик хусусиятларнинг таркиб топишини ўрганишда (бир қатор) болалар адабиётидан, хусусан, автобиографик асарлардан кенг фойдаланади. Шундай қилиб, болалар психологияси болаларнинг мураккаб психик жараёнлари ва шахсий психологик хусусиятларини ўрганишда бир қатор фанларнинг қўлга киритган ютуқларидан фойдаланади ва уларга ёрдам беради.

3. Болалар психологияси фанининг методлари

Ҳар бир фаннинг ўз предметиға кўра бир қанча ўрганиш ва текшириш методлари бўлади. Метод лотинча “methodas” сўзидан олинган бўлиб, маълум бир фаннинг предметиға текшириш, ўрганиш ва тушунтириб бериш усуллариғнинг ёки воситалариғнинг йиғиндисидир.

Болалар психологияси умумий психологиянинг махсус соҳаси бўлгани туфайли, у ўз предметиға ўрганишда умумий психологиянинг деярли ҳамма методларидан фойдаланади. Лекин умумий психологиянинг методларидан болаларнинг асосий фаолиятларига мослаштириб қўлланилади.

Умумий психологиянинг методлари - кузатиш, эксперимент, суҳбат, фаолият маҳсулотларини ўрганиш кундалик ва биографик материалларни ўрганиш, социометрик метод, тест ва шу каби методлардир.

Болаларнинг бутун ақлий, яъни психик тараққиётлари уларнинг турли-туман фаолиятларида содир бўлади. Ана шунинг учун болалар психологияси юқоридаги методларни болаларнинг асосий фаолиятларига мослаштириб қўллайди.

Кузатиш методи

Болалар психологиясида субъектив кузатиш методидан деярли фойдаланилмайди. Болалар психологиясининг асосий методларидан бири - объектив, яъни болаларни ташқаридан кузатиб ўрганиш методидир. Тарбиячи ёки текширувчи психолог болаларнинг турли хил фаолиятларини табиий шароитда тизимли тарзида кузатади. Бунда болаларнинг хулқ-атворлари, хатти-ҳаракатларига доир характерли вазиятларни қайд қилиб боради. Ҳар қандай кузатишнинг аниқ мақсади бўлиши керак. Бошқачароқ қилиб айтганда, тарбиячи болаларнинг хулқ-атвори ёки хатти-ҳаракатларига доир нималарни кузатмоқчи эканини олдиндан аниқлаб олиши керак. Масалан, болалар диққатининг барқарорлигини ёки тафаккур жараёнлари билан боғлиқ бўлган анализ қила олиш қобилиятларини кузатишни олдиндан бошлаб олиши мумкин. Шунинг эътиборига эришганда, кузатиш табиий шароитда олиб бориладиган экан, болалар ўзларининг кузатилаётганликларини мутлақо билмасликлари керак. Кузатишни болалар ўрганган тарбиячининг ўзи кузатгани маъқул. Тарбиячидан болалар ҳадиксирамайдилар, ўз хатти-ҳаракатларини табиий шароитда бемалол намоён қила оладилар. Агар кузатишни болалар кўзи олдида бегона одам ўтказса, болаларнинг хатти-ҳаракатидаги табиийлик бузилади. Уларнинг хулқ-атворлари ва хатти-ҳаракатларини бегона киши кузатишига тўғри келса, у вақтда яширин кузатиш методларидан фойдаланиши лозим бўлади. Бунда кузатувчи болаларга кўринмайдиган жойдан туриб кузатади. Болалар психологиясида кузатиш методидан фойдаланилганда, болаларнинг турли ўйин фаолиятлари, дидактик машғулотлари ва қуриш-ясаш ҳамда ижодий машғулотларида хилма-хил психик жараёнларининг намоён бўлиши ва қанча давом этиши каби жараёнларни қайд қилиш мумкин. Бундан турли ёшдаги болаларни бир-бирига

такқослаб, улардаги психик жараёнларнинг тараққиёти ўрганилади. Кузатиш методи - узлуксиз ва бу фаолиятни танлаб вақти-вақти билан ўрганилганда уларнинг барча феъл-атворлари ва хатти-ҳаракатлари кундалик фаолиятлари давомида умумий ҳолда ўрганилади. Узлуксиз кузатиш бир неча кун ёки бир неча ой давомида давом этгандан сўнг тўпланган маълумотлар таҳлил қилиниб, болага психологик характеристика бериш мумкин бўлади. Вақти-вақти билан танлаб кузатилганда боланинг барча хулқ-атвори ва характерлари эмас, балки фақат маълум ҳаракатлари, яъни диққати ёки хотираси, ё бўлмаса, унинг нутқи билан боғлиқ бўлган томонлари ўрганилади.

Болалар психологиясида кузатиш методининг алоҳида тури - болалар тараққиётини тизимли тарзда кундаликлар тузиб ўрганишдан иборат.

Болалар психик тараққиётини ўрганишда қўлланиладиган кузатиш методи ташқаридан қараганда жуда осондек туюлса-да, одамдан жуда кўп вақт ва билим талаб қилинган мураккаб методдир.

Болалар психологиясида кенг қўлланадиган иккинчи метод - эксперимент методидир. Эксперимент методи - кузатиш методига нисбатан фаол метод ҳисобланади. Агар кузатиш методида у ёки бу психик жараённи қайд қилиш учун психолог шу психик жараённинг қачон ва қандай шароитда пайдо бўлишини пойлаб юрса, эксперимент методи эса мутлақо бунинг аксидир. Эксперимент методида у ёки бу психик жараён юзага келадиган шароитни текширувчи психологнинг, яъни экспериментаторнинг ўзи ташкил қилади. Бунда экспериментатор ўрганаётган психик жараёнларни болаларда бир неча марта юзага келтириб ўрганади. Биз умумий психологиядан биламизки, эксперимент методи 2 хил бўлади: лаборатория эксперименти ва табиий эксперимент. Болалар психологиясида экспериментнинг ҳар иккала туридан кенг фойдаланилади. Бирок, бу методлардан болалар психологиясида фойдаланишнинг ўзига хос томони шундаки, мактабгача тарбия ёшидаги болалар лаборатория шароитида ўтказиладиган экспериментлар билан табиий шароитда ўтказиладиган экспериментнинг унчалик фарқига бормайдилар.

Ҳар иккала ҳолда ҳам тажрибалар вазифа тарзида эмас, балки ўйин тарзида

Ўтказилса натижа яхши чиқади. Масалан: кичик ва ўрта гуруҳ ёшидаги болаларга бири иккинчисидан бир оз узунроқ бўлган таёқча кўрсатилиб, улардан қайси бири узунроқ эканлигини сўралса, болалар ҳеч эътибор бермай, тасодифан биттасини кўрсатаверадилар. Агар бундай фарқлаш уларнинг ўйинларига айлантирилса, болалар дарҳол эътибор билан қарайдилар. Чунончи, узунроқ таёқчани ҳаракат қилиб, ўйинга тушадиган айиқча ёки кучукчанинг механизмига тираб қўйилса, қисқароқ таёқчани узунроқ таёқчанинг олдига ташлаб, болаларга узунроқ таёқчани топсангиз айиқча ўйинга тушади, дейилса диққат-эътибор билан қараб узун таёқчани топадилар. Эксперимент методидан гуруҳларда ўтказиладиган машғулот пайтида кенг фойдаланиш мумкин. Масалан, турли ёшдаги боғча болалари билан ўтказиладиган дидактик машғулотларда табиий эксперимент методини қўллаш мумкин. Бунда болаларга ҳар-хил ҳайвонлар (от, сизир, қўй, эчки, туя каби), паррандалар (каптар, хўроз, товуқ, қарға, зағизғон, уқки, курка), мевалар (гилос, олча, олхўри, олма, нок, беҳи) каби, сабзавотлар (пиёз, шолғом, сабзи, картошка, қарам, қовоқ, саримсоқ, пиёз каби) тасвирланган расмли карточкаларни аралаш ҳолда бериб, уларни гуруҳларга ажратишларида уларни умумлаштириш хусусиятларини ўрганиш мумкин. Одатда, гуруҳ шароитида ўтказиладиган бундай экспериментни табиий эксперимент деб юритилади. Лаборатория ва табиий экспериментлардан ташқари болалар психологиясида таркиб топтирувчи эксперимент ҳам кенг қўлланилади. Таркиб топтирувчи экспериментни моҳияти шундан иборатки, бунда болаларга у ёки бу психологик хусусият таркиб топтирилади ва мустаҳкамланади. Масалан, боғча ёшидаги болалар айна бир вақтнинг ўзида бутунни ва унинг қисмларини тўла идрок қилолмайдилар. Улар ўз диққатларини бир бутун нарсанинг ўзига ёки унинг бўлақларига қарата оладилар. Улар бир бутун нарсанинг айрим қисмлардан таркиб топганлигини тасаввур қила олмайдилар. Таркиб топтирувчи эксперимент орқали болалар бир бутун нарсани унинг қисмлари билан бир пайтда идрок қилишга ундайдилар. Бунинг учун болаларга бир бутун нарсанинг бўлақларини енгларида бирлаштириб, бутун нарсани образларини

ярата олиш машқини қилдиради. Бундай эксперимент ўтказишда турли геометрик фигуралар ва уларнинг бўлакларидан фойдаланиш мумкин (доира, квадрат, куб, ромб ва б). Таркиб топтирувчи эксперимент методини педагогик эксперимент методидан фарқлаш керак. Таркиб топтирувчи эксперимент орқали турли ёшдаги болаларни у ёки бу нарсаларни тўғри идрок қила олишга ўргатилса, педагогик эксперимент орқали эса бирор таълим-тарбия методининг самарадорлиги аниқланади. Масалан, бирор тадқиқотчи болалар сон-санокни ўргатишнинг қандайдир методини ишлаб чиққан бўлса, уни педагогик эксперимент орқали синаб кўриш мумкин.

Бунинг учун олдиндан боғча маъмурияти билан келишиб битта экспериментал ва битта назорат гуруҳни белгилаб олади. Шундан сўнг тадқиқотчи экспериментал гуруҳда янги метод билан элементар (содда) математик тасаввурларни ўстириш машғулотларини ўтказади. Назорат гуруҳда эса бу машғулотлар одатдаги эскича метод билан давом эттирилаверади. Бир-икки ойдан сўнг ҳар иккала гуруҳдаги болаларнинг ўзлаштиришлари таққослаб кўрилади. Агарда экспериментал гуруҳ болаларнинг янгича метод билан ўзлаштиришлари назорат гуруҳдаги болаларнинг ўзлаштиришларидан анча самарали бўлиб чиқса, бу метод бошқа ҳамма болаларга тарқатилади. Борди-ю натижа назорат гуруҳдаги болаларнинг ўзлаштиришларидан ёмон, яъни паст чиқса, янгича метод (усул) билан машғулот ўтказиш дарҳол тўхтатилади. Кузатиш ва эксперимент асосий методлар ҳисобланади, лекин булардан ташқари бир қатор ёрдамчи методлар ҳам мавжуд. Масалан: фаолият маҳсулини ўрганиш методи, социометрик ва тест методлари. Фаолият маҳсулотларини ўрганиш методи ҳақида гап борар экан, шуни айтиш керакки, болалар ҳам худди катта одамлар сингари доим маълум фаолият билан машғул бўладилар. Катта одамлар бошқа одамлар учун керак бўладиган ижтимоий фойдали нарсалар ишлаб чиқариш фаолияти билан банд бўлсалар, болалар ўз фаолиятларида деярли ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдилар. Боғча ёшидан болаларнинг фаолиятлари - ўйин, расм чизиш, пластилин ёки лойдан бирор нарса ясаш, аппликация, қуриш-ясаш ва шу кабилардан иборат

бўлиши мумкин. Болалар одатда, катта кишиларнинг топшириқ ва таклифлари билан маълум фаолиятга киришадилар. Айрим ҳоллардагина болаларнинг ўзлари мустақил равишда у ёки бу фаолиятни бажарадилар. Ҳар икки ҳолатда ҳам болалар фаолияти маълум натижага эга бўлади. Кўпинча болалар фаолиятининг маҳсулоти улар чизган расмларга, лой ёки пластилиндан ясалган нарсага қараб ўрганилади. Кўпинча болаларнинг чизган расмларида улар гидрокининг хусусиятлари ва онгида юзага келаётган турли тасаввурлар ҳамда атрофларидаги нарса ва ҳодисаларга бўлган муносабатларида ўз ифодасини топади. Ана шу жиҳатдан болаларнинг чизган расмларидан фаолият маҳсулотини ўрганиш сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Турли ёшдаги болаларнинг ишлаган расмларини анализ қилиш орқали уларнинг айна пайтдаги эҳтиёжларини, майл-истаклари, қизиқишлари, қобилияти ва лаёқатларини ўрганиш мумкин. Шу сабабли, бу методдан ҳам болалар психологиясида кенг фойдаланилади.

Сўраш – суҳбат методидан болалар психологиясида анча чекланган ҳолда фойдаланилади. Бу методни боғча ёшидаги болаларга нисбатан деярли қўллаб бўлмайди, чунки бу ёшдаги болаларда турмуш тажрибаси жуда кам, тафаккурлари ҳали яхши ривожланмаган бўлади. Шу сабабли кичик ёшдаги болалар катталарнинг берган саволларига ўйламай-нетмай жавоб қайтараврадилар. Сўраш методидан фойдаланилганда одатда жуда содда ишланган айиқчалар, узоқ ва яқин қилиб ишланган уйлар ва дарахтлар ва ҳ.к. Болалардан қайси айиқ катта, қайси айиқча кичик ёки қайси уй узоқ, қайси уй яқин деб сўралади.

Беш-олти ёшли болаларга нисбатан суҳбат методини қўллаш мумкин. Бунда болалар билан ўтказиладиган суҳбатнинг мавзуси ва суҳбат пайтида болаларга бериладиган саволлар олдиндан яхшилаб ўйлаб олинади. Тайёргарсизлик тўсатдан ўтказилган суҳбатдан яхши натижа чиқмайди. Суҳбат методи орқали боғча ёшидаги катта болаларнинг билимларини, нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларни аниқлаш ва теварак-атрофдаги одамлар ҳамда турли нарсаларга бўлган муносабатларини ўрганиш мумкин.

Болалар психологиясида сўнгги йилларда қўллана бошлаган методлардан бири тест методидир. Тест сўзи - инглизча сўз бўлиб, у ўлчаш деган маънони билдиради. Тест методи орқали болаларнинг умумий ақлий тараққиёт даражалари ва айрим психик жараёнларнинг (тафаккур, хаёл, хотира каби) қанчалик ривожланганлик даражаси аниқлаб, таққосланади. Тест методи ёрдамида болаларнинг ўз ёшларига нисбатан нормал тараққий этганликлари ёки орқада қолганликларини ҳам аниқлаш мумкин. Масалан, тест методидан болаларга топшириладиган вазифалари бир неча вариантда бўлиб, улар кучлари етган вариантдаги вазифаларни бажарадилар. Ҳар бир бажариладиган вазифага балл системасида баҳо қўйиб борилади. Вазифалардан қанчаси бажарилганлиги ва тўплаган балига қараб, болаларнинг ўртача тараққиёти белгилаб берилади. Қўлланиладиган тестлар орасида болаларнинг умумий ақлий даражасига қаратилган ва интеллектуал тестлар деб аталадиган тестлар маълум бўлмаган вазифалардан тузилган бўлиб, болалардан бутун ақлий имкониятларни ишга солишга тўғри келади. Болаларнинг ақлий тараққиёт даражаларини илмий равишда аниқлаш осон иш эмас. Интеллектуал тестларда болаларга бериладиган вазифалар уларнинг умумий ақлий тараққиётларини ифодаловчи энг муҳим хусусиятларини рўёбга чиқарадиган қилиб тузилиши керак. Агарда интеллектуал тестларда бериладиган вазифалар болаларнинг ёш хусусиятлари ва аниқ тараққиёт даражаларига тўғри келмаса, болаларнинг ақлий тараққиётлари ҳақида мутлақо янгича хулосага келиш мумкин. Боғча ёшидаги болаларга нисбатан қандай интеллектуал тестлардан фойдаланиш мумкин? Бундай тестлар хилма-хил бўлиши мумкин. Агар тест вазифалари болаларнинг ўйин фаолиятлари билан боғлиқ бўлса, болалар бундай вазифаларни бажонидил бажарадилар. Масалан, бирор бутун нарсанинг майда бўлақларга ажратиш ташлаган қисмларини бирлаштириб, майда бўлақлардан мураккаб ва чиройли аппликациялар ясай олиш, турли лабиринтли расмлардан эпчиллик билан турли вазифаларни топа билиши каби тестлардан фойдаланиш мумкин. Бундай интеллектуал тестлар турли ёшдаги боғча болаларининг зеҳнини, тафаккурини аниқлаш имконини беради. Шундай қилиб, тест методидан болалар

психологиясида маълум даражада фойдаланиш мумкин. Ниҳоят, болалар психологиясида сўнги йилларда қўллана бошлаган методлардан яна бири социометрия методидир.

Социометрик метод ёрдамида шахсларнинг жамоадаги муносабатлари масаласи ўрганилади. Болалар психологиясида эса социометрик методи ёрдами билан ҳар бир гуруҳда болаларнинг ўз тенгқурлари ўртасида юзага келаётган ўзаро муносабатлари ва уларнинг гуруҳда тутган мавқелари ўрганилади, бунда болаларнинг гуруҳдаги ўзаро муносабатларини қўйидаги услубларда ўрганиш мумкин. Гуруҳдаги болаларнинг ҳар бирини ечиниш хонасига чақириб, унга 4-5 чиройли қилиб ишланган ўйинчоқ кўрсатилади (масалан машина, тойча, айиқча, қуёнча, тўппонча каби). Ана шу ўйинчоқлардан битта ўзингга ёққанини танлаб ол ва уни гуруҳдаги энг яхши кўрган ўртоғингни шкафига солиб қўй, дейилади. Бола бир оз ўйланиб тургач, яхши кўрган болалардан бирининг шкафига ўйинчоқни қўйиб қўяди. Гуруҳдаги ҳамма болалар бу вазифани бажариб бўлгач, энг кўп совға кимнинг шкафига қўйилганлиги аниқланади. Ана шу маълумотлар асосида болаларнинг гуруҳдаги ўзаро муносабатларига доир социометрия тузилади. Шкафига энг кўп совға қўйилган бола гуруҳнинг энг севимли ва шкафига биронта ҳам совға қўйилмаган бола гуруҳнинг инкор қилган, яъни ёқтирмаган одами бўлиб чиқади. Шундай қилиб, социометрик методни боғча ёшидаги болаларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Ҳар бир тарбиячи ўз гуруҳидаги болаларнинг жисмоний, ақлий, ахлоқий ривожланиш хусусиятларини, болалар психик тараққиётининг умумий қонуниятларини кузатиб аниқлаши зарур. Шу билан биргаликда тарбиячида - болаларга нисбатан индивидуал муносабатда бўлишнинг тўғри йўл-йўриқларини белгилаш мақсадида ҳар бир боланинг индивидуал психологик хусусиятларини аниқлашга интилиши лозим.

Тарбиячи айти бир вақтнинг ўзида гуруҳдаги болаларнинг хатти-ҳаракатлари ва феъл-атворларини ўргана олмайди. Шунинг учун улар диққат -эътиборларини бир неча кун давомида у ёки бу болага қаратиб, уни ҳар томонлама чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилиши лозим. Шу нарсани эсдан

чиқармаслик керакки, тарбиячининг болаларни ўрганишининг қатъий ва аниқ мақсади бўлиши керак.

Болаларнинг барча хусусиятларини бирданига ўрганиб бўлмайди. Болаларнинг эҳтиёжлари қизиқишлари, майл ва истаклари, қобилиятлари, диққатлари, нутқ ҳамда тафаккурларининг хусусиятларини бирин-кетин шошмасдан ўрганиш лозим.

Тарбиячи кундалик иш шароитида болаларни ўрганар экан, у кузатиш, эксперимент, ёрдамчи каби методлардан фойдаланиши мумкин.

2-мавзу. Психик тараққиётнинг асосий қонуниятлари.

(2соат маъруза)

1. Бола психик тараққиёти ҳақида тушунча.
2. Бола психик тараққиётида биологик ва ижтимоий омиллар.
3. Психик тараққиёт, ёш босқичлари ва ёш инқирозлари.

1. Бола психик тараққиёти ҳақида тушунча

Боланинг ўсиши, унинг психикаси ва онгининг тараққиёти жамият аъзоси сифатида вояга етишида тараққиёт қандай қилиб юзага келади? деган саволни ҳал қилиш муҳим масаладир.

Ўсиш - миқдорий жиҳатдан улғайиш, демакдир. Тараққиёт-сифат жиҳатдан ўзгариш демакдир. Боланинг психик тараққиёти ҳам қарама-қаршиликлар кураши асосида юз беради. Бу қарама-қаршиликлар:

1. Боланинг шу чоққача эришган даражаси, имкониятлари билан янги эҳтиёжлар ўртасида туғиладиган қарама-қаршиликлар. Яъни болаларнинг эҳтиёжлари тез ортиб боради. Лекин бу эҳтиёжларни қондириш имкониятлари жуда секинлик билан юзага келади.

2. Боланинг эски хулқ-атвори формалари билан янги хатти-ҳаракатлари, янги ташаббуслари ўртасидаги қарама-қаршиликлар. Масалан: ёш боланинг асосий фаолияти катталарга тақлид қилишдир. Тақлидий ҳаракатларда мустақиллик, ташаббускорлик бўлмайди. Бола ўсиб улғайган сари унинг

тажрибаси, мустақиллиги, ташаббуси орта боради. Масалан: мустақил юриш, баъзи ишларни бажариш.

3. Бола ҳаётининг мазмуни билан унинг формаси ўртасида вужудга келадиган қарама-қаршилиқлар. Одатда ҳаётнинг мазмуни унинг формасидан биров олдинроқ вужудга келади. Масалан: бола боғчага қатнай бошлашдан олдин оиладаги ҳаётга ўрганиб қолади. Боғчада эса янги ҳаётнинг бошқача талаблари ва қоидаларига дуч келади.

Демак, боланинг психик тараққиёти жуда мураккаб жараён дур. Лекин бу тараққиёт қанчалик мураккаб бўлмасин унинг қонуниятлари фанга аён дур. Боланинг психик тараққиёти ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бўлган аниқ шарт-шароитнинг таъсири туфайли юз беради.

Бола яшайдиган муҳит ўзгармас нарса эмас, балки у кишиларнинг фаол фаолияти натижасида ўзгара боради. Ҳар бир инсон ва боланинг онги ўзгариб боровчи муҳит таъсири остида ўсади. Аммо муҳит боланинг ўсиши учун қулай ва ноқулай бўлиши мумкин. Қулай муҳит кишининг «мудроқ» қобилиятларини улғайтиради. Ноқулай ижтимоий муҳитда туғма қобилиятлар «мудроқ» босган ҳолда қолаверади. Бундай муҳит, ҳатто тасодифан намоён бўлган истейдод ва қобилиятларни ҳам нобуд қилади.

Масалан: 1920 йилларда доктор Санг Ҳиндистонда Калькуттанинг жануби-ғарбидан 2 қизни бўрилар орасидан топади. Қизлардан бири Амола 2 ёш, 1 ойдан кейин вафот этган, иккинчиси Камола 7-8 ёш 17 ёшгача яшаган, 45та сўзни ўрганган.

Организмнинг ўсиши, нерв системасининг шаклланиши психик ҳаётнинг шакл ва мазмуни учун имкониятлар яратиб беради. Бу имкониятларнинг руёбга чиқиши кишининг ижтимоий муҳитда яшаши ва тараққий этиб боришига боғлиқ дур. Демак, инсон биологик мавжудот сифатида эмас, балки ижтимоий мавжудот сифатида тараққий қилади.

Демак, инсонни инсон қиладиган унинг бутун фазилатларини юзага келтирадиган омил ташқи ижтимоий муҳитнинг таъсиридур.

Болалар психологияси болани ҳар томонлама ривожланишида таълим-

тарбияни асосий ҳаракатлантирувчи куч деб таъкидлайди, чунки жамиятнинг болалар онгига онгли таъсир этиши таълим-тарбия орқали амалга оширилади.

Ёш психологиясида психик тараққиёт билан таълим-тарбия ўртасидаги муносабат масаласи муҳим масаладир. Бу масалани олимлар турли назариялар бўйича талқин қиладилар:

1) Биринчи назария тарафдорлари ижтимоий таълим-тарбия билан бола психик тараққиёти ўртасида ҳеч қандай муносабат йўқ, психик тараққиёт ўз йўлига, ижтимоий таълим-тарбия ўз йўлига бўлади деган фикрни олға суради.

2) Иккинчи хил назария намоёндалари психик тараққиёт билан ижтимоий таълим-тарбия орасида ҳеч қандай фарқ йўқ деган фикрни билдирадилар.

3) Учинчи хил назария намоёндалари таълим-тарбия ва психик тараққиёт бошқа-бошқа жараёнлар бўлса ҳам, бир-бирига мос келадиган, яъни бир-бирига таъсир ўтказадиган жараёнлардир деган фикрни илгари сурадилар.

Психологлар жумладан Л.С.Виготскийнинг фикрича таълим жараёни тараққиёт жараёнига мос келмайди, таълим жараёни тараққиётдан илгарилаб кетади ва болалар психикасининг тараққий этишини ўз орқасидан эргаштириб боради. Унга энг яқин истиқбол очиб беради, деб кўрсатади. Виготскийнинг фикрича тараққиётнинг 2 босқичи бўлиб, яъни биринчиси, фаол тараққиёт босқичи (катта ёшли кишилар ёрдамисиз мустақил ҳаракат қила олиш;).

Иккинчиси, энг яқин тараққиёт зонаси босқичи (болаларнинг катта ёшли кишилар ёрдами билан қиладиган хатти-ҳаракатлари) бор. Виготский болаларнинг психик ривожланиши, айниқса шу тараққиёт жараёнида тезроқ ривожланади деб кўрсатади.

Тараққиётнинг бу икки босқичи боланинг ҳозирги вақтда қандай эканлигини, яъни қандай билим, малака ва кўникмаларга, характер - сифатларга эга эканлигини ва келажакда боланинг қандай билим, кўникмаларга, характер сифатларга эга бўла олишини ҳисобга олиш имконини беради.

Таълим-тарбия инсоннинг камолга етишида етакчи омилдир, булар:

а) таълим ва тарбия жараёнида, киши организмнинг ўсиши ва муҳитнинг

стихияли таъсири беролмайдиган нарсаларни ўрганиб олиши мумкин, масалан: савод чиқариш.

б) Таълим-тарбия ёрдами билан болаларнинг баъзи туғма камчиликларини ҳам яхши томонга ўзгартириши мумкин.

в) Таълим-тарбия ёрдамида салбий таъсир натижасида юз берган камчиликларни тугатиш мумкин.

г) Таълим ва тарбия ўз олдига мақсад ва вазифалар қўяди ва комил инсон тарбиясини ривожлантиришни кўзлайди.

д) таълим жараёнида бола билимлар, кўникма ва малакалар ҳосил қилибгина қолмай, ўзи ҳам камолга етишиб боради, билим даражасини онгли равишда оширади.

Демак, таълим-тарбия табиий қобилиятларни ривожлантиришнинг, болаларни комил инсон қилиб тарбиялашнинг муҳим омилидир.

Маълумки, бола психикаси ўйин, ўқиш ўрганиш, меҳнат ва турли ижтимоий фаолият жараёнларида тараққий қилади. Фаолиятнинг бу турлари боланинг ўсиши ва ёш хусусиятларига мос равишда ўзгариб бири иккинчиси билан алмашилиб туради. Масалан: мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг асосий фаолияти ўйиндир. Чунки, ўйин бола табиатининг асосий хусусияти ҳисобланади. Бола ўйин орқали атрофдаги ҳаётни ва кишилар ўртасидаги турли муносабатларни била бошлайди.

Боланинг улғайиши билан унинг ўйин фаолияти ўқиш фаолияти билан алмаша бошлайди. Лекин мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ўқиш-ўрганиши ҳали-ҳали тизимли характерда бўлмайди, балки ўқиш фақат мактабдаги фаолиятнинг асосий турига айланади. Ўқиш фаолияти болани шахсий сифатларини таркиб топтиришда, малака, одат, кўникма, билимлар ҳосил қилишда катта роль ўйнайди. Лекин бола шахсининг таркиб топишига ўйин, ўқиш ва ўрганиш қанча таъсир қилмасин, киши шахси меҳнатда такомиллашади ва тўла- тўқис таркиб топади.

Умуман болалар психологияси тараққиёт омилларини ҳар томонлама ҳисобга олади ва тарбияни тараққиётнинг қудратли омили деб ҳисоблайди.

Бола шахсини ривожланишида жамоанинг роли аҳамиятлидир. Чунки болалар жамоада, жамоа таъсирида маданий ва ахлоқий жиҳатдан, шунингдек психологик жиҳатдан тарбияланадилар.

Бунда болаларда бир - бирига меҳрибонлик, ўзаро ёрдам, фақат ўзи тўғрисидагина эмас, балки бошқалар тўғрисида ҳам ўйлаш, жамоа манфаатларини ўз манфаатларидан юқори қўйиш каби фазилатлар таркиб топади. Жамоада турли ёшдаги болаларнинг дўстлик ва ўртоқлик туйғулари ривожланади.

Шахс фақат жамоа туфайлигина ўзини ўстирадиган воситаларга ва барча имкониятларга эга бўла олади. Ҳар бир одамнинг психик тараққиёти турли психик жиҳатдан нормал, баъзи бирлари психик тараққиётида акселерация, яъни ривожланишнинг тезлашуви бўлиши мумкин. Баъзи бирлар психик жиҳатдан нормал, баъзи бирлари эса психик жиҳатдан нотекис ривожланиши мумкин. Болаларнинг психик жиҳатдан нотекис ривожланишига қуйидагилар, яъни:

- ноқулай муҳит (Амола, Камола) ёки жамиятдаги турли нотинчликлар, масалан уруш (II жаҳон уруши), 6,7 ёшли болаларнинг ўсишига, 12,13 ёшли қиз болалар ва 13, 14 ёшли ўғил болалар ўсишининг ҳар хиллиги;
- таълим-тарбиянинг нотўғри йўлга қўйилганлиги;
- вояга етаётган шахс фаолиятининг нотўғри ташкил қилиниши;
- асаб иш фаолиятининг бузилиши ва ҳаддан ташқари касалликларга кўп чалинавериш;
- ёш хусусиятларни ҳисобга олмаслик (таълим ва тарбия жараёнида);
- шароит (мактабдан, уйдан ва боғчадан борган болаларнинг ривожланиши) кабилар сабаб бўлиши мумкин.

Шунингдек, қаттиқ таъсирланиш натижасида узоқ муддатга уйқуга кетиш ҳоллари психик ривожланишни текис ривожланишига ва баъзан вақтинча тўхтаб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Маълумки, боланинг ақл идроки, феъл - атвори, воқеликка муносабати,

психик ва жисмоний ўсиш хусусиятлари, уни тараққиёти билан боғлиқ равишда ўзгариб туради. Бу ўзгариш унинг фаолияти ва ҳаёт кечиришидагина эмас, балки ёшига ҳам боғлиқдир. Масалан: 1 ёшли бола билан 3 ёшли бола, 7 ёшли билан 15 ёшли бола орасидаги фарқ яққол кўзга ташланади. Бу фарқ болани жисмоний хусусиятлари билан эмас, балки психологик хусусиятлари билан ҳам боғлиқдир. Ўсиб, улғайиш боланинг жисмоний тараққиёти билан боғлиқ бўлса, сифат ўзгаришлари, боланинг психик тараққиёти билан боғлиқдир. Болада юз берадиган сифат ўзгаришлари бирданига содир бўлмай, аста-секин юзага келади. Болаларни турли ёш даврларга ажратишда уларнинг тараққиётида юз берадиган сифат ўзгаришлари, яъни уларнинг психик тараққиёти жиҳатидан янги босқичга кўтарилиши асос қилиб олинади.

2. Бола психик тараққиётида биологик ва ижтимоий омиллар

Дунёга келаётган чақалоқнинг гавда тузилиши унда тик юриш учун имкониятнинг мавжудлигини тақозо этса, миясининг тузилиши ақли-ҳушининг ривожланиши учун имконият туғдиради, қўлларининг шакл-шамойили меҳнат курулларидадан фойдаланиш истиқболининг мавжудлигини кўрсатади ва ҳоказо.

Булар билан чақалоқ ўз имкониятлари йиғиндисига биноан одам ҳар қандай ҳолатда ҳам бу хилдаги фазилатлар йиғиндисининг соҳибига айлана олмайдиган ҳайвон боласидан фарқ қилади. Шундай қилиб, юқорида айтилганлар орқали чақалоқнинг инсон зотида мансублиги тасдиқланади ва бу факт индивид тушунчасида қайд этилади (бундан фарқли ўлароқ, ҳайвон боласи дунёга келиши биланоқ ва ҳаётининг охирига қадар жонзот деб юритилади).

«Индивид» тушунчасида кишининг насл - насаби ҳам мужассамлашгандир. Янги туғилган чақалоқни ҳам, катта ёшдаги одамни ҳам, мутафаккирни ҳам, ақли заиф овсарни ҳам, ёввойилик босқичидаги қабиланинг вакилини ҳам, маданиятли мамлакатда яшаётган юксак билимли кишини ҳам индивид деб ҳисоблаш мумкин.

Индивид сифатида дунёга келган киши алоҳида ижтимоий фазилат кашф этади, яъни шахс бўлиб етишади. Индивид ҳали болалигидаёқ тарихан таркиб

топган ижтимоий муносабатлар тизимига жалб этилади. У бу тизимни аллақачон тайёр ҳолда учратади. Кишининг жамиятдаги бундан кейинги ривожланиши муносабатларнинг шу қадар чигалликларини вужудга келтирадики, бу ҳол уни шахс сифатида шакллантиради.

Психологияда индивид томонидан амалий фаолият ва муносабат жараёнида ҳосил қилинадиган ҳамда ижтимоий муносабатларнинг индивидга таъсир ўтказиш даражаси ва сифатини белгилайдиган тизимли тарздаги ижтимоий фазилат шахс тушунчаси билан ифодаланади.

Шахс бу - маълум бир инсоннинг психобиологик ва ижтимоий-психологик қобилиятларнинг уйғунлиги ҳисобланади. Биз жамият, тарбия, таълим, муомала, ўзаро таъсирланиш таъсирида шахсга айланамиз. Шахс бўлмоқ - бу ҳар доим ўз хулқ - атори устида ишлаш деганидир.

Инсон онги бир қарашда яхлит нарса, аслида у айрим жараёнлардан иборат. Шунинг учун ҳам атроф муҳитни, ўзини билишига имкон берувчи онгни ўрганиш учун уни алоҳида психик жараёнларга бўлиб ўргана бошлаганлар. Бу жараёнлар – сезги, идрок, хотира, диққат, тафаккур нутқ ва бошқалар. Бу жараёнлар бир-бири билан боғлиқки, бирини иккинчисиз тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Шахснинг индивидуал – типологик хусусиятлари таснифи. Дунёда айнан бир-бирига ўхшаш бўлган икки кишини топиш жуда мушкул. Одам ташқи қиёфаси, бўй-басти билан бошқа бирор кимсага ўхшаши мумкин, лекин феъли, миждози ва шахс сифатидаги хусусиятлари нуқтаи назаридан айнан бир хил инсонлар бўлмайди.

Ҳаттоки, олимлар битта тухумдан ривожланган эгизакларда ҳам жуда кўп жиҳатдан айнан ўхшашликни қайд қилишган, шахсий сифатларидаги корреляцион таҳлилда эса баъзи тафовутлар аниқланган.

Шахс - қайтарилмас, у ўз сифатлари ва борлиғи билан ноёб. Ана шу қайтарилмаслик ва ноёблик асосида унинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуи ётади. Шу ўринда биз юқорида таъриф берган шахс тушунчаси билан ёнма-ён ишлатиладиган яна икки тушунчага изоҳ беришни

ўринли деб ҳисоблаймиз. Бу “индивид” ва “индивидуаллик” тушунчалари.

“Индивид “ тушунчаси умуман “одам” деган тушунчани тўлдириб, унинг ижтимоий ва биологик мавжудот сифатида мавжудлигини тасдиқлайди ва уни, бир томондан, бошқа одамлардан фарқловчи белги ва хусусиятларини ўз ичига олади, иккинчи томондан, ўзига ва ўзига ўхшашларга хос бўлган умумий ва характерли хусусиятларни қамраб олади. Демак, индивид инсонга алоқадорлик фактини тасдиқловчи илмий тоифадир.

“Индивидуаллик”— юқоридаги иккала тушунчага нисбатан торроқ тушунча бўлиб, у аниқ одамни бошқа бир одамдан фарқловчи барча ўзига хос хусусиятлар мажмуини ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан шахс тизимини таҳлил қиладиган бўлсак, шахс индивидуаллигига унинг қобилиятлари, темпераменти, характери, иродавий сифатлари, эмоциялари, хулқига хос мотивация ва ижтимоий кўрсатмалари киради.

Шахс структураси ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

- А) қобилиятлар ва эҳтиёжлар;
- Б) шахс йўналганлиги, қизиқишлар;
- В) темперамент ва характер;
- Г) иродавий сифатлар.

Шахс онтогенезида қуйидагича шаклланади:

I босқич - шахснинг асосий стереотипи шаклланиши. Уч ёшга келиб, болада ўзи ва борлиқ ҳақида тасаввур шаклланади. 3-5 ёшда эса болада “Мен” олмоши ишлатилади. 7 ёшга келиб, “танаси” ҳақида, ўнг ва чап томонлар (тананинг) ҳақида тасаввурлар шаклланади; 7-11 ёшдан бошлаб бола ўз фаолиятини миясида режалаштира олади.

II босқич - шахс стереотипи шаклланади (15-16 ёшгача). Индивидуаллик кўпроқ юзага чиқади. Абстракт тушунчалардан кенг фойдаланилади.

III босқич - шахснинг ижтимоий стереотипининг шаклланиши (16-21 ёш) атрофдаги олам билан инсоннинг муносабатларида анланганлик ҳисси шаклланади, ўз-ўзини англаш ва юқори даражали эмоциялар (этик, эстетик, интеллектуал) шаклланади.

Инсон шахсининг психик ривожланиши ва унинг шаклланиши мураккаб тадқиқот жараёнидир. Зеро, унинг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятларини асосли илмий билиш, бола шахсига педагогик жихатдан таъсир кўрсатишнинг зарур шартидир.

Биологик омиллар ҳақида

Инсон - биосоциал мавжудотдир. Унинг бирлиги, бир томондан, кишининг психик, туғма равишда ташкил топган хусусиятлари (масалан, кўриш ёки эшитиш сезгиларининг, шунингдек, олий нерв тузилишининг ўзига хос хусусиятлари), иккинчи томондан эса фаолиятнинг онгли субъекти ва ижтимоий тараққиётнинг фаол иштирокчиси сифатида унинг хулқ-атвор (масалан, ахлоқий одатлар) хусусиятларида намоён бўлади.

Хўш, одам психикаси ва хатти - ҳаракатларида намоён бўладиган бу хусусиятларни нималар сирасига киритиш мумкин? Инсон психикасининг табиати биологикми ёки инқилобий характерга эгами?

Инсон шахсининг таркиб топиши ва психик ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг муаммоси ўз моҳияти жиҳатидан ғоявий характерга эга. Шу боис, бу масалани ҳал қилишда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли оқимлар, йўналишлар майдонга келган. Инсон шахсининг таркиб топишини тушунтиришда майдонга келган биринчи оқим *биогенетик концепция* назария бўлса, иккинчи оқим *социогенетик концепция*дир.

Инсон шахсининг таркиб топишини тушунтиришга интилувчи *биогенетик оқим* XIX асрнинг иккинчи ярмида майдонга келган.

Бола психик хусусиятларининг туғма табиати ҳақидаги таълимот шу вақтга қадар аксарият психология мактабларининг асосини ташкил этиб келмоқда. Мазкур таълимот инсон психикасининг барча умумий ва индивидуал хусусиятлари табиат томонидан белгиланган, унинг биологик тузилишига тенглаштирилгандир, психик ривожланиш эса, ирсий йўл билан азалдан белгиланиб, инсон организмга жойлаштирилган шу хусусиятларнинг маромига етилиш жараёнидан иборат деб таъкидлайди.

Маълумки, наслий хусусиятлар туғма йўл билан наслдан наслга тайёр ҳолда берилади, бироқ шундай бўлишига қарамай, бу оқим намояндалари инсон шахси ва унинг барча хусусиятлари *«ички қонунлар»* асосида, яъни наслий хусусиятлар негизида майдонга келадиган нарса, яъни биологик омилларга боғлиқдир, деб таъкидлайдилар.

Биогенетик таълимот, инсон қобилиятларининг ривожланиш даражаси (чунончи, имкониятларнинг чегараси, унинг энг юксак нуқтаси) тақдир томонидан белгиланиб кўйилганлигини, ўқувчи имкониятлари ва қобилиятларини махсус тестлар ёрдамида аниқлаб, ундан сўнг таълим жараёнини унинг ирсият томонидан белгиланган тараққиёт даражасига мослаштириш, уларнинг ақлий истеъдод даражаларига қараб турли мавқедаги мактабларда таҳсил олиши зарур дея таъкидлашади.

Чунончи, бу йўналиш тарафдорларидан, америкалик психолог Э. Торндайк шахсининг *«табиий қучлари»* ва *«туғма майллар»* психик ривожланишнинг етакчи омили қилиб кўрсатиб, муҳитнинг, таълим-тарбиянинг таъсири - иккинчи даражалидир, деб айтади.

Австралиялик психолог К.Мюллер болаларнинг фақат ақлий тараққиётигина эмас, балки ахлоқий ривожланиши ҳам наслий томондан белгилангандир, деб таъкидлайди.

Америкалик педагог ва психолог Дж. Дьюи - инсон табиатини ўзгартириб бўлмайди, одам ирсият воситасида ҳосил қилган эҳтиёжлари ва психик хусусиятлари билан туғилади. Бу эҳтиёжлар ва психик хусусиятлар тарбия жараёнида намоён бўлиб, баъзида ўзгариши, тарбиянинг эса миқдорини белгилаб берувчи мезондир, деб ҳисоблайди.

Веналик врач - психолог З. Фрейд мазкур оқим намоёндаси сифатида шахсининг фаоллигини, уни ҳаракатга келтирувчи кучларни қуйидаги тарзда тушунтиришга интилади. Одам ўзининг қадимий ҳайвон тариқасидаги авлод-аждодларидан наслий йўл билан ўтган инстинктив майлларнинг намоён бўлиши туфайли фаолдир.

З.Фрейднинг фикрига кўра, инстинктив майллар асосан жинсий

инстинктлар шаклида намоён бўлади. З.Фрейд, шахсининг фаоллигини даставвал жинсий майллар билан боғлайди. Бироқ инстинктив майллар жамиятда худди ҳайвонот оламидагидек эркин намоён бўлавермайди. Жамиятдаги жамоа ҳаёти одамни, ундаги мавжуд инстинктив майлларни (яъни, жинсий майлларни) жуда кўп жиҳатдан чеклаб қўяди.

Оқибатда одам ўзининг кўп инстинктлари ва майлларини босишга, тормозлашга мажбур бўлади. Унинг таълимотига кўра, тормозланган инстинкт ва майллар йўқолиб кетмайди, балки бизга номаълум бўлган онгсизлик даражасига ўтказилиб юборилади. Онгсизлик даражасидаги бундай инстинктлар ва майллар ҳар турли **«комплекслар»** бирлашадилар, гўё инсон шахси фаоллигининг ҳақиқий сабаби айни шу **«комплекслар»**нинг намоён бўлишидир.

З.Фрейднинг таълимотидан, унинг очикдан-очик биологизаторлик тарғиботчиси эканлигини, инсон шахсининг фаоллигини жинсий майллардан иборат эканлиги ҳақидаги назарияси илмий асосга эга эмаслигини эътироф этиш мумкин. Бундай таълимотлардан, хусусан дин ҳомийлари кенг фойдаланиб, инсоннинг тақдири ана шу илмлар билан чамбарчас боғлиқдир, деб таъкидлашади.

Инсон шахсининг таркиб топишини ўрганиш давомида юзага келган яна бир таълимот - **социогенетик концепция** қобилиятларнинг тараққиётини, фақат, теварак - атрофдаги муҳитнинг таъсири билан тушунтиради. Бу йўналиш ўз замонаси учун илғор ҳисобланган XVIII аср француз олими К. Гельвеций таълимотидан бошланган.

К. Гельвецийнинг таълимотига кўра, барча одамлар ақлий ва ахлоқий ривожланиши учун туғилишдан оқ мутлақо бир хил табиий имкониятга эга бўладилар. Шунинг учун одамларнинг психик хусусиятларидаги фарқ, фақатгина муҳит ва тарбиянинг турлича таъсир қилиши билан вужудга келади, деб тушунтирилади.

Ижтимоий муҳитнинг шахс шаклланишига таъсири

Инсон шахсининг таркиб топишини ўрганиш давомида юзага келган

социогенетик концепция фанда экспериментларнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Маълумки, XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг бошларида табиий фанлар жадал суръатлар билан ривожлана бошлади, ўша пайтда ҳамманинг диққат - эътибори мўъжизакор тажрибага қаратилган эди. Бу ҳодиса инсон шахсининг таркиб топиши масаласига ҳам таъсир қилмай қолмади.

Социогенетик концепция намояндалари инсоннинг бутун тараққиёти, шу жумладан, шахсий хусусиятларнинг таркиб топиши, асосан, тажрибага боғлиқдир. Бу назарияда шахсда рўй берадиган ўзгаришларни жамиятнинг тузилиши, ижтимоийлашиш усуллари, атрофидаги одамлар билан ўзаро муносабат воситалари асосида тушунтирилади. Бу таълимотга кўра инсон биологик тур сифатида туғилиб, ҳаётдаги ижтимоий шарт-шароитларнинг бевосита таъсири остида шахсга айланади.

Чунончи, англиялик олим Джон Локк дунёга келган янги чақалоқ боланинг руҳини *«тон-тоза тахтага»* ўхшатади. Унинг фикрича, боланинг *«тон-тоза тахта»* тарзидаги руҳига нималарни ёзиш мутлақо катта одамлар ихтиёрларидадир. Шунинг учун боланинг қандай одам бўлиб етишиши, яъни унда қандай шахсий фазилатларнинг таркиб топиши бола ҳаётдан оладиган тажрибага, ўзгалар билан мулоқот жараёнида оладиган ҳаётий тушунча ва тасаввурларига боғлиқдир, деб таъкидлайди. Ҳар иккала йўналишнинг намояндалари, ўз манфаатларининг ташқи жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши бўлишига қарамай, инсоннинг психик хусусиятларини ё наслий, биологик омиллар таъсири остида ёки ўзгармас муҳит таъсирида аввалдан белгиланган ва ўзгармас нарса, деб эътироф этадилар.

Маълумки, одам шахс сифатида мунтазам, қандайдир фаолиятда таркиб топиб боради, ривожланади, унинг фаоллиги намоён бўлади. Агарда ҳайвонлар теварак-атрофдаги ташқи муҳитга пассив мослашиб, ҳаёт фаолиятларида табиатдаги, яъни ташқи муҳитдаги тайёр нарсалардан фойдалансалар, одам эса теварак-атрофидаги ташқи муҳитга фаол таъсир кўрсатиб, уни ўз иродасига бўйсундиради ҳамда ўзгартириб, ўз эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилдиради.

Кузатишлар жараёнида шу нарса маълум бўлди-ки, одамдаги туғма ирсий механизмлари унинг психик ривожланишига таъсир кўрсатади-ю, бироқ унинг мазмунини ҳам, шахсий фазилатларини ҳам белгилаб бера олмайди. Таъкидлаш зарурки, муҳит ҳам бола психикасида ривожлантиришда муайян роль ўйнайди. Фақат, бунинг учун болани ўқитаётган кишиларнинг таъсири натижасида бола ана шу муҳитни фаол равишда ўрганиб олиши, табиийдир.

Инсон шахси тузилишида биологик (табиий) ва ижтимоий омилларнинг ўзаро нисбати масаласи ҳозирги замон психологиясидаги энг мураккаб ва мунозарали масалалардан биридир.

Психологияда шахсда иккита омил - *биологик* ва *ижтимоий* омиллар таъсири остида шаклланган иккита асосий кичик структура борлигини алоҳида таъкидлайдиган назария сезиларли ўрин эгаллайди.

3. Психик тараққиёт, ёш босқичлари ва ёш инқирозлари

Хуррият - бой маънавият ва руҳият илмидан оқилона, одилона ва омилкорлик билан фойдаланишни тақозо этмоқда. Мамлакатимиздаги мавжуд барча ўқув юртлари таълим-тарбияни тўғри, илмий асосда ташкил этиш учун бу жараённинг ўзига хос психологик қонуниятларини, унинг механизмларини, шунингдек, фаол, мустақил ҳамда ижодий тафаккур жараёнини замонавий билимлар асосида таркиб топтиришнинг самарали усулларини билиши лозим бўлади.

Ёш даврлари психологияси онтогенездаги турли ёш даврлари психик тараққиётининг умумий қонуниятларини, психик ривожланишини ҳамда психологик хусусиятларини ўрганади.

Ёшнинг улғайиб бориши, психик жараёнларнинг инсон ривожланишидаги қонуниятлари, ундаги етакчи омиллар ҳамда инсон ҳаёт йўлининг турли босқичларида унинг шахсига хос хусусиятлар - ёш даврлари психология фанининг тадқиқот предмети ҳисобланади. Маълумки, шахс таркиб топиш жараёнининг психологик қонуниятларини, унинг илмий асосларини мукаммал билмай туриб, таълим ва тарбиянинг назарий ҳамда амалий масалаларини муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди.

Психология фанида ёш даврларини табақалаш бўйича турлича усуллар мавжуддир. Бу инсон шахсини тадқиқ қилишга турли нуқтаи-назардан ёндашув мазкур муаммонинг моҳиятини турлича ёритади

Шу вақтгача психология илмида шахс тараққиётини даврларга бўлиб ўрганишга жуда катта эътибор қаратилган. Бир қанча даврий жадваллар ҳам таклиф этилган, Лекин шу соҳада астойдил ижод қилган ҳар қандай олим ўзининг “даврларини” таклиф этаверган. Зеро инсоннинг ҳаётий йўли ва унинг асосий лаҳзалари тарихий тараққиёт мобайнида ўзгаради. Бир авлоддан иккинчи авлод тараққиётига ўтишнинг ўзи ҳам қатор ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Даврларга бўлишга қаратилган таснифларнинг ўзи ҳам икки турли бўлади: жузъий (алоҳида даврларни яна қўшимча даврларга бўлиш – “даврлар ичидаги даврлар”) ва умумий (инсон умрининг барча босқичларини ўз ичига олган). Масалан, жузъий таснифга Ж.Пиаженинг интеллект ривожланишидаги босқичларга бўлишни киритиш мумкин.

У бу тараққиётни 3 босқичга бўлиб кўрсатган:

- Сенсомотор интеллект босқичи (0 – 2 ёш). Бунда асосан, олти босқич фарқланади;

- Аниқ операцияларни бажаришга тайёрлаш ва уни ташкил этиш босқичи(3-11 ёшлар);

- Формал операциялар босқичи (12-15 ёшлар);

Бу даврда бола нафақат бевосита кўриб турган нарсани балки мавҳум тушунчалар ва сўзлар воситасида ҳам фикр юрита олади. Д.Б.Элькониннинг ёш даврлари босқичлари шу гуруҳга киради ва у ҳам болаликнинг уч даврини фарқлайди:

- Илк болалик

- Болалик

- Ўсмирлик

Ҳар бир бир босқичнинг ўзига хос етакчи фаолияти, ўзгаришлари ва ривожланиш шарт-шароитлари мавжуд бўлади ҳамда уларни билиш

тарбиячилар учун катта амалий аҳамиятга эга. Ҳар бир босқичда фаолият мотивлари ўзгаради, уларнинг ўзгариши шахс эҳтиёжлари ва талаблари даражасининг ўзгаришига мос тарзда рўй беради.

Инсон ҳаётининг барча даврини яхлит тарзда қамраб олган таснифлардан бири бутун жаҳон олимларининг қарорига кўра, 1965 йили Фанлар академиясининг махсус симпозиумида қабул қилинган схема ҳисобланади.

У қуйидаги жадвалда берилган. Тараққиётни ёш даврларга бўлишда ўзига хос таснифлар ҳам бор. Масалан, Э.Эриксон шахс менининг ривожланиш босқичларини ажратган ва ҳар бирида ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларни ажратган.

1-босқич (ишонч-ишончсизлик)- бу ҳаётнинг биринчи йили.

2-босқич (мустақиллик ва қатъиятсизлик) - 2-3 ёшлар.

3-босқич (тадбиркорлик ва гуноҳ ҳисси) - 4-5 ёшлар.

4-босқич (чаққонлик ва етишмовчилик) - 6-11 ёшлар.

5-босқич (шахс идентификацияси ва ролларнинг чалкашлиги)-12-18 ёшлар.

6-босқич (яқинлик ва ёлғизлик) - етукликнинг бошланиши.

7-босқич (умуминсонийлик ва ўзига берилиш) - етуклик даври.

8-босқич (яхлитлик ва ишончсизлик) —кексалик.

Э.Эриксон таснифининг ўзига хос қиммати шундаки, унда шахснинг ўзи тўғрисидаги тасаввурлари жамият таъсирида ўзгариши назарда тутилади.

Маълумки, ҳар бир давр ўзининг муҳим ҳаётий шароитлари, эҳтиёжлари ва фаолияти, ўзига хос қарама-қаршиликлари, психикасининг сифат хусусиятлари ва психик жиҳатдан характерли янги сифатларнинг ҳосил бўлиши билан ажралиб туради. Ҳар бир давр ўзидан олдинги давр томонидан тайёрланиб, унинг асосида шаклланиши ва ўз навбатида, ўзидан кейинги даврнинг пайдо бўлиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда психологияда мавжуд иш даврларини табақалаш назарияларига урғу бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Швейцариялик психолог Ж.Пиаженинг ақл-идрок назарияси, ақд-идрок функциялари ҳамда унинг даврлари ҳақидаги таълимотни ўз ичига олади. Ақл-

идрокнинг асосий вазифалари, мослашиш ва кўникишдан иборат бўлиб, бу унинг доимий вазифалар туркумини ташкил этади.

Муаллиф, бола ақл-идрокини қуйидаги психик ривожланиш даврларига таснифлайди:

- сенсомотор интеллекти - туғилгандан 2 ёшгача;
- операциягача тафаккур даври - 2 ёшдан 7 ёшгача;
- аниқ операциялар даври - 7, 8 ёшдан -11,12 ёшгача;
- расмий операциялар даври.12-14 ёшгача.

Француз психологи А. Валлон эса ёш даврларини қуйидаги босқичларга ажратади:

- ҳомиланинг она қорнидаги даври;
- импульсив ҳаракат даври -туғилгандан 6 ойликкача;
- ҳис-туйғу даври (эмоционал) - 6 ойликдан 1 ёшгача;
- сенсомотор (идрок билан ҳаракатнинг уйғунлашуви) даври - 1 ёшдан 3 ёшгача;
- персонологизм (шахсга айланиш) даври - 3 ёшдан - 5 ёшгача;
- фарқлаш даври - 6 ёшдан - 11 ёшгача;
- жинсий етилиш ва ўспиринлик даври - 12 ёшдан -18 ёшгача.

Рус психологиясидаги ёш даврларини табақалаш муаммоси дастлаб Л.С.Виготский, П. П. Блонский, Б. Г. Ананьев сингари йирик психологларнинг асарларида ўз аксини топа бошлаган. Кейинчалик бу муаммо билан шуғулланувчилар сафи ортиб борди, шу боис ёш даврларини таснифлаш муаммоси ўзининг келиб чиқиши, илмий манбаи, ривожланиш жараёнларига ёндашилиши нуқтаи назаридан бир-биридан кескин фарқ қилади.

Ҳозирги вақтда ёш даврларини табақалаш юзасидан мулоҳаза юритишда олимларнинг илмий қарашларини муайян гуруҳларга ажратиш ва уларнинг моҳиятини очиш мақсадга мувофиқдир.

Л.С.Виготский психологларнинг ёш даврларини табақалаш назарияларини танқидий таҳлил қилиб, муайян ривожланишни вужудга келтирувчи руҳий янгиланишларга таяниб, ёш даврларини қуйидаги босқичларга ажратади;

- Чақалоқлик даври инқирози.
- Гўдаклик даври - 2 ойликдан 1 ёшгача. Бир ёшдаги ииқироз.
- Илк болалик даври - 1 ёшдан 3 ёшгача - 3 ёшдаги инқироз.
- Мактабгача давр - 3 ёшдан 7 ёшгача - 7 ёшдаги инқироз.
- Мактаб ёши даври - 8 ёшдан 12 ёшгача- 13 ёшдаги инқироз.
- Пубертат (жинсий етилиш) даври - 14 ёшдан 18 ёшгача, 17 ёшдаги инқироз.

Л.С.Виготский ўзининг ёш даврларини табақалаш назариясини илмий асослаб, таърифлаб бера олган. Олим энг муҳим психик янгилинишлар ҳақида илмий ва амалий аҳамиятга молик мулоҳазалар билдирган. Бироқ, бу мулоҳазаларда анча мунозарали, баҳсли ўринлар ҳам мавжуд.

Умуман Л.С.Виготскийнинг ёш даврларини табақалаш назарияси илмий-тарихий аҳамиятга эга, унинг ривожланишни амалга оширувчи инқирозлар тўғрисидаги мулоҳазали ва олға сурган ғоялари ҳозирги куннинг талабларига мосдир.

Д.Б.Элькониннинг таснифи етакчи фаолият назариясига, яъни ҳар қайси ривожланиш палласида бирор фаолиятнинг устунлик қилиши мумкинлигига асосланади. Етакчи фаолиятнинг инсон шахс сифатида камол топишидаги роли, назариянинг асосий моҳиятини ташкил қилади.

Д.Б.Эльконин ёш даврларини қуйидаги босқичларга ажратишни лозим топади:

- Гўдаклик даври - туғилгандан 1 ёшгача - етакчи фаолият - бевосита эмоционал мулоқот;
- Илк болалик даври - 1 ёшдан 3 ёшгача - етакчи фаолият - предметлар билан нозик ҳаракатлар қилиш;
- Мактабгача давр - 3 ёшдан 7 ёшгача - ролли ўйинлар;
- Кичик мактаб ёши даври - 7 ёшдан 10 ёшгача - ўқиш;
- Кичик ўсмирлик даври - 10 ёшдан 15 ёшгача - шахснинг интим (дилкаш, самимий) мулоқот;

• Катта ўсмирлик ёки илк ўспиринлик даври - 16 ёшдан 17 ёшгача; - етакчи фаолият - ўқиш, касб танлаш даври.

Д. Б. Эльконин таснифини кўпчилик психологлар томонидан эътироф этилса-да, бироқ унинг бирмунча мунозарали томонлари мавжуд. Умуман Д. Б. Элькониннинг мазкур назарияси психология фанида, айниқса ёш давлари психологиясида муҳим ўрин тутди.

Болалар психологияси фанининг йирик намояндаси А. А. Люблинская инсон камолотини ёш давларга ажратишда фаолият нуқтаи назаридан ёндашиб, қуйидаги давларни атрофлича ифодалайди:

- Чақалоқлик даври - туғилгандан бир ойликкача;
- Кичик мактабгача давр - 1 ойликдан 1 ёшгача;
- Мактабгача тарбиядан аввалги давр -1 ёшдан 3 ёшгача;
- Мактабгача тарбия даври - 3 ёшдан 7 ёшгача;
- Кичик мактаб ёши даври - 7 ёшдан 11,12 ёшгача;
- Ўрта мактаб ёши даври (ўспирин) - 13 ёшдан 15 ёшгача;
- Катта мактаб ёши даври-15 ёшдан 18 ёшгача.

Педагогик психологиянинг таниқли намояндаси В. А. Крутецкий инсоннинг онтогенетик камолотини қуйидаги босқичлардан иборатлигини таъкидлайди:

- Чақалоқлик (туғилгандан 10 кунликкача);
- Гўдақлик(10 кунликдан 1 ёшгача);
- Илк болалик (1 ёшдан 3 ёшгача);
- Боғчагача давр (3 ёшдан 5 ёшгача);
- Боғча ёши (5 ёшдан 7 ёшгача);
- Кичик мактаб ёши (7 ёшдан 11 ёшгача);
- Ўсмирлик (11 ёшдан 15 ёшгача);
- Илк ўспиринлик ёки катта мактаб ёши (15 ёшдан 18 ёшгача).

Юқоридаги ҳар иккала тасниф пухталигидан, уларга қандай нуқтаи назардан ёндашилганлигидан қатъий назар инсон камолотини тўла ифодалаб беришга ожизлик қилади. Мазкур назариялар инсоннинг шахс сифатида шаклланиши

босқичлари ҳақида кўпроқ маълумот беради, холос. Уларда ёшлик, етуклик, қарилик даврларининг хусусиятлари, қонуниятлари тўғрисида назарий ва амалий маълумотлар етишмайди. Шунга қарамай улар ўрта мактаб педагогик психология фани учун алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги замон психологиясининг йирик вакили А. В. Петровский инсон камолотига, шахсининг таркиб топишига ижтимоий-психологик нуқтаи назардан ёндашиб, шахсининг шаклланишини қуйидаги босқичларда амалга ошишини таъкидлайди:

1. Илк болалик (мактабгача тарбия ёшидан олдинги давр) -туғилганидан 3 ёшгача.
2. Боғча даври - 3 ёшдан 7 ёшгача,
3. Кичик мактаб ёши даври - 7 ёшдан 11 ёшгача.
4. Ўрта мактаб ёши (ўсмирлик) даври - 11 ёшдан 15 ёшгача.
5. Юқори синф ўқувчиси (илк ўспиринлик) даври -15 ёшдан 17 ёшгача.

А. В. Петровскийнинг таснифи мукамал бўлса-да, камолотнинг оралик босқичларини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодаламайди. Ваҳоланки, ўсиш ижтимоий қоидаларга мувофиқми ёки аксинча, қандай бўлишидан қатъий назар, ҳар иккала йўналишнинг ҳам оралик жабҳалари бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Маълумки, ҳар бир ёш давр, ўзига хос хусусиятлар билан белгиланади, буларга: оилада ва мактабда бола ҳолатининг ўзгариши, таълим ва тарбия шаклларининг ўзгариши ҳамда боланинг янги фаолият турлари, организмдаги айрим хусусиятларнинг етилиши сингари жараёнларни киритиш мумкин.

Ҳозирги замон психологиясида ёш даврларини шу нуқтаи назардан табақалаш мақсадга мувофиқдир:

- 1.Илк болалик даври - туғилгандан 3 ёшгача;
- 2.Боғча даври - 3 ёшдан 6,7 ёшгача;
- 3.Кичик мактаб ёши даври - 6, 7 ёшдан 10,11 ёшгача;
- 4.Ўрта мактаб ёши (ўсмирлик даври) - 10,11 ёшдан 14,15 ёшгача;
- 5.Илк ўспиринлик (коллеж ва лицей таълим олувчилари)- 14,15 ёшдан

17, 18 ёшгача.

Умуман, психологлар томонидан ёш даврларини табақалаштиришнинг пухта, илмий-методологик негизга эга бўлган қатор назариялари ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда улар онтогенетик қонуниятларни ёритишга катта ҳисса қўшиб, унинг назарий ва амалий муаммоларини ҳал қилишда муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Бироқ, шундай бўлсада, ҳозир фаннинг олдида онтогенезни тўла ёритишга хизмат қила оладиган назарияни яратиш зарурияти мавжуддир.

3. Ёш давлар психологиясида бир неча кичик кризислар ва катта кризислар мавжуд.

Кичик кризисларга қуйидагилар киради:

- 1 ёш кризиси
- 7 ёш кризиси
- 17-18 ёш кризиси

Катта кризисларга қуйидагилар киради:

- Чақалоқлик кризиси
- 3 ёш кризиси
- 13-14 ёш кризиси

Чақалоқлик даври инқирози

Бу даврда мулоқот эмоционал-ижобий характерга эга бўлиши керак. Бу эса болада эмоционал ижобий характер, эмоционал – ижобий тонус шакллантиради ва болада ҳам психик, ҳам жисмонан соғлом бўлади.

Болани онадан бу даврда айириш бола психик ривожланишида жиддий бузилишига олиб келади ва бу боланинг бутун ҳаётига таъсир қилади. Болани онадан айириш билиш жараёнларининг ривожланишига, эмоционал ривожланишига таъсир қилади.

1 ёш инқирози

Бу давр ривожланишининг ижтимоий ситуацияси қуйидагилардан иборат: **бола – предмет – катта одам**. Бу даврда бола диққат эътибори предметга қаратилган бўлади. Бундан ташқари бу даврда идрок, интеллект ва нутқ фаолиятлари ривожланади.

3 ёш инқирози

Бу давр кризиси ҳақида Эльда Геппер “Уч ёшли бола шахси ҳақида” илмий ишида бир неча муҳим белгиларни кўрсатиб ўтган:

- Негативизим. Катталарнинг баъзи талабларига бола умуман риоя қилмайди.
- Ўжарлик. Шахсий фикрга эга бўлиб, бола ўз фикри ва талабларини қилдиради. У билан ҳисоблашишини ҳоҳлайди.
- Катталарни тан олмаслик.
- Қаршилик – ота-оналар билан уришишда намоён бўлади.
- Мустақиллик. Мустақилликка интилиш.

Бу кризис даврда болада мустақил фаолият юрита олиш, катталарга тақлид қилиш хусусияти билан ажралиб туради.

7 ёш инқирози

Бу даврда бола ўзлигини йўқотиб қўяди. Мактабгача таълим муассасидан янги ижтимоий муҳит-мактабга келади. Бу даврда боланинг интеллектуал ва ақлий имкониятлари баҳоланади. Ўз-ўзини баҳолаш ривожланади. Болага бу вақтда тўғри ижобий – муносабатда бўлиш, меҳр-муҳаббат бериш. Бу кризисдан осон ўтишга ёрдам беради.

13-14 ёш ўсмирлик даври инқирози

Ўсмирлик даврда шахс дунёқараши, мулоқот доираси кенгаяди. Бу даврда ўсмир уятчан, тез ҳафа бўлувчан, агрессив, кескин ҳаракатлар қилувчи бўлади. Ўсмирлик даврини болани иккинчи психологик туғилишига қиёсласа бўлади. Ўсмир ўз “Мен”ини йўқотиб қўйишдан кўрқади. Кўпинча ота-оналар қуйидагилардан норози бўладилар, шикоят қилишади:

Болани мактабда ва уйда ўзини тўтиши (бошқариб бўлмайди, тарбиясиз)

- Характеридан – агрессив, биринчи ўринга ўз эҳтиёжларини қўяди.

17-18 ёш даври кризиси

Бу давр кризиси мактаб даври тугаб, янги катта ҳаётга қадам қўйиш билан белгиланади. 17 ёш кризиси турли хил кўрқувлар билан ҳам белгиланади. Қилинган танлов тўғрилигини, янги ҳаёт, хатолар қилиб қўйиш каби кўрқувлар

жуда кучли бўлади. Юқори хавотирланиш ва кўрқув невротик реакция, гастрит, нейродермит, бош оғриғи ва сурункали касалликларни келтириб чиқаради.

Ҳар бир ота-она, ўқитувчи ёш давр психологияси, ундаги инқирозларни билиш тавсия этилади. Чунки бу инқироз даври белгиларини билиб, болага тўғри муносабатда бўлиш, унга йўл йўриқ ва маслаҳатлар бериш мумкин. 6-9 ёшда болада ўйин орқали англаш фаолият доминант бўлади. Бола учун ўйин оламни англаш учун энг муҳим усул ҳисобланади. Ўйин орқали бола ижодий ва ақлий қобилиятларни ривожлантиради, муомалага киришади ва янги ижтимоий ролини ўзлаштиради.

Ота-оналар ва ўқитувчиларга: иложи борича ижодий ўйинларни кўпайтиринг. Болани кун тартибини шундай тақсимлангки, ўйин учун вақт қолсин.

13-14 ёшда эса болалар ҳамма нарсани солиштириб ўрганадилар. Бу пайтда бола ҳаётида тенгдошлари кўпроқ роль ўйнайди. У кўпинча ўз муваффақиятларини бошқа болаларники билан солиштиради. Кўпчиликда фақат битта дўсти билан мулоқотда бўлиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Ота-оналар ва ўқитувчиларга: болангизни севишингизни айтишдан чарчаманг ва бу олган баҳосига боғлиқ эмаслигини такрорлашдан чарчаманг. Уни мақташни унутманг. Дўстона мулоқот эҳтиёжини ҳурмат қилинг.

17 ёшда болада мулоқот эҳтиёжи муҳим ўрин эгаллайди. Мулоқот-ўсмирларнинг асосий эҳтиёжи. Катта бўлиб қолган болага дўстлар жамоаси, жамоада, атроф-муҳитда ўз ўрнини топиш учун керак бўлади. Ўқиш энди мулоқот учун баҳона.

Ота-оналар ва ўқитувчиларга: унинг қарашларини танқид қилманг, сабр қилинг, ўзлаштиришнинг пасайишидан чўчиманг. Болага вақт беринг, яхши ўқиш ўзига кераклигини тушуниб англаб олсин.

3-мавзу. Илк ёш даврида психик ривожланиш.

(2 соат маъруза)

1. Илк ёшдаги бола психикасининг ривожланиши.
2. Предметли фаолият - илк болалик даврining етакчи фаолияти сифатида.
3. Илк ёшдаги болалар нутқининг хусусиятлари.

1. Илк ёшдаги бола психикасининг ривожланиши.

Илк болалик даври бола ҳаётидаги энг аҳамиятга молик, унинг келажакдаги психологик ривожланишини белгилаб берувчи муҳим давр ҳисобланади. Бу даврдаги ривожланишнинг асосини боланинг тўғри юриши, мулоқотга киришиши ва предметли фаолиятни эгаллаш хусусиятлари ташкил этади. Тикка ва тўғри юра олиш имкони болани, доимий равишда янги маълумотларни эгаллашга замин бўлади. Бу ёшдаги болалар ўз хатти-ҳаракатлари билан жуда фаол ва катталар билан мулоқотга киришишга интилувчан бўладилар. Юришни ўрганиш боланинг фақатгина жисмоний ўсиши учун эмас, балки унинг психик тараққиёти учун ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга.

Илк болалик давридаги болаларнинг анализаторлари яхши такомиллашгани ва улар эркин ҳаракат қила олиш имкониятига эга бўлганликлари туфайли бу даврда психик жиҳатдан тез ривожланадилар. Боғчагача тарбия ёшидаги болаларнинг эртадан кечгача турли ҳаракатлар қила олиш имкониятлари тевааракатрофдаги муҳитни билиш эҳтиёжини қондиришда жуда катта шароит яратиб беради.

Илк болалик давридаги боланинг турмуш тажрибаси деярли йўқ бўлгани учун ҳамма нарса қизиқтиради. У ўзининг кундалик тинимсиз ҳаракатлари давомида катталарга тақлид қилиб, мустақил равишда кийиниш, овқат ейиш, ювиниш каби ҳаракатларни ўзлаштира бошлайди. Боғчагача тарбия ёшидаги бола ўзининг кундалик ҳаракатлари давомида ҳеч бир эринмай, кўз ўнгидаги ҳамма нарсаларни текшириб кўради. Натижада жуда кўп янгиликларни билиб олади, ўзининг сезги ва идрокини, тасаввур ва хотирасини, тафаккур ва нутқини ҳиссиёт ва хаёлини - умуман барча психик жараёнларини

ривожлантиради.

Бу ёшдаги даврда сезгиларнинг ривожланиши анализаторларнинг тобора такомиллашуви билан боғлиқдир. Икки ёшдан ошган боланинг сезгилари (кўриш, эшитиш, ҳид ва таъм билиш, тери ва ҳаракат каби унинг ҳар кунги хилма-хил ҳаракатлари давомида турли нарсаларга бевосита тўқнаш келиши натижасида ривожланади. Сезгиларнинг нормал ривожланиши бола идроки ўсиши учун ҳам замин яратади.

Илк болалик давридаги боланинг идроки анча ривожланган бўлса ҳам ҳали катта одамлар идрокидан кескин фарқ қилади. Биринчидан, болаларда турмуш тажрибасининг йўқлиги туфайли уларнинг идроклари ҳам англашилмаган характерга эга бўлади. Улар кўп нарсаларга биринчи марта дуч келадилар. Шунинг учун болалар идрок қиладиган кўп нарсалар уларга янгилик, яъни дастлабки таассурот кучига эга бўлади. Иккинчидан эса, болаларнинг идроки кўпинча ихтиёрсиз характерга эга бўлади, яъни уларнинг идрокида муайян бир мақсадни кўзлаш ҳали сезилмайди. Шунинг учун уларнинг идроки бир нарсадан бошқа бир нарсага беихтиёр кўча олади. Лекин бу ёшдаги болаларда ҳиссиёт кучли бўлгани учун улар ўзларини қизиқтирадиган ҳайрон қолдирадиган, ҳиссий кечинмалар уйғотадиган нарсаларни идрок қиладилар.

2. Предметли фаолият - илк болалик даврининг етакчи фаолияти сифатида

Илк болалик давридаги болалар сўзлай бошлаган бўлишига қарамай, улар ҳали вақт ва фазо каби мураккаб тушунчаларни тўғри идрок эта олмайдилар, чунки уларда ҳали турмуш тажрибаси йук. Бундай мураккаб тушунчалар боланинг кундалик ҳаёти давомида секин-аста ҳосил қилиб борилади.

Бир ёшгача бўлган болаларнинг диққати ниҳоятда беқарор ва ихтиёрсиз бўлса, икки ёшга тўлган болаларнинг диққатида янги сифатлар юзага кела бошлайди. Бола ўсиб улғайган сари унинг диққати ҳам барқарор бўла бошлайди. Диққатнинг озми-кўпми барқарор бўла бошлагани шунда кўринадикки, бола ўзини қизиқтирган бирон нарса билан узоқ вақт мобайнида шуғуллана олади. Икки ёшга тўлиб, уч ёшга қадам қўйгач сўзларни тушунади.

Сўз бойлиги орта боргач, боланинг ўзига хос бўлган ситуатив тили хақикий тилга айланади. Бу ёшдаги болаларнинг тафаккурлари ўзига хос хусусиятларга ҳамда аниқ характерга эга. Улар айна чоғда идрок қилиб турган нарсалари хақида жуда содда тафаккур қила оладилар. Бундан ташқари, бу ёшдаги болаларнинг тафаккур жараёнларида ҳаракат элементлари кўп бўлади. Шунинг учун ҳам уларнинг тафаккурлари баъзан ҳаракатли тафаккур деб ҳам юритилади. Илк болалик давридаги болаларда ҳали тафаккурнинг фикрий операцияларини, яъни анализ, синтез, умумлаштириш кабиларни кўрамыз. Улар қўлларидаги ўйинчоқларини ёки қўлларига тушган нарсаларни амалий айлантириб, пайпаслаб, бузиб таҳлил қиладилар. Лекин синтез қилишга ҳали қурби етмайди. Бу ёшнинг охирига келиб тафаккурнинг ўсишида нутқнинг роли жуда ошади. Болалик сўзларни мумкин қадар кўпроқ билиб олиб, улардан сўз тафаккурида кенг фойдалана оладилар. Бу эса фикрлаш операцияларининг ўсишига ёрдам беради. Болада сўзлар воситаси билан анализ ва синтез қилиш, абстракциялаш ҳамда умумлаштиришнинг дастлабки аломатлари кўрина бошлайди.

Тафаккурнинг ўсишида яна бир муҳим босқич шундан иборатки, илк болалик ёшининг охирига келиб бола айрим тушунчаларни билиб олишга ва бу тушунчаларнинг энг муҳим белгиларини ўзлаштиришга муваффақ бўлади. Уч ёшга тўлай деб қолган бола, катта ёшдаги ҳамма одамларнинг ишга барвақт кетишларини жуда яхши билади. Агар бу ёшдаги болага «аданг энди барвақт ишга кетмайди» дейилса, у хайрон бўлиб қолади. Чунки катта одам бўлган адасининг ишга бормаслиги, унинг тушунчасига тўғри келмайди. Унинг тушунчасида ҳамма катта одамлар эрталаб барвақт ишга кетиши керак. Шунинг учун ҳеч бир ўйлаб ўтирмай, «адам катталар-ку?» деб жавоб беради. Болалар тушунчалардан фойдаланиб, содда хулосалар чиқаришга ўргана бошлайдилар. Улар бир неча ҳукмлардан фойдаланиб, катта, кичик, баланд, паст, кўп, оз каби содда хулосалар чиқара оладилар, бу эса бола тафаккурининг янада ривожланиши учун замин яратади.

Илк болалик давридаги болаларда мураккаб психик жараёнлардан бири

бўлмиш хаёл анчагина ривожлана бошлайди. Лекин бу асосан ихтиёрсиз хаёл бўлади. Улар ҳали маълум мақсад асосида ихтиёрий тарзда хаёл юргиза олмайдилар. Бола икки ёшга тўлгач, унинг ўйинларида жиддий ўзгариш рўй беради. Боланинг ўйинига энди тақлидий ҳаракатлар қўшилади. Бола катталардан кўрган-билганларини ўйинда тилидан такрорлай бошлайди. Бу даврда бола машинасини у ёқдан бу ёққа силжитиш ёки тепаликдан сирғантириб тушириш билан чекланмай, ҳайдовчиларнинг ҳаракатларини бажарадилар. Машинанинг мотори овозига тақлид қилиб овоз чиқаради, машинада юк ташийди ва ҳоказо.

Нутқнинг ўсиши бола хаёлининг ўсишига катта таъсир кўрсатади. Болалар катталарнинг гапларига тушунадиган бўлгач, ҳар хил эртак ва ҳикояларни қизиқиб тинглайдиган бўлади. Болалар ўзлари биладиган, ўзларига яхши таниш бўлган нарсалар ҳақидаги ҳикояларни жони дили билан эшитадилар. Ҳар бир ҳикояни эшитганда болада хилма-хил тасаввурлар юзага келади. Бола бу тасаввурлари ёрдамида хаёл қилиш қобилиятига эга бўлади. Бола ҳикояларни эшитиш орқали олган тасаввурларини сўзлар билан ифодалайди. Сўз эса боланинг нарсаларни бошқача идрок қилишига, уларнинг бошқа нарсаларга ўхшашлигини аниқлашига ва ана шундай ўхшашликларни аниқлаш асосида янги образлар, янги тасаввурлар яратишга ёрдам беради.

Илк болалик давридаги болаларда барча психик жараёнлар маълум даражада ривожланар экан, бу умуман улар онгининг ривожланишига замин яратади. Тили чиқиб, идрок ва тафаккури анчагина ўсган бола теварак-атрофдаги ҳар турли нарсаларга онгли муносабатда бўла бошлайди. Бола ўзининг турли эҳтиёжларини англаб, ўзининг шахсини шакллантира бошлайди. Машхур физиолог И.М.Сеченовнинг тили билан айтганда, бола ана шу даврдан бошлаб, ўз сезгиларини теварак атрофдаги нарсалардан ажратиб, ўз-ўзини англай бошлайди. Бу ёшдаги болаларнинг сўз бойлигида ўз шахсини билдирувчи «мен» деган олмош тез-тез учраб турадиган бўлади. Ана шу тариқа бола жуда элементар тарзда бўлса ҳам ўзини шахс сифатида англай бошлайди. Бинобарин, ана шу даврдан бошлаб илк болалик давридаги болаларнинг шахсий (индивидуал) хусусиятлари камол топа бошлайди.

3. Илк ёшдаги болалар нутқининг хусусиятлари

Боғча ёшидаги болалар нутқининг ривожланиши уларнинг фаолияти, мулоқоти билан узвий боғлиқдир. Бола сўзларнинг мазмуни ва шаклидаги ўзгариш, унинг мулоқот шакллари ўзгариши билан боғлиқ бўлади. Илк болалик даврига хос ситуатив нутқ ишчан мулоқот шаклидан носитуатив билишга йўналтирилган ва носитуатив - шахсий мулоқот шаклига ўтилиши болалар нутқиға маълум бир талабларни кўяди. Бу талаблар бола нутқининг янги-янги томонларини, турли коммуникатив масалаларни хал қилиши учун зарур бўлган хусусиятларни таркиб топтиради. Боғча ёшидаги боланинг нутқи ижтимоий алоқаларни ўрнатиш функциясини бажара бошлайди. Бунинг учун эса болада ички нутқ таркиб топиши, монологик хусусият касб этиб бориши лозим бўлади. Боғча ёшида бола нутқининг ривожланишидаги муҳим хусусият нутқ тафаккур қуролиға айланишидан иборат. Бола сўз луғат бойлигининг ўсишида икки муҳим томон - миқдор ва сифат томонлари мавжуд.

Луғат бойлигининг миқдорий ўсиши Д.Б.Элькониннинг кўрсатишича бевосита боланинг ҳаёт шароитлари ва тарбияланиш хусусиятларига боғлиқ сўнги йилларда у ёки бу ёшдаги болалар нутқининг луғат таркибини ўрганишга бағишланган тадқиқотларда аввалги тадқиқотларга нисбатан юқориқ миқдорий кўрсаткичлар аниқланди. Жумладан, В.Логинанинг маълумотларига кўра 3 ёшга келиб, бола луғатида 1200 та сўз мавжуд бўлади. 6 ёшли боланинг фаол луғати эса 3000-3500 сўзни ўз ичига олади. Ваҳоланки, 40-60 йил олдин ўтказилган тадқиқотларда 3 ёшли боланинг луғати 400-600 сўздан, 6 ёшли боланинг фаол луғати эса 2500-3000 сўздан иборат деб кўрсатилган эди.

Ситуацион – ишчан мулоқот шаклидаги болалар лексикаси (нутқи) конкрет предметли вазият билан боғлиқ. Бу ҳолат шунда кўринадики, боланинг нутқида от сўз туркумига оид сўзлар кўп бўлади. Сифат туркумидаги сўзлар ёки умуман учрамайди, ёки буюмларнинг фақат ташқи хусусиятлари: ранги, ўлчами (барча сифатларнинг 96,4%)ни ифодалайди. 98% феъллар фақатгина аниқ предметли ҳаракатларга нисбатан ишлатилади.

Болаларнинг носитуатив – билишга йўналтирилган (вазиятга ситуацияга боғлиқ бўлмаган) мулоқотида улар катталардан ҳар хил нарса ва ҳодисалар ҳақида ахборот олишга боғлиқликдан озод бўлади. Аста секин атроф-оламдаги нарсаларнинг турли хусусиятларини акс эттирувчи сўзлар захираси кенгайиб боради. Жумладан, эстетик хусусиятларни ифодаловчи сифат туркумига оид сўзлар (11,25%) ва эмоционал хусусиятларни кўрсатувчи сўзлар (5%) пайдо бўлади, иродавий ва интеллектуал ҳаракатларни англатувчи феъл туркумидаги сўзлар (6,24%) вужудга келади.

Носитуатив - шахсий мулоқатда, бола одамлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида ахборот олишга, ўзининг фикрини катталар фикри билан таққослашга ҳаракат қилар экан, унинг нутқида умумий грамматик мураккаблашиш рўй беради. Сифат туркумидаги сўзлар кўйидаги нисбатда бўлади: атрибутив (ташки хусусиятларини ифодаловчи) - 69,80%, эстетик хусусиятларни ифодаловчи сифатлар 14,65%, ахлоқий хусусиятларни ифодаловчи сифатлар - 9,3%. Иродавий ва интеллектуал ҳаракатларни ифодаловчи феъллар анча кўпайиб, нутқида ишлатилаётган барча феълларнинг 9,76%ни ташкил этади. Боланинг луғат бойлиги нафақат миқдор жиҳатдан, балки сифат жиҳатдан ҳам ўсиб боради. Бу асосан болаларнинг сўзлар мазмунини ўзлаштириши билан кечади. Луғатни эгаллаш жараёни тушунчаларни эгаллаб бориш билан узвий боғлиқ.

Боғча ёшидаги болалар энг аввало кўрғазмали ифодаланган ёки уларнинг фаолиятларига жалб этилган предметлар, ҳодисалар, сифатлар, хусусиятлар, муносабатларнинг номланишини ўзлаштиради. Буни бола тафаккурининг кўрғазмали-ҳаракат ва кўрғазмали-образли характерда эканлиги билан тушунтириш мумкин. Шу туфайли ҳам, боғча ёшидаги болалар луғатида абстракт (мавхум) тушунчалар деярли учрамайди.

Агар, 3-7 ёшдаги боладан берилган топшириқда нутқий фаолиятнинг элементи бўлмиш сўз билан муайян амалларни бажариш талаб этилса, масалан, гап таркибидан сўзларни ажратиб олиш вазифаси берилса, С.Н.Карпованинг тадқиқотида кўрсатишича, болада унга айтилган гап белгилайдиган вазиятга

ориентир олишнинг анча барқарор мойиллиги кузатилади.

Бу мақсадда болага нутқнинг тушунарли мезонларини ўргатилмасдан, фақат таърифларни, яъни сўзларни кўргазмали намоёиш этиш орқали таърифлашни ишлатиш мумкин. Катта боғча ёши даврида сўзларнинг тузатилишини стихияли тарзда ўзлаштириш натижасида болаларда сўзни таркибий жиҳатдан таҳлил этишнинг элементар шакллари юзага келади. Нутқнинг фонетик (товуш) системасини ўзлаштириш жараёни товушларни тўғри талаффуз этиш ва фонематик эшитишнинг ривожланишини ўз ичига олади. Нутқнинг фонетик таркибини ўзлаштириш бир ёшнинг охирларига келиб бошланади. Боғча ёш даврининг бошига келиб, болалар асосан она тилининг барча товушларини эгаллаб бўладилар. Бироқ шундай боғча ёшидаги болалар ҳам учрайдики, уларда анча катта ёшда ҳам нутқий нуқсон талаффуз камчиликлари учрайди. Бунинг асосий сабаби нутқ аппарати моторикасининг секин ривожланишидир.

4-мавзу. Мактабгача ёшдаги болалар меҳнат фаолиятининг хусусиятлари (2 соат маъруза)

1. Боғча ёшидаги болада меҳнат кўникмаларининг шаклланиши.
2. Боғча ёшидаги болада меҳнатга ижтимоий-психологик тайёрлигининг шаклланиши.
3. Меҳнат фаолиятининг бола руҳий ривожланишига таъсири.

1. Боғча ёшидаги болада меҳнат кўникмаларининг шаклланиши

Болаларнинг меҳнат фаолиятларини ўзида қамраган машғулотлар асосан боғча ёшидаги даврдан бошланади. Бу ёшда болаларнинг меҳнатлари жуда содда ва элементар бўлса ҳам уларнинг психик тараққиётларида жуда катта аҳамиятга эгадир.

Боғча ёшидаги болалар билан ўтказиладиган сифатлар натижасида болаларда меҳнатга нисбатан ижобий муносабат, меҳнат қилиш иштиёқи туғилади. Катталарнинг меҳнат фаолиятларига тақлид қилиш даставвал болаларнинг ўйинларида намоён бўлади. Болалар катталарнинг меҳнат

фаолиятларини ўзларининг ўйинларида тақлидан такрорлаш билан чекланиб қолмай, балки катталар меҳнатида бевосита қатнашиш учун ҳаракат қила бошладилар. Масалан.: қиз болалар оналари кир юваётганда айрим кичикроқ нарсаларни (даструмолчаларни) чайишда қатнашадилар. Уй ва ховлиларни йиғиштириб супуришга, ўғил болалар эса отаси бажараётган ишда қатнашишга интила бошлайдилар. Бу ёшдаги болаларни меҳнатининг натижасига қараб эмас, балки меҳнат жараёнининг ўзига қизиқиши психологик жиҳатдан характерлидир.

Боғча ёшидаги болаларнинг ишига баҳо бериб бориш уларда меҳнатга нисбатан ижобий муносабатни тарбиялашда катта роль ўйнайди. Болалар кучлари етадиган ишларни бажараётганларида кўп хатоларга йўл қўйишлари турган гап. Лекин бунда болаларни меҳнатга жалб қилмаслик керак, болаларнинг бажарадиган ишларини катталарнинг ўзлари бир пасда қилиб қўйишлари мумкин деган маъно келиб чиқади. Шарқ халқида бир мақол бор: “Болага иш буюр, кетидан ўзинг югур”. Бу жуда тўғри, ҳаётий гап. Болаларга бирон юмуш буюрилганда, уни қандай бажараётганликларидан кўз-қулоқ бўлиб туриш керак, деган маънони билдиради.

Болаларда хусусан, кичик ёшдаги боғча болаларида ҳали меҳнат малакалари йўқ, қўл мускуллари яхши ривожланмаган бўлади. Ана шунинг учун болалар қасддан ёки анқовликларидан - эмас балки эплай олмасликларидан бирон нарсани тушириб синдириб юборишлари мумкин. Ана шундай "фалокат" юз берган пайтда болани "анқов, кўзингга қарсанг бўлмайдими" деб уришиш ёки койиш ярамайди. Бунинг ўрнига болага шу меҳнатни қандай қилиб бажаришни кўрсатиб бериш лозим.

Боғча ёшидаги болаларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда уларни иноқ жамоага уюштириш катта аҳамиятга эгадир. Жамоа бўлиб меҳнат қилишда тарбиячи ҳар бир болага маълум бир меҳнатни бажаришни буюради. Ана шу тариқа болалар жипс жамоа бўлиб меҳнат фаолияти билан шуғулланадилар.

Масалан, катта гуруҳ болалари жамоа бўлиб навбатчилик қиладилар. Бунда

бир бола столга дастурхон ёзиб чиқса, иккинчиси қошиқ ва вилкаларни қўйиб чиқади, учинчи бола эса стулчаларни қўйиб чиқса, тўртинчи бола столга нонларни қўйиб чиқиши мумкин. Боғчада навбатчиликка ўрганган болалар оилада ҳам ёрдамлашадиган бўладилар.

Умуман, ўрта ва катта ёшдаги боғча болаларига оилада кучлари етадиган меҳнат топшириқларини бериш керак. Бу уларни меҳнатсеварликка тарбиялашда ва уларда айрим меҳнат малакалари ҳосил бўлиши учун жуда катта имкониятлар яратади. Ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этмаган болани кейинчалик меҳнатга жалб қилиш жуда қийин бўлади. Боғчада болалар жалб қилинадиган меҳнат фаолиятининг тури жуда хилма-хилдир. Масалан, табиат бурчагидаги жонивор ёки ўсимликларни парвариш қилиш, боғча ҳовлисида ишлаш, ошхонада ва гуруҳда навбатчилик қилиш, кичкинтойларни кийинтиришга ёрдам бериш ва бошқалар. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, кичик ёшдаги боғча болалари ўзларининг меҳнат фаолиятларини ҳали йўлга қўя олмайдилар. Шунинг учун улар меҳнатнинг жуда содда турлари билан, яъни ўсимликларга сув қўйиш, балиқларга овқат бериш, ҳовлига сув сепиш ва шу кабилар билан шуғулланадилар.

Ўрта ва катта гуруҳ болалари меҳнат фаолиятини ўйиндан батамом фарқлаб унга нисбатан жиддий муносабатда бўла бошлайдилар. Улар меҳнатдан келиб чиқадиган натижани, яъни меҳнатнинг ижтимоий моҳиятини, ким учун, нима учун меҳнат қилиш лозимлигини тушунадилар. Улар катталарнинг оиладаги уй-рўзгор ишларига зўр иштиёқ билан ёндашадилар, кичкинтойлар учун қоғоздан, картондан, фанер ва пластилиндан турли ўйинчоқлар ясайдилар. Педагогик жиҳатдан тўғри ташкил қилинган меҳнат фаолияти болаларнинг ҳар томонлама яъни ҳам жисмоний, ҳам психик, ҳам эстетик, ҳам ахлоқий томондан баркамол ривожланишларига жуда катта таъсир қилади.

Боғча болалари бирон ўйин, таълим ёки меҳнат фаолиятлари билан машғул бўлар эканлар, улар ҳаракатларининг асосида маълум мотивлар, яъни уларни ҳаракатга солувчи майллар ётади. Кичик боғча ёшидаги болаларнинг хатти-

ҳаракатлари кўпроқ шу хатти-ҳаракатлар амалга оширилаётган шароитга боғлиқ бўлади. Улар хатти-ҳаракат мотивларини англаб ҳам етмайдилар. Шунинг учун кўпинча ўзларига мутлақо ҳисобот бермай маълум бир вазиятда у ёки бу хатти-ҳаракатни амалга ошира бошлайдилар.

2. Боғча ёшидаги болада меҳнатга ижтимоий-психологик тайёрлигининг шаклланиши

Болалар меҳнатининг муҳим белгиси унинг маълум мақсадга қаратилганлигидир. Кичик боғча ёшидаги болаларнинг меҳнати бирор жараёнга оид ҳаракат бўлиб, у фақат катталарнинг раҳбарлиги натижасидагина амалга оширилиши мумкин. Мактабгача тарбия ёши даврининг ўзига хос томонларидан бири болалар меҳнатининг ўйин билан боғлиқлигидир.

Ўйин жараёнидаги бирор ҳаракат доимо бирор меҳнат жараёнини акс эттиришга йўналтирилган бўлади. Иккинчи томондан, меҳнат жараёнини бажаришда уни ўйин шаклига айлантиришади. Шу билан бирга ўзининг хусусияти, мазмуни, юзага келиш сабабига кўра меҳнат ва ўйин бир-биридан фарқ қилади. Меҳнатда мақсад кўйилади, уни амалга ошириш, натижага эришиш учун шарт-шароит яратилади, воситалар излаб топилади. Ўйинда эса болалар катталарнинг меҳнат фаолиятига тақлид қилади. Ўйинда эса болалар катталарнинг меҳнат фаолиятига тақлид қилади. Ўйинда меҳнат сингари бирор аниқ натижага эриилмайди, аммо у меҳнат сингари болаларга қувонч бағишлайди, улар ўзларида қонуқиш ҳиссини сезадилар. Кичик боғча ёшидаги болалар меҳнатининг асосий тури ўз-ўзига хизматдир. Бу кичик болалар учун анча машаққатли иш. Шунинг учун бу ёшдаги болаларни меҳнатнинг бу турига ўргатишда кўпинча ўйин вазиятларидан фойдаланилади. Аввалига болалар ўйин образи орқали меҳнатга ўргатилади. Шу орқали болалар ишонч билан ҳаракат қилишни ўрганадилар. Аста-секин бу ёшдаги болаларда ўз-ўзига хизмат қилиш кўникма, малакалари шаклланиб боради.

3. Меҳнат фаолиятининг бола руҳий ривожланишига таъсири

Ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш фаол иш жараёнида юз беради. Фаоллик болага хос хусусиятдир. Таълим-тарбия жараёнидаги фаоллик асосида

фаолиятнинг ҳар хил турлари шаклланади. Улардан асосийлари: муносабатда бўлиш фаолияти, билиш, буюмлар билан бўладиган фаолият, ўйин, меҳнат ва ўқув фаолиятларидир.

Фаолият турларининг ўзи ижтимоий-тарихий тажрибанинг бўлагидир. У ёки бу фаолиятни ўзлаштираётиб бола фаоллик кўрсатади, шу билан бир вақтда шу фаолият билан боғлиқ бўлган билим, кўникма, малакаларни эгаллаб олади. Бунинг асосида болада ҳар хил шахсий қобилият ва хусусиятлар шаклланиб боради.

Таълим ва тарбия орқали амалга ошириладиган фаолиятларни болалар бирданига ўзлаштириб олмайдилар, уларни болалар тарбиячи раҳбарлигида аста-секин эгаллаб борадилар.

Болаларнинг ҳар хил фаолиятларни муваффақиятли эгаллаб олишлари асосан оилада, болалар боғчасида таълим-тарбия ишининг қай даражада ташкил этилишига боғлиқдир.

Инсон ҳаётининг биринчи йилиданок фаолиятнинг энг оддий турлари ундаги шахсий қобилиятлар, хусусиятлар, теварак-атрофга маълум бир муносабатнинг шаклланишида асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, катталарнинг бола билан бўладиган ҳиссий, ҳиссий-предметли муносабатларидаёқ болада дастлабки ижтимоий талабни вужудга келтиради, дастлабки ҳаракат ва тасаввурлар, таассуротлар шакллана бошлайди.

Ҳаракат усуллари эгаллаб бориш орқали болада фаоллик ривожланади. Аммо фаолликнинг қай даражада ривожланиб бориши ирсиятга ҳамда тақлидчанлик қобилиятига ҳам боғлиқ. Бола ҳаётининг дастлабки йилларида катталар билан бўладиган муносабати ва нарса-буюмлар билан бажарган ҳаракати асосий фаолият тури ҳисобланади. Бола билан муомала қилиш орқали катталар уларни секин-аста буюмлар оламига олиб кирадилар. Мана шу йўл билан бола буюмлар билан бўладиган фаолиятнинг ўзига хос томонларини эгаллаб боради. Бу вақтда муносабатнинг ўзи нарса ва буюмлар билан бўладиган фаолиятга айланиб қолади.

Боланинг нарса ва буюмлар билан бўладиган фаолиятини ташкил этиш

болага дастлабки ёшдан бошлаб оилада ва мактабгача тарбия муассасаларида тарбия ва таълим беришнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бундай фаолиятларда болалар тарбиячи раҳбарлигида нарса ва буюмларнинг хусусиятлари тўғрисидаги дастлабки билимларни, улар билан бўладиган ҳаракатлар, таҳлил, синтез, умумлаштириш, абстракциялаш каби энг оддий жараёнларни эгаллаб оладилар.

2,5 ёшдан кейин буюмлар билан бўладиган фаолиятда болалар анча юқори кўрсаткичларга эришадилар ва уларнинг ўйин ҳамда тасвирий фаолиятга ўтишлари учун асос яратилади. Катталар томонидан ташкил этилган муомала муносабатларида, фаолиятларда ўз-ўзини англаб олишнинг дастлабки шакллари шаклланади.

Бола жамоада ўзини шахс сифатида англай бошлайди. Бола тараққиётининг мана шу босқичида улар катталарнинг кўрсатмасисиз, мустақил ҳаракат қилишини хоҳлайдилар. Болада хулқ-атвор сабабининг пайдо бўлиши ва уни ўз хоҳишига бўйсундира олиши унда онгнинг шаклланганлигидан далолат беради.

Агар боладаги фаоллик ва мустақиллик катталар таъсирида уйғотилган бўлса, у ҳолда 4-6 ёшли болалар анча мустақил бўлиб қоладилар ва ҳар хил фаолиятларга тезда киришиб кета оладилар. Бунда болалар онглилигининг роли ортади, у баъзан ҳатто ижодий хусусият касб этади.

Бу даврдаги боланинг асосий фаолияти бўлган ўйинда болалар тарбиячининг раҳбарлигида ҳар хил ҳаракат усуллари, нарса ва буюмлар тўғрисидаги билимларни, уларнинг сифат ва хусусиятларини билиб оладилар. Болалар, шунингдек фазовий, вақт муносабатларини, ўхшашлик, тенглик каби тушунчаларни ҳам эгаллаб борадилар.

Биргаликда бажариладиган ҳаракатли ўйинлар орқали болалар кишилар ҳаётидаги, улар ўртасидаги муносабатларни, келишиб ҳаракат қилишни билиб оладилар, уларнинг теварак-атроф тўғрисидаги тасаввурлари кенгаяди.

Бу ёшдаги болаларда ўйин фаолияти билан бир қаторда фаолиятнинг амалий шакллари ҳам ривожлана бошлайди: расм ёпиштириш, нарсалар яшаш ва ҳоказо. Булар болаларда хаёлни, амалий тафаккурни, бадий қобилиятни,

ижодкорликни ривожлантиришда манба бўлиб хизмат қилади.

Мунтазам равишда бериб бориладиган меҳнат топшириқлари болалар фаолиятини ижтимоий манфаатларга бўйсундиришга, ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланишига, меҳнатдан келган умумий натижадан қувониш каби сифатларни тарбиялашга олиб келади.

5- мавзу. Болаларда диққатнинг ривожланиши. (2соат маъруза)

Режа:

1. Диққат ҳақида тушунча.
2. Боғча ёши даврида бола диққатининг турлари ва хусусиятлари
3. Ўйин ва ўқув фаолиятида бола диққатини бошқариш услублари.

1. Диққат ҳақида тушунча

Диққат инсон фаолиятини барча турларини муваффақиятли амалга оширишнинг ва уларнинг самарадорлигини таъминловчи муҳим шартлардан биридир. Киши фаолияти қанчалик мураккаб, серзаҳмат, давомийлик жиҳатдан узоқ муддатли, масъулият ҳиссини тақозо қилса, у диққатга шунчалик юксак шартлар ва талаблар қўяди. Инсон зийраклиги, фаросатлилиги, тез пайқаши, синчковлиги, дилкашлиги унинг турмуш шароитида, шахслараро муносабатида муҳим омил сифатида хизмат қилади. Диққат ақлий фаолиятнинг барча турларида иштирок этади, инсоннинг хатти-ҳаракатлари ҳам унинг иштирокида содир бўлади.

Психология фанида диққатга ҳар ҳил таъриф берилади, уни ёритишда психологлар турли назарияга асосланиб ёндашадилар. Диққат деб онгни бир нуқтага тўплаб, муайян бир объектга актив (фаол) қаратилишига айтилади.

П. И. Ивановнинг фикрича, биз фаолиятимиз жараёнида идрок ва тасаввур қиладиган ҳар бир нарса, ҳар бир ҳодиса, ўзимиз қилган ишимиз, ўй ва фикрларимиз диққатнинг объекти бўла олади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, диққат сезги, идрок, хотира, тафаккур, хаёл, нутқ каби алоҳида психик жараён эмас. Шунинг учун барча психик жараёнларда қатнашади, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга таъсир этади.

Болаларда диққат жуда эрта ривожлана бошлайди. Бир-икки хафталик чақалоқларда диққатнинг ҳеч қандай аломати кўринмаса ҳам, орадан сал ўтмай, яъни боланинг бир ойлик давридан бошлаб, ихтиёрий диққат аломатлари яққол кўрина бошлайди. Демак, боланинг бир ойлик даврида унинг диққатини ҳар турли кучли кўзғатувчилар (қаттиқ товуш, ортиқча ёруғлик каби) беихтиёр равишда ўзига жалб қила бошлайди. Икки - уч ойлик болалар эса, шақир-шуқурга қулоқ соладиган (шақилдоқларнинг товушига овунадиган) бўла бошлайдилар. Бу ёшдаги болаларнинг диққатларини ёрқин (ялтироқ) рангли нарсалар ҳам беихтиёр жалб қила бошлайди. Боланинг кўз ўнгидаги нарса қанчалик ранг-баранг бўлса, бола унга шунчалик кўп эътибор беради.

Боғчагача тарбия ёшидаги болаларнинг диққати ниҳоятда беқарор бўлиши билан характерланади. Масалан, болага янги ўйинчоқ берсангиз у ўйинчоқни жуда қизиқиб кўра бошлайди, Лекин айна шу пайтда яна бир бошқа ўйинчоқни кўрсатсангиз, биринчи ўйинчоқни ташлаб, иккинчисига талпинади. Ясли ёшидаги болалар диққатининг беқарорлиги физиология нуқтаи назаридан уларда ҳали тормозланиш процессларининг кучсизлиги билан боғлиқдир. Тормозланиш жараёни кўзғалиш жараёнининг кенг ёйилиб кетишини тўхтата олмайди. Ана шунинг учун кичик болаларнинг диққати бир нарсадан иккинчи нарсага осонгина чалғиб кетаверади.

Илк болалик давридаги болалар диққатининг ғоят беқарор бўлиши турмуш тажрибаларининг жуда озлиги билан ҳам боғлиқдир. Болаларга ҳамма нарса янгилик бўлиб туюлаверганидан уларнинг диққатлари бир ёшдаги болаларда диққатнинг айрим хусусиятлари, яъни диққатнинг кучи ва барқарорлиги ҳам таркиб топиб, юксала бошлайди. Буни биз болаларнинг (хусусан ўрта ва катта гуруҳ болаларининг) бир иш устида узоқ вақт давомида) ўтира олишларидан, баъзи ўйинларни зерикмай соатлаб ўйнай олишларидан, таълимий машғулотларда чидам билан ўтира олишларидан кўришимиз мумкин, бир нарсадан иккинчи нарсага тез-тез чалғиб кетаверади. Ана шу нуқтаи назардан бола кўз ўнгидаги нарсанинг ўзи болага жуда қизиқ туюлгани

учун ҳам диққати чалғиб кетади. Масалан, Н.М.Менчинскаянинг ҳикоя қилишича, Саша (1 ёш 8 ойлик) эчки ва унинг болалари ҳақидаги эртаски зўр қизиқиш билан тинглайди. Бўри келиб эшикни таққиллатгани ҳикоя қилганда, Саша бўрининг қандай таққиллатганини кўрмокчи бўлиб, деворга тап-тап этиб уради, лекин баъзан таққиллатишга шу қадар махлиё бўлиб кетганидан эртаски тамомила унутиб кўяди.

Илк болалик давридаги болаларда диққатнинг бўлинувчанлиги жуда заиф, кўлами эса тор бўлади. Бу ёшдаги болалар диққатларини фақат кўзларига яққол кўриниб турган бир нарсага қарата оладилар, илк болалик давридаги болалар диққатининг ривожланишида нутқнинг роли жуда каттадир. Боланинг тили чиқиб нутқни эгаллай бошлаши, катта кишилар билан муомалада бўлишдан ташқари, уларнинг кўрсатмаларини бажариш имкониятини ҳам беради. Юқорида айтиб ўтганимиздек, кичик ёшли болалар катталарга қарашишни имкониятлари борича уларнинг меҳнатларига аралашини жуда ёқтирадилар. Катталарнинг илтимос ва топшириқларини бажону-дил адо этадилар. Ўз ўзига хизмат кўрсатишга оид оддий юмушларни қизиқиб бажарадилар, ота-оналарининг уй-хўжалик ишларида қарашишга ҳаракат қилади. Мана шуларнинг ҳаммаси диққатни маълум даражада тўплаш ва муайян бир мақсадга қаратишни талаб этади. Бу эса болаларда ихтиёрий диққатнинг ривожланишига асос яратади.

Боғча ёшидан бошлаб болаларда ихтиёрий диққат ривожлана бошлайди. Бироқ кичик ёшдаги боғча болаларида ихтиёрсиз диққат устунлик қилади. Кичик ёшдаги боғча болаларида кун сайин пайдо бўладиган янги-янги қизиқишлар, ўйин фаолиятларининг хилма-хил бўла бориши уларда ихтиёрсиз диққатни аста-секин такомиллаштириб боради.

Боғчада жамоа томонидан талаб этиладиган тартибларга бўйсуниб, қоидали ўйин шартларини сўзсиз бажариш, катталарнинг топшириқларини чидам қунт билан адо этиш каби ҳоллар боғча ёшидаги болаларда диққатнинг ихтиёрий турини ривожлантиради. Болаларда ихтиёрий диққатни ривожлантиришда ўйиннинг роли жуда каттадир. Чунки турли ўйинлар пайтида

болалар диққатларини бир жойга тўплаб, ўз ташаббуслари билан маълум мақсадларни илгари сурадилар. Ўйинларнинг қандай қоидалар асосида йўналишини ўзлари мустақил равишда танлаб оладилар. Ўйин қоидасидан четга чиқиб кетмаслик учун ўз ҳаракатларини ўйин қоидаларига мослаштиришга ва ўйинда қатнашувчи ўртоқларининг ҳаракатларини ҳам кузатиб боришга киришадилар. Ана шундай ўйинларда ихтиёрсиз диққат билан бирга ихтиёрий диққат ҳам фаол иштирок этади. Бинобарин болаларнинг ўйин фаолиятлари уларда ихтиёрий диққатнинг ривожлана бошлаши учун шароит яратиб беради. Шунинг учун назарда тутиш керакки, ихтиёрий диққат ирода билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам кўпинча болалар диққатнинг бу турини ўзларича мустақил ташкил эта олмайдилар. Дастлабки пайтларда диққатнинг ихтиёрий турини ҳар хил саволлар ва топшириқлар бериш йўли билан ривожлантириб бориш керак.

2. Боғча ёши даврида бола диққатининг турлари ва хусусиятлари

Боғча ёшидаги болалар диққатининг ривожланиши фақат боғчадаги шароитгагина эмас, балки кўп жиҳатдан оиладаги шароитга ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ҳам болаларнинг диққати бир текисда ва бир хил даражада ривожланмайди. Айрим болаларда оилада тегишли назорат остида бўлмаслиги, ёки ҳаддан ташқари эрка қилиб, талтайтириб юборилганлиги туфайли ўзларининг хатти-ҳаракатларини хулқ атворларини тартибга соломайдилар, бундай болалар ҳамма нарсаларга рухсатсиз тегаверадиган, бир жойда тиниб-тинчиб ўтиролмайдиган, тартибга чакирилганда гапга қулоқ солмайдиган бўладилар. Бундай болаларда диққат жуда беқарор бўлгани учун улар ҳеч бир нарса устида қунт билан машғул була олмайдилар. Диққатни бошқара билмаслик, яъни маълум муддат давомида бир нарсага йўналтира олмаслик машғулотларда интизом бузиш ва бошқаларга ҳалақит беришга олиб келади. Ана шунинг учун тарбиячилар бундай болаларга нисбатан индивидуал муносабатда бўлишлари (ҳар хил масъулиятли топшириқлар бериш ва ҳоказо), уларда диққатнинг кучини ҳамда барқарорлик хусусиятини тарбиялаб боришлари зарур.

Боғча ёшида болаларда аввалги даврларга нисбатан диққатнинг кўлами (ҳажми) анча кенгаяди. Болалар диққатининг кўлами катта одамларникига нисбатан ҳали ҳам жуда тор бўлади. Масалан, катта одамлар диққатининг кўлами айна вақтда 5-6 нарсани (бир-бири билан боғланмаган ҳарфларни ёки рақамларни) сиғдира олади, боғча ёшидаги болалар диққатининг кўлами айна бир вақтда бир-икки нарсанигина (кичик гуруҳ болалари битта, ўрта ва катта гуруҳ болалари иккита) сиғдира олади. Кичик гуруҳ болалари диққатларини иккита нарсага бўлишга ҳаракат қилсалар ҳам, аммо бунинг уддасидан чиқа олмайдилар. Масалан, 3 ёшли болага бир пиёла сув олиб келиш буюрилса, у албатта сувни тўкиб, сочиб олиб келади. Бу унинг уқувсизлиги бўлганлиги эмас, балки ўз диққатини айна бир вақтда иккита нарсага бўла олмаслигидандир. Бола ўзининг диққатини юриб келиш билан пиёладаги сувни тўкмай, чайқалтирмай олиб келишга бўла олмайди. Шунинг учун бундай ҳолларда болаларни қўйиш ярамайди.

Диққат кўламининг кенглиги аниқ идрок қилиш билан боғлиқ бўлган хусусиятдир. Бу хусусият айниқса болаларнинг ўқиш фаолиятлари учун зарур. Шунинг учун боланинг боғча ёшидаги даврида барча имкониятлардан кенг фойдаланиб, диққатнинг бу хусусиятини ривожлантиришга жиддий аҳамият бериш лозим. Бунда асосан, экскурсиялар, ҳар соҳага доир расмлар билан ўтказиладиган суҳбатлар катта роль ўйнайди. Мактабдаги таълим жараёни учун зарур бўлган ихтиёрий диққат боғчада дидактик машғулотлар, ҳикоялар қилиб бериш давомида ривожлантирилади.

Боғча ёшидаги болаларнинг диққати кўпинча уларнинг қизиқиш ҳамда ҳиссиётлари билан боғлиқлиги сабабли тўпланган, яъни бир нарсага қаратилган бўлади. Ана шунинг учун бу ёшдаги бола диққатининг бўлинувчанлик хусусияти деярли ривожланмаган бўлади. Боғча ёшидаги болалар диққати бўлинувчанлик хусусиятининг заифлиги ва кўламининг торлиги сабабли, улар айрим нарсаларни қайта-қайта идрок қилиб, эсларида олиб қолишга интиладилар. Масалан, боғча ёшидаги болалар, одатда бир ҳикояни қайта-қайта эшита оладилар. Бу ҳодисанинг сабаби шундаки, болалар диққатининг

кўлами ҳикоянинг сюжетини ва персонажларини бирданига сиғдира олмайди. Шунинг учун улар ҳикоя ва эртакларни қайта-қайта айлантириб эшита берадилар.

Шундай қилиб, боланинг боғчагача ва боғча ёшидаги даврида диққат анча тез ривожланади. Бу даврда асосан диққатнинг ихтиёрсиз тури тезроқ ривожланади. Лекин боланинг боғча ёшида фаолиятларининг ва хусусан дидактик ҳамда меҳнат машғулотларининг тизимли тарзда ортиб бориши, уларда ихтиёрий диққатнинг ривожланишига олиб келади. Маълумки мактабдаги таълим жараёни ихтиёрий диққатсиз бир қадам ҳам силжий олмайди, шунинг учун боғчада турли мажбурий машғулотлар орқали болаларда ихтиёрий диққат ва диққатнинг асосий хусусиятларини ривожлантиришга ҳаракат қилиш керак. Диққатнинг бундан кейинги тараққиёти мактабда таълим жараёнида амалга оширилади.

3. Ўйин ва ўқув фаолиятида бола диққатини бошқариш услублари.

Боғча ёшидаги болаларда айрим психик жараёнларнинг ривожланиши билан бирга уларнинг шахси ва шахсий хислатлари ҳам таркиб топа бошлайди. Боланинг ташқи муҳитдаги нарса ва ҳодисалар ҳамда ўзига нисбатан бўлган тўғри, оқилона муносабатларининг асоси худди шу даврда юзага келади. Бундан ташқари, боғча ёшидаги даврда боланинг қобилиятлари тез ривожланиб, янги-янги эҳтиёжлар ва қизиқишлари ҳосил булади. Бола шахсининг ана шундай ривожланиб бориши натижасида унинг характериға оид хислатлар намоён була бошлайди. Боғча ёшидаги даврда болада қандай характер хислатлари тарбияланса, бу хислатлар боланинг мактаб ёшидаги даврида ва ҳатто катта одам бўлиб етишганида ҳам намоён булади. Шунинг учун бошқа ёшдаги даврда болада ижобий шахсий хислатларнинг таркиб топишиға алоҳида аҳамият бериш зарур. Болалар боғча ёшидан бошлаб ҳуққатворининг ахлоқий нормалари ва қоидаларини интенсив равишда ўзгартира бошлайдилар. Улар ўзларининг у ёки бу хатти-ҳаракатларига катталар томонидан бериладиган баҳоларға зўр қизиқиш билан қарайдилар. Шунинг учун улар ҳамиша нима яхши-ю, нима ёмонлигини, қандай ҳаракат тўғри-ю

қандай ҳаракат ноўғгрилигини аниқлашга интиладилар. Бундай ишда болаларга ҳамиша ёрдам бериш керак, уларнинг бундай ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш лозим. Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, ахлоқий норма ва қоидаларни амалда катталар ҳамда ўз тенгдошлари билан бўлган муносабатларида қўллай олиш тажрибасига эга бўлиши керак. Шундагина бу ахлоқий норма ва қоидаларни сингдира олади. Ана шуни назарда тутиб, болалар билан бўлган муносабатда ахлоқ нормалари ва қоидаларидан мутлоқо четга чиқмай, бу соҳада уларга намуналар кўрсатиши керак. Шундай қилиб, юқорида айтиб ўтганимиздек, боланинг боғча ёшидаги даврида унинг фақат психик жараёнларигина эмас, балки шахси ҳамда шахсий сифатлари ҳам камол топади. Мактабга бориш болаларнинг ҳаётида жуда катта воқеадир. Мактаб ҳаёти болаларга янги бир дунёни очиб беради, мактаб даврида болаларнинг асосий фаолиятлари ўзгаради. Мактаб ёшидан бошлаб болаларнинг асосий фаолиятлари, асосий вазифалари ўтиш, фан асосларини пухта ўзлаштириш бўлиб қолади. Етти ёшли болалар учун Янги фаолият булган ўқиш улардан янги сифат, янги хусусиятларга эга бўлишларини талаб қилади. Ўқиш фаолияти учун болаларда барқарор диққат, ўткир зехн, мустаҳкам хотира, бир қадар тафаккур, яхши нутқ, ирода ва шунинг билан бирга мустақиллик, батартиблик ҳислари бўлиши керак. Болаларнинг мактабга ўтишлари уларнинг яслидан боғчага ўтишларига қараганда мураккаб босқичдир. Шуни ҳам назарда тўтиш лозимки, болалар мактабга ўтишлари натижасида уларнинг ижтимоий ҳолатларида ҳам ўзгаришлар юз беради. Масалан: етти ёшга яқинлашган болалар боғчада «катта», яъни катта гуруҳ болалари деб ҳисобланар эдилар. Мактабга ўтишлари билан яна «энг кичиклар» қаторига тушиб қоладилар. Етти ёшдаги болаларнинг мактабга ўтишлари билан юзага келадиган ана шундай жиддий ўзгаришларни назарда тутиб, уларни мактабдаги янги ҳаётга ҳар томонлама тайёрлаш керак. Маълумки, болалар боғчасининг асосий вазифаларидан бири болаларга ҳар томонлама тарбия бериб, уларни тараққиёт даражаларининг мактабда ўқий оладиган қилишдан иборатдир. Бу эса ўз навбатида мактабдаги ўқиш ишлари билан боғчадаги таълим-тарбия ишлари

ўртасида маълум изчиллик бўлишини талаб қилади.

Боғчада болаларнинг жисмоний ўсишларига қанчалик эътибор берилса, унинг ақлий ва ахлоқий ўсишларига ҳам шунчалик эътибор берилади. Болаларнинг мактабга чиқишлари доимо назарда тутилиб улар билан ўтказиладиган таълимий машғулотларда болаларнинг идроки, диққати, тасавури, хотиралари, хаёл ҳамда тафаккурлари, иродавий сифатлари тизимли равишда тараққий эттириб борилади.

6-мавзу. Мактабгача ёшдаги болалар шахсининг шаклланиши. (2 соат маъруза)

1. Боғча ёшидаги бола шахсининг ривожланишига мулоқотнинг таъсири.
2. Оила ва муҳитнинг бола шахси шаклланишига таъсири.
3. Мактабгача ёшда ўйин фаолиятининг бола шахсини шаклланишига таъсири.

1. Боғча ёшидаги бола шахсининг ривожланишига мулоқотнинг таъсири.

Боғча ёшидаги болалар шахсининг шаклланишига кўра бу даврни уч қисмга ажратиш мумкин: Биринчи давр—бу 3–4 ёш оралиғида бўлиб, бола эмоционал жиҳатдан ўз–ўзини бошқаришнинг мустақамланиши билан боғлиқдир. Иккинчи давр—бу 4–5 ёшни ташкил қилиб ахлоқий ўз – ўзини бошқариш. Учинчи давр эса шахсий ишчанлик ва тadbиркорлик хусусиятининг шаклланиши билан характерланади.

Ахлоқий тушунчалар манбаи бўлиб уларнинг таълим – тарбияси билан шуғулланаётган катталар, шунингдек, тенгдошлари ҳам бўлиши мумкин. Ахлоқий тажрибалар асосан мулоқот, кузатиш, тақлид қилиш жараёнида, шу билан бирга катталарнинг, айниқса оналарнинг мақтови ва танқидлари орқали ўтади ва мустақамланади. Бола доимо баҳо, айниқса мақтов олишга ҳаракат қилади. Бу баҳо ва мақтовларнинг бола шахсидаги муваффақиятга эришишга ҳаракат хусусиятининг ривожланишида, шунингдек, унинг шахсий ҳаёти, ҳамда касб танлашида аҳамияти жуда катта.

Боғча ёшидаги даврда болаларда мулоқотнинг янги мотивлари юзага келади. У шахсий ва ишбилармонлик мотивларидир. Шахсий мулоқот мотивлари бу –боланинг ташвишга солаётган ички муаммолари билан боғлиқ,

ишбилармонлик мотивлари эса у ёки бу ишни бажариш билан боғлиқ бўлган мотивлардир. Бу мотивларга аста – секинлик билан билим, кўникма ва малакаларни эгалаш билан боғлиқ бўлган ўқиш мотивлари кўйилади. Бу мотивлар илк болалик даврдан бошланиб юзага келадиган болаларнинг табиий қизиқувчанлиги ўрнида пайдо бўлади. Ўзини кўрсатиш мотивлари ҳам бу ёшда яққол намоён бўлади. Бу мотив асосан болаларнинг сюжетли – ролли ўйинларда асосий ролни эгаллашга бошқалар устидан раҳбарлик қилишга, мусобақага киришишга кўркмаслигида, нима бўлганида ҳам ютишга ҳаракат қилишларида кўринади. Мактабгача ёш даври болалари учун катталар берадиган баҳолари жуда муҳим. Болалар биринчи навбатда маиший ахлоқ норма ва қоидаларни, ўз мажбуриятларига муносабат, кун тартибига риоя этиш, ҳайвон ва нарсалар билан муомала қилиш нормаларини эгаллайдилар. Бундай нормаларни эгаллаш бу ёшдаги болалар учун қийин ҳисобланиб, уларни яхши ўзлаштириш учун сюжетли – ролли ўйинлар ёрдам бериши мумкин. Боғча ёшининг охирларига келиб, кўпчилик болаларда аниқ бир ахлоқий қарашлар таркиб топади, шунингдек, одамларга муносабат билан боғлиқ бўлган шахсий сифатлар ҳам шаклланади. Кишиларга нисбатан диққатли, меҳрибон бўлиш хусусиятидир. Катта ёшдаги болалар кўп ҳолларда ўз хатти – ҳаракатлари сабабини тушунтириб бера оладилар .

3–3,5 ёш ораллигида ўзларининг муваффақият ва муваффақиятсизликларига ўз муносабатларини билдирадилар ва бу муносабат, асосан уларнинг ўзларига берадиган баҳолари асосида бўлади. 4 ёшли болалар эса ўз имкониятларини реал баҳолай оладилар. Лекин 4 –5 ёшли болалар ҳали шахсий хусусиятларини идрок этишга ва баҳолашга қодир эмаслар, шунингдек ўзлари ҳақида маълум бир хулосани бера олмайдилар. Ўз –ўзини англаш лаёқати катта боғча ёшидан бошлаб ривожланиб аввал у қандай бўлганини ва келажакда қандай бўлишини фикрлаб кўришга ҳаракат қилади. Бу эса болалар берадиган «Мен кичкина пайтимда қандай бўлган эдим?», «Мен катта бўлганимда қандай бўламан?» сингари саволларида кўринади. Келажак ҳақида фикр юритиб, болалар

келгусида кучли, жасур, ақли ва бошқа шу сингари қимматли инсоний фазилатларига эга бўлишига ҳаракат қиладилар.

Кичик ва ўрта боғча ёшида бола характерининг шаклланиши давом этади. У асосан болаларнинг катталар характерини кузатишлари асосида таркиб топади. Шу йиллардан бошлаб болада аҳамиятли ҳисобланган – ирода, мустақиллик ва ташаббускорлик каби аҳамиятли шахсий хусусиятлар ривожлана бошлайди. Катта боғча ёшида бола атрофдаги одамлар билан турли фаолиятларда мулоқот ва муносабатларга киришишга ўргана бошлайди. Бу эса унга келажакда одамлар билан тил топишишда, иш бўйича ва шахсий муносабатларни нормал равишда ўрната олишида фойда келтиради. Бу ёшдаги болалар шахсининг шаклланишида уларнинг ота-оналари ҳақидаги фикрлари ва уларга берадиган баҳолари ниҳоятда аҳамиятлидир.

Мулоқот – бу икки ёки ундан ортиқ одамлар орасидаги ахборот алмашинуви жараёни бўлиб, бунда ўзаро муносабатлар шаклланиши, рўёбга чиқарилиши ва намоён бўлиши ифодаланади. Бола шахсининг шаклланишида мулоқотнинг роли бениҳоя каттадир.

Мулоқот жараёнида муайян шахсий муносабатлар шаклланади. Болада қандай шахсий сифатларнинг таркиб тапиши кўп жиҳатдан унинг атрофдагилар билан бўлган ўзаро муносабати характерига боғлиқдир. Боланинг катталарга муносабати ишончли ёки ишончсиз, ёқимли ёки ёқимсиз ва ҳоказо бўлиши мумкин. Хўш, болаларнинг катталарга бўлган муносабати нима билан белгиланади? Бу муносабат асосида нималар ётади? Бундай масалалар ҳозирча кам тадқиқ қилинган. Уларга нисбатан ёндашувлар мавжуд.

М.И.Лисина бошчилигидаги экспериментал тадқиқотлар шуни кўрсатдики, инсон эҳтиёжининг дастлабки етти йили давомида болалар ва катталар ўртасидаги мулоқотнинг бир неча шакли кетма-кет пайдо бўлади ҳамда бир-бирининг ўрнини алмаштиради.

Мулоқот шакллариининг асосийлари қуйидагилардир: бевосита эмоционал мулоқот, бирор бир иш юзасидан вужудга келувчи мулоқот (ишчан мулоқот), айти пайтдаги вазиятга боғлиқ бўлмаган ва билишга йуналтирилган мулоқот

(билиш мулоқот), одам билан боғлиқ масалалар юзасидан бўладиган мулоқот (шахсий мулоқот).

Дастлаб, бевосита - эмоционал мулоқот пайдо бўлади. Мулоқотнинг бу шакли асосида боланинг унга нисбатан диққат эътиборли ва меҳрибон бўлишларига эҳтиёж ҳис этиши ётади. Кейинчалик мулоқотдаги ташаббусни бола ўз қўлига олади.

Йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, нафақат меҳрибонликка эҳтиёж, балки катталар билан ҳамкорлик қилишга бўлган эҳтиёж ҳам киритилади. Бундай эҳтиёж ишчан мулоқот давомида қондирилади. Бола ишчан мулоқотга киришганда, катталардан ёрдам сўраши, уларни маълум бир фаолият билан шуғулланишга таклиф этиши ва бошқаларни амалга ошириши мумкин.

Билиш мулоқотида бола катталар билан атроф оламдаги нарса ва ҳодисаларни муҳокама қилади. Бунда бола бирор бир нарса ҳақида айтиб бериши, саволлар билан мурожаат қилиши, катталардан бирор нарса айтиб беришларини илтимос қилиши мумкин.

Бундай турдаги мулоқотга киришишдан мақсад катталардан зарур бўлган ахборотни олишдан иборат, шахсий мулоқотда эса бола катталар билан одам ҳақида суҳбатлашади, бунда у ўзининг эмоционал ҳолатини таърифлаб бериши, катталарни ўзлари ҳақида гапириб беришларига ундаши мумкин. Боланинг эмоционал қўллаб қувватлашига бўлган эҳтиёжи атроф оламга бўлган муносабати ва унга бераётган баҳоси катталарнинг муносабат ва баҳосига мос келишига интилиши шахсий мулоқотнинг асосини ташкил этади. М.И.Лисинанинг фикрича, айнан шу нарсалар боланинг ижтимоий эҳтиёжлари таркибида марказий ўринни эгаллайди.

2. Оила ва муҳитнинг бола шахси шаклланишига таъсири.

Оила болани ўраб турган ижтимоий муҳитнинг энг муҳим бўғинидир. Унинг бола шахси шаклланишига кўрсатадиган таъсири бениҳоят каттадир, Боланинг мустақиллиги нисбий бўлиб, у кўп жиҳатдан катталар қармоғи ва ёрдамига муҳтож бўлади. Ота-онанинг фикри ва муносабати бу даврда шунчалик катта ундовчи кучга эга бўладики, у хулқ-атворнинг регулятори ва

психик ривожланишининг стимулятори бўлиб хизмат қилади.

Албатта, ҳар бир оиладаги муносабатлар ўзига хос ҳамда такрорланмасдир. Бироқ ота-она ва бола муносабатларининг умумий жиҳатлари ҳам мавжуддир. Ота оналар болалар хулқ- атворини бошқаришда қандай усуллардан фойдаланишларига кўра ўртадаги муносабатлар кўпинча "демократик" ва "авторитар" назорат қилувчи кабиларга ажратилади. Болаларга оилавий таъсир этишнинг "демократик" шакли учун қуйидагилар хос: болага кўп нарсага рухсат берилади, бола билан кўп алоқа қилинади, унда ишонч ва ҳурмат билан муносабатда бўлинади, ота-оналар бўлар-бўлмас таъқибларини қўймасликка ҳаракат қиладилар, бунинг ўрнига улар болаларга оиладаги тартиб қоидаларни тушунтиришга интиладилар. Иложи борича болаларининг саволларига жавоб беришга, уларнинг қизиқувчанликларини қондиришга ҳаракат қиладилар. Оиладаги "авторитар" муҳит болаларга нисбатан ҳаддан ташқари таъқиқларнинг кўплиги билан характерланади. "Ҳукмрон" ота-оналар боладан тўлиқ бўйсунини талаб қиладилар. Бундай оилаларда болаларга хулқ-атвор қоидаларини тушунтиришга қаратилган мулоқот камдан-кам ўтказилади.

Шу нарса аниқланганки, "авторитар" ва "демократик" оилаларда тарбияланувчи болаларнинг шахсий хусусиятларида муайян фарқ мавжуд бўлади. "Демократик" оилаларнинг фарзандлари ижодкорликка мойил ташаббускор, лидерликка интилувчан, конформизмни (гуруҳ; фикрига тобе бўлишни) инкор этувчи ижтимоий муносабатларида кўпроқ эмоцияларни ҳис этувчи бўладилар.

Социометрик тажрибалардан маълум бўлишича, оиладаги муҳит илиқ ота-она ва бола ўртасидаги муносабатлар демократик асосга қурилган бўлса, бола ўз тенгдошларининг орасида жамоада юқори мавқега, аксинча, носоғлом оилада тарбияланаётган болалар анча паст мавқега эга бўладилар.

Оиладаги психологик иқлим, яъни болалар билан бўлган мулоқот характери, уларга меҳр-муҳаббат билан, диққат эътибор билан муносабатда бўлиши ўсиб келаётган шахс ахлоқий қиёфасининг шаклланишида ўта муҳим

роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам баркамол инсон тарбияси аввало оиладаги муҳитнинг соғлом бўлишини тақозо қилади.

Оиланинг бола шахси шаклланиши ва ривожланишидаги ўрни беқиёс экан, оила аъзолари болаларининг психик ривожланишини таъминлаш учун оилада соғлом муносабатлар муҳитини яратишлари лозим, тарбиячиларнинг энг асосий ёрдамчисига айланишлари керак.

Боланинг психик ривожланишида унинг бошқа болалар билан бўладиган мулоқоти муҳим аҳамиятга эгадир. Тенгдошларига бўлган қизиқишлари болада катталарга бўлган қизиқишидан бироз кейинроқ бир ёшнинг охирларида пайдо бўлади, бироқ у борган сайин, айниқса, боғча ёши даврида мустаҳкамланиб боради.

4-5 ёшли бола учун энг оғир жазо - бу уни ўз тенгдошлари билан мулоқотда бўлишдан маҳрум этишдир. Болалар гуруҳига тушиб қолган даврдан бошлаб боланинг индивидуал ривожланишини унинг "болалар жамияти" аъзолари билан бўлган муносабатларини ҳисобга олмай кўриб чиқиш ва ўрганиш мумкин эмас.

Я.А.Каменский боғча ёшидаги болалар гуруҳини одамлар ижтимоий бирлигининг илк поғонаси, "куртаги" деб ҳисоблайди.

Болалар ўз тенгдошлари жамоасига интиладилар. Бироқ, ҳар доим ҳам улар тенгдошлари билан ижобий муносабатлар ўрнатишга эришавермайдилар. Баъзи болалар гуруҳда анча фаол бўлиб, ўзларини гўё "сувдаги балиқдай" ҳис этадилар. Айримлари анчагина ноқулайликни, ўзларига нисбатан ишончсизликни, бошқаларга тобеликни ҳис этадилар. Нега шундай? Тенгдошлар билан бўлгандиган ижобий муносабатлар болада бирдамлик ҳиссини кучайтириб, унинг гуруҳга қаттиқ боғланиб қолишига сабаб бўлади. Бироқ, ижобий муносабатларнинг йўқлиги болани тушкунлика солиб, уни хавотирланувчи ёки агрессив қилиб қўйиши мумкин. Бу эса унда болаларга, умуман, одамларга нисбатан салбий муносабатни шакллантириши, уларни яккаланувчанликка мойил қилиб қўйиши ҳам мумкин.

Кўп болали оилаларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бола

шахсининг ривожланишига ака-укалари, опа - сингиллар ҳам кучли таъсир кўрсатади. Ака-укалар ва опа - сингиллар болага энг яқин бўлган микромуҳит таркибига кириб, унда марказий ўринни эгаллайди. Баъзи тадқиқотчилар, ҳатто, шундай фикрдаки, оила азоларининг сони кўпайган сари болаларга ота-онанинг таъсири сусайиб, ака-укалар опа-сингиллар таъсири кучайиб боради. Катта акалари ва опалари даврасида бола ўзини эмоционал ҳимоялангандай ҳис қилади. Ака-опалар эса ўзларини меҳрибонлик ҳис-туйғуларини, ташкилотчилик қобилиятларини намоён этиш имкониятига эга бўладилар. Улар ўртасида бола ўзининг ташвишлари, қизиқишлари билан ўртоқлашиши мумкин. Акалару, опалар эса унинг эҳтиёжлари, жумладан, мулоқотда бўлиш эҳтиёжини қондиришлари мумкин.

Демак боғча ёшдаги болаларнинг бошқа болалар билан бўлган анча мураккаб ва хилма-хил муносабат турлари шаклланади ва ана шу муносабатлар маълум миқдорда унинг шахс шаклланишини белгилаб беради. Ўз тенгдошлари билан мулоқотда бўлишига қийналаётган, мулоқотда бўлиш эҳтиёжи етарлича шаклланмаган болаларнинг тенгдошлари билан бўлган муносабатларини фаоллаштирмаслик лозим. Яхшиси, дастлаб умумий қизиқишларга эга бўлган 1- 2 та шерикни топиш, кейинчалик аста-секин мулоқот доирасини кенгайтириб бориш мақсадга мувофиқдир. Болаларда нотўғри шаклланиб улгурган мулоқот мотивларини қайтадан қуриш аввало, бошқаларнинг фикри билан ҳисоблашишга ўргатиш анча фойдалидир.

Катталарнинг боғча ёшидаги бола шахси шаклланишига кўрсатадиган таъсири боланинг бошқа фаолиятлари масалан, расм чизиш, турли нарсалар ясаши, аппликациялар тайёрлаши, ўқув вазифаларини бажариши вақтида ҳам амалга оширилади. Ушбу фаолиятларни бажариши даврида болаларда катталар ва тенгдошлари томонидан ижобий баҳога сазовор бўладиган нарсани яратишга йўналганлик қарор топади, ижтимоий йўналганлик шаклланиб боради, билиш мотивлари ва бошқа шахсий хусусиятлари таркиб топиб боради.

3. Мактабгача ёшда ўйин фаолиятининг бола шахсини шаклланишига таъсири

Боланинг онгида уни қуршаб турган воқелик тўғрисидаги хилма-хил ўйин фаолиятини такомиллаштирадиган шароитларни тадқиқ қилган Н.М.Аксаринанинг таъкидлашича, ўйин ўз-ўзидан вужудга келмайди, бунинг учун камида учта шароит бўлиши лозим:

- а) таассуротлар таркиб топиши;
- б) ҳар хил кўринишдаги ўйинчоқлар ва тарбиявий таъсир воситаларининг мухайёлиги;
- в) болаларнинг катталар билан тез-тез муомала ва мулоқотга киришуви.

Бунда катталарнинг болага бевосита таъсир кўрсатиш услуби ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Д.Б.Эльконин ўз тадқиқотида ролли ўйиннинг сюжети билан бир қаторда, унинг мазмуни ҳам мавжуд эканини ёзади. Унинг фикрича, ўйинда бола катталар фаолиятининг асосий жиҳатини аниқроқ акс эттириши ўйиннинг мазмунини ташкил қилади.

А.П.Усованинг тадқиқотларида таъкидланишича, ролли ўйин иштирокчиларининг сафи ёш улгайишига қараб, жинсий тафовутларга биноан кенгайиб боради:

- а) уч ёшли болалар 2-3 тадан гуруҳга бирлашиб, 3-5 дақиқа бирга ўйнай оладилар;
- б) 4-5 ёшлилар гуруҳи 2-5 иштирокчидан иборат бўлиб, уларнинг ҳамкорликдаги фаолияти 40-50 дақиқа давом этади, ўйин давомида қатнашчилар сони ортиб ҳам боради;
- в) 6-7 ёшли болаларда ролли ўйинни гуруҳ ёки жамоа бўлиб бирга ўйнаш истаги вужудга келади, натижада аввал роллар тақсимланади, ўйиннинг қоидалари ва шартлари тушунтирилади (ўйин давомида болалар бир-бирларининг ҳаракатини қаттиқ назорат қиладилар).

Энг содда психик жараёндан энг мураккаб психик жараёнгача ҳаммасининг энг муҳим жиҳатларини шакллантиришда ўйинлар катта роль

ўйнайди. Боғча ёш даврида ҳаракатининг ўсишида ўйиннинг таъсири ҳақида гап борганда аввало шуни айтиш керакки, биринчидан, ўйинни ташкил қилишнинг ўзидаёқ мазкур ёшдаги боланинг ҳаракатини ўстириш ва такомиллаштириш учун энг қўлай шарт-шароит яратади. Иккинчидан, ўйиннинг бола ҳаракатига таъсир этишини сабаби ва хусусияти шуки, ҳаракатнинг мураккаб кўникмаларини субъект айнан ўйин пайтида эмас, балки бевосита машғулот орқали ўзлаштиради. Учинчидан, ўйиннинг кейинчалик такомиллашуви барча жараёнлар учун энг қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради. Шу боисдан ўйин фаолияти хатти-ҳаракатни амалга ошириш воситасидан боланинг фаоллигини таъминловчи муваққат мақсадга айланади.

Болалар лаборатория шароитига нисбатан ўйинларда кўпроқ сўзларни эслаб қолиш ва эсга тушириш имкониятига эга бўладилар, бу эса ихтиёрий хотира хусусиятини идрок этишга ёрдам беради. Тажрибада йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш қуйидагича хулоса чиқариш имконини беради:

а) ўйинда бола томонидан маълум роль танлаш ва уни ижро этиш жараёни бир талай ахборотларни эслаб қолишни талаб қилади;

б) шу боисдан персонажнинг нутқ бойлигини эгаллаш, хатти-ҳаракатини такрорлашдан иборат онгли мақсад болада олдинроқ пайдо бўлади ва осон амалга ошади.

Бола руҳий ривожланишида ўйиннинг аҳамияти

Ўйин фақат билиш жараёнларини такомиллаштириб қолмай, балки боланинг хулқ-атворида ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Боғча ёшидаги болаларда ўз хулқини бошқариш кўникмаларини таркиб топтиришга боғлиқ психологик муаммони ўрганган олимлар фикрича, бирор мақсадга йуналтирилган машғулотга нисбатан ўйинда хулқ кўникмаларини олдинроқ ва осонроқ эгаллаш мумкин. Айниқса, бу омил боғча ёши даврининг хусусияти сифатида ўзининг ёрқин ифодасини топади. Катта мактабгача ёшдаги болаларда ўз хулқини ўзи бошқариш кўникмаси ўйин фаолиятида ҳам, бошқа шароитларда ҳам барабарлашади. Баъзида улар айрим вазиятларда, масалан, мусобақа пайтида ўйиндагига қараганда юқорироқ кўрсаткичга ҳам эри-

шишлари мумкин. Юқоридаги мулоҳазалар асосида умуман айтганда, ўйин ва ўйин фаолияти болада ўз хулқини бошқариш кўникмаларини шакллантириш учун муҳим аҳамият касб этади.

Боланинг ақлий ўсиши ҳақида фикр юритилганда, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки нарсаларни янги ном билан аташда ёки янгича номлаш ҳолатидан келиб чиқиб, субъект ўйин пайтида фаол ҳаракат қилишга уринади. Чунки у моддий нарсаларга асосланган ҳаракат режасидан тасаввур қилинаётган фикр юритилаётган жисмлар моҳиятини акс эттирувчи ҳаракат режасига ўтади. Бола жисмларнинг моддий шаклидан бирданига ҳаёлий кўринишга ўтишида унга таянч нуқтаси бўлиши керак, ваҳоланки шундай таянч нуқтаси вазифасини ўтовчи нарсаларнинг аксариятидан ўйинда бевосита, объект сифатида фойдаланилади. Ўйин фаолиятида мазкур жисмлар қандайдир аломатларни акс эттирувчи сифатида эмас, балки ана шу таянч нарсалар тўғрисида фикрлаш учун хизмат қилади, шунингдек, таянч нуқтаси ҳаракатнинг яққол нарса билан боғлиқ жиҳатини акс эттиради. Юқорида айтилганидек, нарса билан ўйин ҳаракатларининг такомиллашуви ҳаракат шакли хусусияти, босқичи кабиларни қисқартириш ва умумлаштириш ҳисобида амалга оширилади. Ўйин ҳаракатларининг қисқариши ва умумлашуви уларнинг ақлий кўринишидаги мантиқан изчил йиғиқ шаклга ўтишнинг асосини ташкил қилади.

Психолог Ж.Пиже ўйинда жисмларга янги ном бериш омилига жиддий эътибор билан қараб, бу иш рамзий маъноли тафаккур шаклланишининг таянчи, деган хулосага келади. Лекин, бу хулоса вазиятни акс эттиришнинг бирдан-бир тўғри йўли эканлигини билдирмайди. Шунинг учун нарсанинг номини ўзгартириш билан болада тафаккур ва ақл заковат ўсишини кўтиш ҳам мантиққа мутлақо зиддир. Аслида нарсаларни қайта номлаш эмас, балки ўйин ҳаракатларининг хусусиятини ўзгартириш боланинг ақлий ўсишига сезиларли таъсир ўтказа олади. Дарҳақиқат, ўйин фаолиятида болаларда ҳаракатнинг янги кўриниши, яъни унинг фикрий, ақлий жиҳати намоён бўлади ва шунинг учун ўйин ҳаракатларини шакллантириш жараёнида болада фикрлаш фаолиятининг дастлабки кўриниши вужудга келади. Боланинг ақлий камол топишида ёки

унинг умумий камолотида ўйиннинг муҳим аҳамият касб этиши худди мана шу далил орқали ўз ифодасини топади. Бола ўйин фаолиятида мактаб таълимига тайёрланиб боради, шу боисдан, унда ақлий ҳаракатларнинг яққол шакллари таркиб топа бошлайди. Ролли ўйин фақат алоҳида олинган психик жараён учун аҳамиятли эмас, балки болада шахс хусусият ва фазилатларини шакллантиришда ҳам зарурдир. Бинобарин, катта ёшдаги одамлар ролини танлаб, уни бажариш боланинг ҳиссий-туйғуларини қўзғатувчилар билан узвий боғлиқ ҳолда намён бўлади. Чунки ўйин давомида болада ҳар хил хоҳиш ва истаклар туғила боради, булар бошқа нарсаларнинг ташқи аломатлари ўзига ром этиши сабабли ҳамда боланинг ихтиёридан ташқари, тенгдошларининг таъсири остида туғилади.

Ролли ўйин - боғча ёшидаги болаларнинг етакчи фаолиятидир. Ролли ўйин мазкур ёш давридаги болаларнинг энг муҳим фаолияти бўлиб, улар бундай ўйинда гуё катта ёшдаги одамларнинг барча вазифалари ва ишларини амалда бевосита бажарадилар. Шу боисдан ўйин фаолияти учун махсус яратиладиган шароитларда ижтимоий муҳит воқеалари, оилавий турмуш ҳодисалари, шахслараро муносабатларини умумлаштирган ҳолда акс эттиришга ҳаракат қиладилар. Болалар катталарнинг турмуш тарзи, ҳис-туйғуси, ўзаро муомала ва мулоқотларининг хусусиятларини, ўзига ва ўзгаларга, атроф-муҳитга муносабатларини яққол воқелик тарзида ижро этиш учун турли ўйинчоқлардан, шунингдек, уларнинг вазифасини ўтовчи нарсалардан ҳам фойдаланадилар. Аммо шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий ва маиший воқеликнинг барча жабҳаларини қамраб оладиган ролли ўйин уларда бирданига эмас, балки турмуш тажрибасининг ортиши, тасаввур образларининг кенгайиши натижасида вужудга келади, моҳияти ва мазмуни жиҳатидан оддийдан мураккабга қараб такомиллашиб боради.

Ролли ўйин фаолиятини вужудга келтирувчи энг зарур омиллардан бири - болада ўз хатти-ҳаракатларини катталар хатти-ҳаракати билан солиштириш, ундан нусха олиш, айнан унга ўхшатиш туйғусининг мавжудлигидир. Худди шу сабабли катталар ва уларнинг хатти-ҳаракатлари боланинг ҳам ташқи, ҳам

ички ибрат намунаси бўлади ва катталарнинг хулқ-атвори, юриш-туришининг ҳам объекти, ҳам субъекти ҳисобланади.

7-мавзу. Боланинг мактабга психологик тайёргарлиги. (2соат маъруза)

1. Болаларни мактабга ақлий ва ижтимоий-психологик тайёрлашнинг психологик томонлари.
2. Болаларни турли муносабат шакллари ва билиш фаолиятига тайёрлаш.
3. Билиш фаолияти соҳасида боланинг таълим жараёнига тайёрлиги.

1. Болаларни мактабга ақлий ва ижтимоий-психологик тайёрлашнинг психологик томонлари

Айрим психологларнинг фикрича, бола мактабда ўқиши учун атрофдаги нарса ва ҳодисаларга доир анчагина тасаввурларга эга бўлиши ҳамда маълум даражада ақлий жиҳатдан ўсган бўлиши лозим. Бироқ у ҳаётда шундай воқеалар учрайдики, анчагина тасаввур бойлигига эга бўлган ва ҳаттоки ёзиш ҳамда ўқишни биладиган болалар ҳам мактабдаги ўқишга тайёр бўлмайдилар. Улар мактаб ва ўқитувчининг талабларини бажара олмайдилар. Аксинча, айрим болалар етарли тасаввур бойлигига эга бўлмасалар ҳам, мактабда ўқиб кета оладилар. Лекин, бундан мактабдаги ўқиш жараёни учун маълум даражада ақлий жиҳатдан ўсган бўлиш мактабда дастлаб ўқиб кетиш учун энг зарур шартлардан биридир. Лекин бу боланинг ўқишга тайёр эканлигини аниқлашдаги ҳал қилувчи омил эмас, чунки бу ерда ёш масаласи ҳам бор. Бошқа бир олимлар, боланинг ўқишга тайёр эканини аниқлашдаги асосий нарса ирода сифатларининг этилганлигидир, дейдилар. Бу фикр бир ёқламаликка йўл қуйишдан бошқа нарса эмас.

Боланинг етти ёшга тўлиши билан шу даврдан бошлаб болаларда ўз-ўзини англаш таркиб топа бошлайди. Шунинг учун болаларнинг етти ёшга тўлган давридан бошлаб системали суратда ўқитишга ўтиш мақсадга мувофиқдир. К.Д.Ушинскийнинг фикрича, боланинг мактабдаги ўқиш фаолиятига чиқмайди. Аксинча, бирор мақсад ҳаракат давомида белгиланади. Уларнинг мақсадлари ҳам жуда тез ўзгариб туради. Шунинг учун улар кўпинча бошлаган ишларини охирига етказмай, бир ишдан иккинчи бир тамомила

бошқа ишга ўтиб кетаверадилар. Бунинг асосий сабаби шундаки, кичик ёшдаги боғча болаларининг ихтиёрсиз ҳаракатларида ҳиссиёт жуда катта ўрин эгаллайди. Бу ёшдаги болалар ўзларида туғилган бир талай ҳиссиётлар таъсири билан бир мақсадни белгилайдилар. Агар болаларнинг олдиларига қўйилган мақсад уларга қаттиқ таъсир қилиб, ҳиссиётларини уйғотса, бундай пайтда болалар ўзларига хос равишда ирода кучи ва қатъийлик кўрсатишлари мумкин.

Болаларда 5-6 ёшдан бошлаб шахсий онг таркиб топа бошлайди. Бу шундай ҳолларда кўринадикки, болалар ўзлари яшаб турган ижтимоий муҳитдан ўз ўйинларини белгилашга, катталар билан янада яқинроқ янада тўлароқ муносабатлар системасини ўргатишга интиладилар. Катта гуруҳ болалари мактабга боришдан анча илгарийроқ мактаб ҳақида орзу қила бошлайдилар. Мактабнинг қандай эканини катталардан тез-тез, суриштириб турадилар. Мактабга бориш вақтларини аниқ билишга ҳаракат қиладилар. Агар бирор ўртоқлари мактабга ўтиб кетса, жуда хаваслари келиб, ўзлари боғчада қолганларидан ўксиниб кетадилар. Катта ёшдаги боғча болаларининг мактабга интилишлари ижтимоий муносабатлар тизимидан янгини эгаллашга бўлган интилишларининг конкрет ифодасидир.

Шундай қилиб, боланинг мактабдаги ўқишга тайёрлиги шахсининг ижтимоий етуқлик босқичларидан биридир. Лекин ижтимоий тараққиётнинг бундай етуқлик босқичига бола ўз-ўзидан кўтарилмайди. Уни бу босқичга боғчадаги ва оиладаги бутун таълим тарбия иши кўтаради. Бола етти ёшга тўлганда жисмоний жиҳатдан анча ўсади, ўзини идора қилишга, ноҳуя хатти-ҳаракатлардан ўзини тийишга, хулқ-атвор қоидаларини ўзлатиришга ҳаракат қилади. У ўзини эплай бошлайди, ўз кучига яраша меҳнат қила олади, масалан, болалар боғчасида навбатчилик вазифасини бемалол уддалайди. Жамоада яшашга кўника бошлайди. Боланинг турмуш тажрибаси тобора ортади, Кўп нарсаларнинг номини ва улардан қандай фойдаланишни билади. Хотираси ва тасаввурлари ўсиб, кўпгина шеър ва ҳикояларни ёддан билиб олади. Боланинг нутқи маълум даражада усган бўлади, у ўз ўртоқлари ва катталар билан эркин суҳбат қила олади. Етти ёшли болаларнинг ҳис-туйғулари анча ўсади.

Хайрихоҳлик, раҳмдиллик, ўртоқлик каби ҳис-туйғулар мустаҳкамлана бошлайди.

Бу даврда болада турли ҳаракатлар мустаҳкамланади, у қайчи, игна, қалам каби қуроллардан фойдаланиш малакасини эгаллай бошлайди. Бироқ бу даврда ҳам болада ҳали беихтиёр фаоллик анча устун туради. Шу сабабли болани қизиқтирадиган ёки унга кучли таъсир қиладиган нарсалар унинг диққатини жалб қилади. Бу ёшда ҳам ўйин жуда катта роль ўйнайди. Ўйин жараёнида бола ўзини идора қилишга, ўз ҳаракатларини ўйин қоидаларига бўйсундиришга, жавобгарликка, жамоа манфаатини устун қўйишга одатланади. Бу ҳислатлар кейинчалик ўтиш меҳнатига ўтиш учун зарур бўлган ҳислатлардир. Ўйин жараёнида боланинг ақл-идроки, зехн ва бошқа психик хусусиятлари ўсади. Булар ўз навбатида, боланинг мактабда ўтиши учун психологик замин тайёрлайди. Бундай заминни тайёрлаш ва мустаҳкамлашда, албатта оилада ҳамда болалар боғчасида олиб бориладиган таълим тарбия ишлари ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Етти ёшга тўлиб, мактабга чиққан болаларнинг психик жиҳатдан бундан кейинги ўсиши мактабда ҳамда оилада олиб бориладиган таълим тарбия жараёнида амалга оширилади.

Таълимга психологик тайёрлик деганда боланинг объектив ва субъектив жиҳатдан мактаб талабига муносиблиги назарда тутилади. У мактаб таълимига аввал психологик жиҳатдан тайёрланади. Бинобарин, унинг психикаси билим олишга етарли даражада ривожланади. Шу ёшдаги бола идрокнинг ўткирлиги, равшанлиги, софлиги, аниқлиги, ўзининг қизиқувчанлиги, дилкашлиги, хайрихоҳлиги, ишонувчанлиги, тафаккурининг яққоллиги билан бошқа ёшдаги болалардан ажралиб туради. Мактаб таълимига тайёрланаётган болада диққати нисбатан узоқ муддатли ва шартли барқарор бўлади. Бола диққатининг хусусиятлари ролли ва сюжетли ўйинларда, расм чизиш ва қуриш-ясаш машғулотларида, лой ҳамда пластилиндан ўйинчоқлар тайёрлашда, ўзгалар нутқини идрок қилиш ва тушунишда, математик амалларни ечишда, ҳикоя тинглаш ва тузишда

кўринадди. Бола ўз диққатини муайян объектга туплашга интилади. Унинг хотираси қизиқарли, ажойиб ғаройиб, кишини таажжубга соладиган маълумот ва ҳодисаларни пухта эсда олиб қолиш, эсда саклаш, эсга тушириш имкониятига эга бўлади. Шу давргача бевосита катталар раҳбарлигида у ёки бу ахборотларни ўзлаштириб келган бўлса, энди ўз хоҳиш-иродаси билан зарур маълумотлар туплашга, ўз олдига аниқ мақсад ва вазифа қўйишга ҳаракат қилади. Боланинг ана шу фаоллиги хотирасининг муайян даражада ривожланганлигини билдиради. У шеър, ҳикоя ва эртақларни эсда қолдириш учун кўп такрорлаши, ёд олишнинг энг қўлай йўл ва усулларида фойдаланиши таълим жараёнида унга жуда қўл келади. Биринчи синф ўқувчиси кўпинча образли хотирага суяниб билиш фаолиятини ташкил этса ҳам, бу иш хотиранинг бошқа турларини инкор қилмайди. Аксинча, таълим сўз-манتيқий хотирасини тақозо этади. Сўз-мантик хотирасининг мавжудлиги маъносини тушуниб эсда олиб қолиш жараёнининг самарадорлиги ортишига кенг имконият яратади. Тажрибадан маълумки, бола маъносиз сўзлардан кўра маънодор тушунчаларни бир мунча тез ва мустаҳкам эслаб қолиш хусусиятига эга. Унинг нутқи мактаб таълимига тайёргарлик босқичида катталар билан мулоқотга киришиш, кишиларнинг фикрини ўқиб олиш ва тўғри идрок қилиш даражасида, нутқнинг тузилиши эса грамматика қоидаларига мос, мантиқан изчил, ифодали, миқдор ва кўлам жиҳатдан фикр алмашишга етарли бўлади. У эшитган ва кўрганлари тўғрисидаги маълумотларни тушуна олади, ўзидаги ахборотларни муайян тартибда баён қила билади, ақлий фаолият операцияларидан ўринли фойдаланади (уларни такқослайди, ойдинлаштиради, умумлаштиради, ҳукм ва хулоса чиқаришга ҳаракат қилади).

Олти ёшли боланинг психик тайёрлиги ҳақида гапирилганда, кўпинча муайян режа асосида, тартибли, кўп қиррали мақсадга йўналтирилган, ўзаро мантиқий боғлиқ, изчил бошланғич таълимга замин вазифасини ўтовчи психик ўсиш даражасини назарда тутамиз.

Шунингдек, таълим учун психик ўсиш даражасидан ташқари, бола турмуши ва фаолиятининг тафовутлари, шароитлари, ўзига хослиги, унинг

сихат-саломатлиги, усулий жиҳатдан тайёргарлиги, оддий кўникмаларни ўзлаштиргани каби омилларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси боланинг мактаб таълимига психологик жиҳатдан тайёргарлигининг объектив томонларини ифодалайди.

Бола мактаб таълимига психологик тайёрланишнинг субъектив томони ҳам мавжуддир. Унинг мактабда ўқиш хоҳиши, интилиши, катта ёшдаги одамлар билан мулоқотга киришиш истаги мазкур тайёргарлик билан узвий боғлиқдир.

2. Болаларни турли муносабат шакллари ва билиш фаолиятига тайёрлаш

Мактабга бориш болаларнинг ҳаётида жуда катта воқеадир. Мактаб ҳаёти болаларга янги бир дунёни очиб беради, мактаб даврида болаларнинг асосий фаолиятлари ўзгаради. Энди болаларнинг асосий фаолиятлари, асосий вазифаси ва ижтимоий бурчи ўқиш бўлиб қолади.

6-7 ёшли болалар учун янги фаолият бўлган ўқиш улардан янги сифат, янги хусусиятларга эга бўлишларини талаб этади. Ўқиш фаолияти учун болаларда барқарор диққат, ўткир зеҳн, мустақиллик, ишчанлик ва батартиблик хислатлари бўлиши керак. Боғчадан мактабга ўтишлари натижасида катталар билан бўлган муносабатларида ҳам бирмунча ўзгаришлар юз беради. Шунини ҳам назарда тутиш керакки, бола мактабга ўтиши билан унинг ижтимоий ҳолатида ҳам ўзгариш рўй беради. Чунончи мактаб ёшига яқинлашган болалар боғчада «катта» деб ҳисобланар эдилар. Мактабга ўтгач, улар яна «энг кичкиналар» қаторига тушиб қоладилар.

Мактабгача таълимда болаларнинг жисмоний жиҳатдан ўсишларига қанчалик эътибор берилса, уларнинг ақлий ва ахлоқий ўсишларига ҳам шунчалик эътибор берилади. Уларнинг мактабга чиқишлари доимо назарда тутилиб, ўтказиладиган турли дидактик машғулотларда болаларнинг идроклари, тасаввур ва хотиралари, ҳаёл ҳамда тафаккурлари, иродалари системали тарзда тараққий эттириб борилади.

Болаларни мактабдаги ўқиш жараёнига тайёрлашда уларнинг нутқини ўстириш жуда зарур асосий шартлардан биридир. Шунинг учун катта гуруҳ

болаларини мактабдаги ўқишга тайёрлашда ўз она тилларини яхши ўрганишларига, яъни сўз бойлигини орттиришга, тўғри талаффуз ва тўла ҳамда тўғри жумла туза олишларига аҳамият бериш керак. Болаларнинг ташқи олам ҳақида тасаввурларни кенгайтириш, бойитиш ишлари улар нутқини ўстириш асосида олиб борилиши лозим.

Шу нарса диққатга сазоворки, ҳамма мактабагача таълим муассасаларидаги мактаб ёшига тўлган болалар мактабдаги ўқишга баравар тайёр бўлавермайдилар. Айрим болалар мактабга келгач, янги шароитга тез киришиб кета олмайдилар. Уларда ўқиш учун қандайдир бир хусусият етишмаётгандек кўринади. Бу ўринда шундай бир савол туғилади. Болаларни қай пайтда психологик жиҳатдан мактабдаги ўқишга тайёр деб ҳисоблаш мумкин? Айрим психологларнинг фикрича, бола мактабда ўқиши учун атрофдаги нарса ва ҳодисаларга доир анчагина тасаввурларга эга бўлиши ҳамда маълум даражада ақлий жиҳатдан ўсган бўлиши лозим. Бироқ ҳаётда шундай воқеалар учрайдики, анчагина тасаввур бойлигига эга бўлган ва ҳаттоки ёзиш ҳамда ўқишни биладиган болалар ҳам мактабдаги ўқишга тайёр бўлмайдилар. Улар мактаб ва ўқитувчининг талабларини бажара олмайдилар. Аксинча, айрим болалар етарли тасаввур бойлигига эга бўлмасалар ҳам, мактабда ўқиб кета оладилар.

Болаларда 5-6 ёшдан бошлаб шахсий онг таркиб топа бошлайди. Бу шундай ҳолларда кўринадикки, болалар ўзлари яшаб турган ижтимоий муҳитдан ўз ўринларини белгилашга, катталар билан янада яқинроқ, янада тўлароқ муносабатлар системасини ўргатишга интиладилар. Катта гуруҳ болалари мактабга ўтишдан анча илгариёқ мактаб ҳақида орзу қила бошлайдилар. Мактабнинг қандай эканини катталардан тез-тез суриштириб турадилар. Мактабга бориш вақтларини аниқ билишга ҳаракат қиладилар. Катта ёшдаги боғча болаларининг мактабга интилишлари ижтимоий муносабатлар системасидан янгини эгаллашга бўлган интилишларининг конкрет ифодасидир.

Етти ёшга тўлиш даври болаликнинг тугалланиши даврига тўғри келади. Худди ана шу даврдан бошлаб болаларда ўз-ўзини англаш таркиб топа

бошлайди. Шунинг учун болаларнинг етти ёшга тўлган давридан бошлаб тизимли равишда ўқишга бориши мақсадга мувофиқдир. К.Д.Ушинскийнинг фикрича, боланинг мактабдаги ўқиш фаолиятига тайёрлиги айрим психик жараёнларнинг тараққиёт даражаси билан эмас, балки бола шахсининг умумий тараққиёт даражаси билан аниқланади.

Шундай қилиб, боланинг мактабдаги ўқишга тайёрлиги шахснинг ижтимоий етуклик босқичларидан биридир. Лекин ижтимоий тараққиётнинг бундай етуклик босқичига бола ўз-ўзидан кўтарилмайди, уни бу босқичга таълим муассасасидаги ва оиладаги бутун таълим-тарбия жараёни кўтаради.

Кичик мактабгача ёш давридаги болаларнинг психологик хусусиятлари (тайёрлов гуруҳи)

Кўрсаткичлар	6-7 ёш
Тафаккур	Мантикий тафаккур элементлари кўргазмали-образли тафаккур асосида ривожланади
Нутқ	Ички нутқнинг ривожланиши
Билиш жаарёнларининг ихтиёрийлиги	Ихтиёрийликнинг ҳаракат қилиш ва ўзлаштириш жараёнини концентратлаш сифатида шаклланишининг бошланиши
Физиологик таъсирчанлик	Индивидуал, кўпчиликда паст даражада
Билиш объекти	Предмет ва ҳодисалар ўртасидаги сабаб-оқибатли боғланиш
Билиш усуллари	Мустақил фаолият, катталар ва тенгдошлари билан билишга оид мулоқот
Муваффақият шarti	Шахсий кенг дунёқараш, бирор бир ишдаги билим
Мулоқот шакли	Вазиятдан ташқари-шахсий
Тенгдошлар билан муносабат	Сухбатдош, фаолиятдаги шериклик
Катталар билан муносабат	Эмоционал қўллаб-қувватлаш манбаси
Низолар	7 ёшларда-инқироз, ижтимоий ролнинг алмашиниши
Эмоциялар	Олий ҳисларнинг ривожланиши.
Ўйин фаолияти	Узоқ ўйинли бирлашув; ўз хулқ-атворини ролга мувофиқ равишда мослаштира олиш кўникмаси

3. Билиш фаолияти соҳасида боланинг таълим жараёнига тайёрлиги.

Ҳаётнинг дастлабки уч йилида бола онаси ёки бошқа кишилар масалан, тарбиячи дастури бўйича эмас, балки гўёки ўзининг дастури бўйича ўқийди. Бу даврда боланинг у ёки бу билим ва кўникмаларини ўзлаштириши муҳлатига алоҳида талаблар қўйилмайди. Илк болалик даврида тарбия дастури ҳали субъектив тарзда бола учун мавжуд эмас. Систематик ўқишга лаёқатли

бўлгунга қадар у тайёрлов босқичини босиб ўтади. Бу босқичда четдаги бошқа кишиларнинг болага нисбатан янги талаблари аста-секин унинг “ўз дастурига” айланиши лозим. Боғча ёш даврининг охирларига борибгина, бола катталар томонидан ишлаб чиқилган “дастур бўйича” ўқий бошлайди ва мактаб талабларига аста-секин амал қила бошлайди. Л.С.Виготскийнинг фикри бўйича боғча ёш даври таълим дастури:

1) болани мактаб дастурига яқинлаштирилиши, унинг билим доирасини кенгайтирилиши, предметли таълимга тайёрлаши;

2) боланинг ўз дастури бўлиши ҳамда унинг қизиқиши ва эҳтиёжларига жавоб бериши лозим.

Шунингдек, Л.С.Виготский боланинг психик ривожланишида, таълимнинг етакчи роли ҳақидаги қонунни илгари сурди ва аниқ ифодалади: таълим ривожланишидан олдинда боради ва ўзининг орқасидан уни эргаштириб боради.

Ўқув фаолияти болаларни хурсанд қилиши, уларга завқ бериб, қониқиш ҳиссини уйғотиши керак. Илк болалик давриданок болаларда билишга қизиқишни тарбиялаш катта аҳамиятга эга. Чунки билишга интилишга инсон фаолиятининг аҳамиятли мотивларидан бўлиб, шахс йўналганлигининг англанганлигини акс эттиради, барча психик жараён ва функцияларга ижобий таъсир этади, қобилиятни фаоллаштиради, қизиқиш мавжуд ҳолатида барча инсоний кучлар кўзғалади. Буни айниқса, боғча боласининг ўқув фаолиятини ташкил этишда инобатга олиш керак.

Педагог ва психологларнинг олиб борган тадқиқотлари ўқишга бўлган қизиқишларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг асосий шароитини ажратиш имконини беради:

1. Ўқув фаолияти шундай ташкил этилиши керакки, бола унда фаол иштирок этсин, янги билимларни мустақил тарзда қидириши ва “топиши”га ундалиши лозим.

2. Ўқув фаолияти турли хил бўлиши керак. Бир хилликка эга бўлган материаллар ва бир хил усуллар болаларни тез зериктириб қўяди.

3. Бола берилаётган материалларнинг кераклилиги ва аҳамиятлилигини тушуниши керак.

4. Янги берилаётган материал илгари ўзлаштирилган материал билан яхши боғланган бўлиши керак.

5. Жуда енгил бўлган ва ўта мураккаб материал қизиқиш уйғотмайди. Ўқув топшириқлари боғча ёшидаги болалар учун қийин, лекин имконияти етадиган даражада бўлиши керак.

6. Боланинг барча ютуқларини ижобий баҳолаш лозим. Ижобий баҳо билишга нисбатан фаолликни рағбатлантиради.

7. Ўқув материаллари ёрқин ва эмоционал бўлиши керак.

А.П.Усованинг таъкидлашича, ўқитилаётган материални идрок қила олмаслик ҳодисаси ҳаракатнинг усул ва воситаларида ўта осонлик усулига асосланган, илгари кўрсатилган нотўғри тарбиявий таъсирнинг асорати натижасидир.

Айни вақтда кўпинча таълим олишга тайёрликнинг қуйидаги таркибий қисмлари ажратилади:

1. Тафаккур қила олиш каби фаолиятнинг умумлашганлиги.
2. Амалий ва сўз мантиқий томонларининг ўзаро мувофиқлигини белгиловчи тафаккурнинг англанилганлиги.
3. Тафаккур фаолиятининг эластиклиги.
4. Тафаккур фаолиятининг барқарорлиги.
5. Тафаккурнинг мустақиллиги ҳамда унинг ёрдамга мойиллиги.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нишонова З.Т., Алимова Г.К. Болалар психологияси ва психодиагностикаси Т.: ТДПУ 2017 – 264 б.
2. Ғозиев Э. Онтогенез психологияси Назарий- экспериментал таҳлил Т.: Ношир 2010. – 356 б.
3. Дўстмухамедова Ш.А., Нишонова З.Т.ва бошқалар Ёш даврлари ва педагогик психология Т.: Фан ва технологиялар 2013 – 343 б.
4. Шаповаленко И.В. Возрастная психология (Психология развития и возрастная психология): учебник для студентов вузов. – М.: Гардарики, 2007. – 349 с.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Мактабгача ёшда ўйин фаолиятининг хусусиятлари.

1. Ўйин мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий фаолияти эканлиги.
2. Мазмунли-ролли ўйинлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Бола психик ривожланишида ўйиннинг аҳамияти.
4. Бола психик тараққиётида ўйинчокнинг аҳамияти.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг етакчи фаолияти бу ўйиндир. Боғча ёшидаги болаларнинг ўйин фаолиятлари масаласи асрлар давомида жуда кўп олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Боғча ёшидаги болалар ўзларининг ўйин фаолиятларида илдам қадамлар билан билан олға қараб бораётган сермазмун ҳаётимизнинг ҳамма томонларини акс эттиришга интиладилар.

Маълумки, боланинг ёши улгайиб мустақил ҳаракат қилиш имконияти ошган сари унинг атрофдаги нарса ва ҳодисалар бўйича дунёқараши ҳам кенгайиб боради.

Боғча ёшидаги бола атрофидаги нарсалар дунёсини билиш жараёнида шу нарсалар билан бевосита амалий муносабатга бўлишига интилади. Бу ўринда шу нарса характерлики бола билишга ташналигидан атрофдаги ўзининг ҳадди сиғадиган нарсалари билангина эмас, балки катталар учун мансуб бўлган ўзининг кучи ҳам етмайлиган, ҳадди сиғмайдиган нарсалар билан ҳам амалий муносабатда бўлишга интилади. Масалан: бола автомашинани, трамвайни ўзи ҳайдагиси, ростакам отга миниб юргиси, учувчи бўлиб самолётда учгиси ва ростакам милиционер бўлгиси келади. Бироқ табиийки бола ўзидаги бундай эҳтиёжларнинг биронтасини ҳам ҳақиқий йўл билан қондира олмайди. Бу ўринда савол туғилади. Болаларнинг тобора ортиб бораётган турли эҳтиёжлари билан уларнинг тор имкониятлари ўртасидаги қарама - қаршилиқ қандай йўл билан ҳал қилинади? Бу қарама-қаршилиқ фақатгина биргина фаолият орқали, яъни боланинг ўйин фаолияти орқалигина ҳал қилиниши мумкин. Буни шу билан изоҳлаб бериш мумкинки, биринчидан, болаларнинг ўйин фаолияти қандайдир моддий маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолият эмас. Шунинг учун болаларни ўйинга ундовчи сабаб (мотив) келиб чиқадиган натижа билан эмас балки шу ўйин жараёнидаги турли ҳаракатларнинг мазмуни билан боғлиқдир. Иккинчидан эса, болалар ўйин жараёнида ўз ихтиёрларидаги нарсаларни, ўзларини қизиқтирган, аммо катталаргагина мансуб бўлган нарсаларга айлантириб хоҳлаганларича эркин фаолиятда бўладилар. Болаларнинг ўйин фаолиятлари уларнинг жисмоний ва психик жиҳатдан гармоник равишда ривожлантириш учун бирдан бир воситадир.

Ўйин болалар ҳаётида шундай кўп қиррали фаолиятки, унда катталарга мансуб бўлган меҳнат ҳам, турли нарсалар ҳақида тафаккур қилиш, хом ҳаёл,

дам олиш ва хушчақчақлик манбалари ҳам мужжасамлангандир, яъни мана шу жараёнларнинг барчаси ўйин фаолиятида аниқ бўлади. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўйин фақат ташқи муҳитдаги нарса ҳодисаларни билиш воситасигина эмас, балки қудратли тарбия воситаси ҳамдир. Ижодий ва сюжетли ўйинларда болаларнинг барча психик жараёнлари билан биргаликда уларнинг индивидуал хислатлари ҳам шаклланади. Демак, боғчадаги таълим-тарбия ишларининг муваффақияти кўп жиҳатдан болаларнинг ўйин фаолиятларини мақсадга мувофиқ ташкил қила боришга боғлиқдир.

Шундай қилиб, ўйин болалар ҳаёли томонидан яратилган нарса эмас, аксинча болалар ҳаёлининг ўзи ўйин жараёнида юзага келиб ривожланадиган нарсалардир.

Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, фан-техника мислсиз ривожланган бизнинг ҳозирги замонамиздаги яратилаётган, ҳайратда қолдирадиган нарсалар болаларга гўё бир мўъжизадек кўринади. Натижада улар ҳам ўзларининг турли ўйинлари жараёнида ўхшатма қилиб (яъни аналогик тарзда) ҳар хил ҳаёлий нарсаларни ўйлаб чиқарадилар (учар от, машина одам, гапирадиган дарахт каби). Бундан ташқари, болаларнинг турли ҳаёлий нарсаларни ўйлаб чиқаришлари яна шунини билдирадики, улар ўзларининг ҳар турли ўйин фаолиятларида фақат атрофларидаги бор нарсаларни эмас, балки айни чоғда эҳтиёжлари талаб қилаётган нарсаларни ҳам акс эттирадидилар.

Болаларнинг ўйин фаолиятларида ҳар хил ҳаёлий ва афсонавий образларни яратишларидан шундай хулоса чиқариш мумкин: одамнинг (шу жумладан болаларнинг ҳам) ташқи муҳитдаги нарса ва ҳодисаларни акс эттириш жараёнлари пассив жараён эмас, балки фаол ҳамда ижодий яратувчан, ўзгартирувчан жараёндир.

Болалар ўйин фаолиятларининг яна бир ажойиб хусусияти шундан иборатки, ўйин жараёнида боланинг қиладиган хатти-ҳаракатлари ва бажарадиган роллари кўпинча умумийлик характериға эга бўлади. Буни шундай тушуниш керакки, бола ўзининг турли-туман ўйинларида фақат ўзига таниш бўлган ёлғиз бир шофёрнинг, шифокорнинг, милиционернинг, тарбиячининг, учувчининг хатти-ҳаракатларигина эмас, балки умуман шофёрларнинг, врачларнинг, тарбиячиларнинг ҳамда учувчиларнинг хатти-ҳаракатларини акс эттиради. Албатта, турмуш тажрибалари ва фаолиятлари доираси жуда чекланган кичик ёшдаги болалар (баъзан кичик гуруҳ болалари ҳам) ўзларининг ўйинларида конкрет одамларни ва уларнинг ҳаракатларини акс эттирадидилар. (Масалан, ойисини, адасини, акасини, тарбиячисини ва шу каби).

Ўрта, катта боғча ёшидаги болаларнинг ўйинларида эса бундай образлар умумийлик характериға эга бўла бошлайди.

Боғча ёшидаги болаларнинг ўйинлари атрофдаги нарса ва ҳодисаларни билиш қуроли бўлиш билан бирга юксак ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Бошқачароқ қилиб айтганда, ўйин қудратли тарбия қуролидир. Болаларнинг ўйинлари орқали уларда ижтимоий фойдали, яъни юксак инсоний хислатларни тарбиялаш мумкин. Бундан ташқари, агарда биз болаларнинг ўйини фаолиятларини ташқаридан кузатсак, ўйин жараёнида уларнинг барча шахсий хислатлари (кимнинг нимага кўпроқ қизиқиши, қобилияти, иродаси темпераменти) яққол намоён бўлишини кўрамиз. Шунинг учун болаларнинг ўйин фаолиятлари уларни индивидуал равишда ўрганиш учун жуда қулай воситадир. Кичик мактабгача ёшдаги болалар одатда ўзлари ёлғиз ўйнайдилар. Предметли ва конструкторли ўйинлар орқали бу ёшдаги болалар ўзларининг идрок, хотира, тасаввур, тафаккур ҳамда ҳаракат лаёқатларини ривожлантирадилар. Сюжетли ролли ўйинларда болалар асосан ўзлари ҳар куни кўраётган ва кузатаётган катталарнинг хатти –ҳаракатларини акс эттирадилар. 4-5 ёшли болаларнинг ўйини аста – секинлик билан жамоа характерини ола бошлайди.

Болаларнинг индивидуал хусусиятларини хусусан уларнинг жамоа ўйинлари орқали кузатиш қулайдир. Бу ўйинларда болалар катталарнинг фақат предметларга муносабатини эмас, балки кўпроқ ўзаро муносабатларини акс эттирадилар. Шунингдек, жамоа ўйинларида болалар бир гуруҳ одамларнинг мураккаб ҳаётий фаолиятларини акс эттирадилар. Масалан, «поезд» ўйинини олайлик. Бунда машинист, кузатувчилар, назоратчи, кассир, станция ходимлари ва йўловчилар бўлади. Болаларнинг мана шу каби жамоа ўйинлари артистларнинг фаолиятига ўхшайди. Чунки жамоа ўйиндаги ҳар бир бола ўз ролини яхши адо этишга интилиш билан бирга ўйиннинг умумий мазмунидан ҳам четга чиқиб кетмасликка тиришади. Бу эса, ҳар бир боладан ўзининг бутун қобилиятини ишга солишни талаб этади. Маълум ролларга бўлинган жамоавий ўйин болалардан қатъий қоидаларга бўйсунуши ва айрим вазифаларни ўхшатиб бажаришни талаб этади. Шунинг учун болаларнинг бундай жамоа ўйинлари психологик жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Чунки бундай ўйинлар болаларда иродавийлик, муаммолилик ўйин қоидаларига, тартиб- интизомга бўйсунуш ва шу каби ижобий хислатларни тарбиялайди ва ривожлантиради.

Катта боғча ёшида сюжетли-ролли ўйинлар ривожланади, лекин энди бу ўйинлар ўз мавзусининг бойлиги ва хилма-хиллиги билан фарқланади. Бу ўйинлар жараёнида болаларда лидерлик юзага кела бошлайди, шунингдек ташкилотчилик кўникма ва малакалари ривожлана бошлайди. Бу мактабгача ёшдаги болалар шуғулланадиган ижодий фаолиятлар орасида тасвирий санъатнинг ҳам аҳамияти жуда катта. Боланинг тасаввур этиш характерига кўра унинг атроф ҳаётни қандай идрок этиши, хотира, тасаввур ва тафаккур

хусусиятларига баҳо бериш мумкин. Катта боғча ёшидаги болалар чизган расмлар уларнинг ички кечинмалари рухий ҳолатлари, орзу, умид ва эҳтиёжларини ҳам акс эттиради. Мактабгача ёшдаги болалар расм чизишга ҳам ниҳоятда қизиқадилар. Расм чизиш болалар учун ўйин фаолиятининг ўзига хос бир шакли бўлиб ҳисобланади. Бола аввало кўраётган нарсаларини, кейинчалик эса ўзи билладиган, хотирасидаги ва ўзи ўйлаб топган нарсаларни чизади.

Катта мактабгача ёшдаги болалар учун мусобақа жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, айнан шундай ўйинларда муваффақиятга эришиш шаклланади ва мустаҳкамланади. Бу ёшдаги болалар учун энг ёқимли вақт - ютиш ва муваффақият бўлган мусобақа ўйинларининг ҳам аҳамияти жуда катта.

Катта боғча ёшида конструкторлик ўйинлари аста-секинлик билан меҳнат фаолиятига айланиб боради. Ўйинда бола элементар меҳнат кўникма ва малакаларини эгаллай бошлайди, предметларнинг хоссаларини англай бошлайди, амалий тафаккур ривожлана боради.

3-7 ёшли болалар психик ривожда бадиий-ижодий фаолият бўлган мусиқанинг ҳам аҳамияти ҳам жуда катта. Мусиқа орқали болалар ашула айтишга, мусиқа охангига мос ритмик ҳаракатлар қилишга ўрганадилар. 3-7 ёш даврида болалар асосий фаолияти куйидаги кетма-кетликда келади:

- предметларни ўрганиш,
- индивидуал предметли ўйинлар, жамоавий сюжетли-ролли ўйинлар,
- индивидуал ва гуруҳий ижод,
- мусобақа ўйинлар,
- мулоқот ўйинлар,
- уй меҳнати.

Боғча ёшидаги болаларнинг ўйин фаолиятлари ҳақида гапирар эканмиз, албатта уларнинг ўйинчоғи масаласига ҳам тўхтаб ўтиш керак.

Болаларга ўйинчоқларни беришда уларнинг ёш хусусиятларини, тарққиёт даражаларини ва айна пайтда уларни кўпроқ нималар қизиқтиришини ҳисобга олиш керак.

Маълумки, 1-3 ёш болалар ҳали ташқи муҳитни жуда оз ўзлаштирадилар. Шунинг учун уларга кугирчок билан бирга ҳар хил рангли қийқим, турли мато бўлаклари ҳам бериш керак. Айниқса қиз болалар ўз кўғирчоқларини ҳар хил рангли матоларга ўраб, рўмол қилиб ўратиб машқ қиладилар. Ўғил болаларга эса, ҳар хил рангли, бир-бирининг ичига сиғадиган қутича ўйинчоқларни бериш фойдалидир.

Ўйин фаолияти болаларни инсониятнинг ижтимоий тажрибасини эгаллашнинг фаол шакли бўлган таълим фаолиятига тайёрлайди. Одам бирданига ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга кириша олмайди. Ижтимоий

тажрибаларни фаол эгаллаш учун одам аввало етарли даражада нуткни эгаллаган бўлиши, маълум малакалар, укувлар ва элементар тушунчаларга эга бўлиши керак бўлади. Буларга бола юқорида батафсил кўриб ўтганимиздек ўйин фаолияти орқали эришади.

Амалий машғулот “Кичик гуруҳлар билан ишлаш” технологияси ёрдамида давом эттирилади.

Тингловчиларга гуруҳларга бўлиниб ишлаш таклиф этилади, бунинг учун улар қуйидаги талабларга амал қилишлари зарур.

1. Гуруҳларга ажратиш ўқитувчи томонидан амалга оширилади.
2. Ҳар бир гуруҳга раҳбар тайинланади.
3. Ҳар бир гуруҳдаги тингловчилар билим даражасининг тенг бўлишига эришиш керак.
4. Иш жараёнида ҳар бир гуруҳнинг фаолиятига, ғояларига эътибор берилади.

Тингловчиларни 4 гуруҳга ажратиб, ҳар бир гуруҳ учун алоҳида, яъни 1 гуруҳ “Ўйин мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий фаолияти эканлиги”, 2 гуруҳ “Мазмунли-ролли ўйинлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари”, 3 гуруҳ “Бола психик ривожланишида ўйиннинг аҳамияти”, 4 гуруҳ “Бола психик тараққиётида ўйинчокнинг аҳамияти берилади” мавзулари берилади.

“Кичик гуруҳлар билан ишлаш” технологиясининг моҳияти тингловчиларнинг ижодкорлигига таяниш ва дарсда эркин баҳс-мунозара шароитини туғдиришдан иборат. Машғулот қуйидаги босқичларда амалга оширилади.

1. Чақириқ босқичи. Бу босқичда тингловчиларни фаоллаштириш, мавзунинг мазмун-моҳиятига кириб бориш, уни англаб етиш жараёнига тайёрлаш мақсади кўзда тутилади.

2. Ақлий ҳужум. Бу усул дарснинг бошланишида ёки исталган жойида қўлланиши мумкин. Бу босқичда муаммо тингловчиларга ақлий ҳужум йўли билан берилади ва уларнинг фикрлари орқали очилади.

3. Англаш босқичи. Мавзуга оид хулосавий фикрлар эшитилади ва ўқитувчи томонидан янги фикрлар билан тўлдирилади.

4. Фикрлаш босқичи. Мавзу юзасидан ўзлаштирилган билим ва тушунчаларни қисқа жумлаларда айтиб бериш топширилади.

Булардан ташқари гуруҳларга аниқ йўл-йўриқ кўрсатиш, топшириқларни бажариш учун етарли вақт ажратиш, кучли гуруҳларни рағбатлантириб бориш ишнинг натижасини баҳолаш кабиларга ҳам аҳамият бериш мумкин ҳисобланади. Дарс жараёнида гуруҳ аъзоларини алмаштириб бориш ҳам мумкин.

Ҳар бир гуруҳга мавзунинг қисқача моҳияти ёзилган тарқатма материаллар тарқатилади. Улар мавзулари ҳақида бошланғич билимларга эга бўлганларидан сўнг, мавзунинг билимлари билан бойитиб, гуруҳ аъзолари орасидан бир киши танланади ва мавзуларини баён этиб берадилар. Барча гуруҳлар ўз

чиқишларини кўрсатиб берганларидан сўнг гуруҳий мунозара бошланади.

Машғулот якунида тингловчилар олган билимларини “Кластер” методи ёрдамида бирлаштирадilar.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари болаларда ўтказишлари учун ўйинлар.

Сайрга чиқамиз ўйини

Мақсад: болаларда кийимларни тўғри мослаштириб кийиш, “уст бош”, “пой абзал” каби умумий тушунчаларни мустаҳкамлаш, атроф-муҳитга нисбатан яхши муносабатни шакллантиришга ёрдам беради.

Зарур жиҳозлар: кўғирчоқлар, барча фасллар кийимлари, кичик кийим жавони, стулчалар.

3, 4 ёшли болалар.

Ўйиннинг бориши: болалар боғчасига янги кўғирчоқ меҳмонга келади. Болалар уни сайрга таклиф қилишади. Лекин кўғирчоқ кийинишни билмаслигини айтади. Сўнг, тарбиячи ёрдамида болалар кўғирчоққа об - ҳавога мос кийимни танлаш, уни кийинтиришга ёрдам берадилар. Кийинтираётганларида қайси кийимни кийгизаётганларини айтиб кийинтиришлари керак.

Болалар тарбиячи билан биргаликда сайрга чиқадилар. Сайрдан қайтгач ўз кийимларини ечиб, тахлаб, жойлаштирадilar, сўнгра кўғирчоқни кийимларини ҳам ечиб жавончасига тахлаб қўядилар. Тарбиячига бажарган ишларини бирма- бир сўзлаб беришлари керак.

Дўконда ўйини

Мақсад: предметларни умумий жиҳатларига кўра гуруҳларга ажратиш, кўмаклашиш сифатларини шакллантириш, болаларнинг сўз бойлигини кенгайтиришдир.

Зарур жиҳозлар: дўкондан сотиб олиш мумкин бўлган нусхадаги ўйинчоқлар, ўйинчоқ пуллар.

3, 7 ёшли болалар.

Ўйиннинг бориши: тарбиячи болаларга ўйинчоқларини худди дўкондагидек жойлаштиришларини айтади. Озиқ-овқат маҳсулотлари қатори, тозалаш воситалари каби бўлимларга болалар нарсаларни жойлаштирадilar ва ўзаро сотувчи ва харидор ролларини бўлишиб оладилар. Ўйин шу тариқа давом этади, болалар ролларини алмаштириб туришлари мумкин.

Мактабгача ёшдаги болаларда билиш жараёнларини ривожлантириш бўйича машғулотлар

3 ёшли болалар учун.

“Рангли гиламчалар” (ранг)

“Доирачалар” (ўлчам)

“Фигуралар” (шакл)

“Намуна бўйича тузиш” (кўргазмали-ҳаракатли тафаккур)

Текшириш психолог томонидан ўтказилиб, битта бола учун 5-7 минут

ажратилади.

“Рангли гиламчалар”-кўрув идрокнинг хусусиятларини аниқлаш, асосий рангларни ажратиш

Материаллар: 6 та рангли карточка (қизил, кўк, сариқ, яшил, ҳаворанг, жигарранг. Болага навбат билан рангли (қизил, кўк, сариқ, яшил) карточкаларни танлаш таклиф этилади. Сўнгра тарбиячи карточкаларни болага кўрсатиб уларнинг рангини айтиб беришни сўрайди. 3 ёшли бола учун 3 та ёки 4 та рангни айтиб бериши меъёр ҳисобланади. 4 ёшли бола 4-6 та рангни ажрата билиши керак бўлади.

“Доирачалар” - предметларни ўлчамини идрок қилиш хусусиятларини аниқлаш. Болага бир хил рангдаги 3 та доира кўрсатилиб, энг каттаси ва энг кичигини айтиб бериши сўралади. Уч ёшли бола мустақил равишда вазифани бажариши меъёр ҳисобланади.

“Фигуралар” предметларнинг шаклини идрок қилиш хусусиятларини аниқлаш

Материаллар: бир хил рангдаги геометрик шаклларнинг (доира, квадрат, овал, учбурчак, тўғри тўртбурчак) 2 та комплекти.

Боланинг олдига бешта шаклдан ихтиёрий иккитаси қўйилади. Сўнгра иккинчи комплектдан битта шакл кўрсатилиб, унинг қўлидаги шаклнинг қайси бири ўхшашлигини айтиб бериши сўралади. Масалан, боланинг олдига биринчи комплектдан доира ва квадрат қўйилади, сўнгра иккинчи комплектдан квадрат ва ҳок.

Уч ёшли бола овал ва доирани, квадрат ва тўғри тўртбурчакни адаштириши мумкин ҳисобланади.

“Намуна бўйича тузиш” фазовий ва кўрғазмали-ҳаракатли тафаккурнинг хусусиятларини аниқлаш.

Материаллар: 2 та нусхада турли шаклдаги қурилиш деталлари

Текширувчи болага қурилиш деталларидан бирор бир нарсани ясаб беради, сўнгра худди шундай ясаб бериши сўралади.

Уч ёшли бола мустақил равишда вазифани бажарса қониқарли ҳисобланади.

4 ёшли болалар учун.

“Пирамида” -ўлчамни, кўрғазмали-ҳаракатли тафаккурни идрок қилиш.

Материал: 5-7 та элементдан иборат пирамида.

Текширувчи болаларга пирамида кўрсатади ва боланинг диққатини у қандай ясалганига қаратади. Сўнгра бу пирамидани қисмларга ажратади ва болага қайтадан аввалгидек ясаб бериш топшириғи берилади. Агар бола вазифани бажаришга қийналса, ёрдам берилади.

Бола вазифани биринчи уринишидаёқ мустақил бажарса, болада ўлчамни идрок қилиш юқори даражада ривожланган.

“Шакллар қутиси”- шаклни ва фазовий муносабатларни идрок қилиш. Ушбу вазифа боладан шаклларни идрок қилишнигина талаб этмасдан, шаклларни фазода тўғри ҳаракатлантиришни ҳам талаб этади.

Материал: доира, учбурчак, тўғри тўртбурчак, квадрат, кўпбурчак шакллардаги ўйиқчалардан иборат қутича.

Боланинг олдига турли шакллар, қутича қўйилади ва қуйидагича топшириқ берилади: “Бизда ғайриоддий почта қутиси ва ўзгача хатлар бор. Ҳар бир хатнинг ўз ўрни бор. Хатларнинг ўрнини топиб уларни жойлаштириб чиқ.” Агар бола шаклларни кўз билан чамалаб ўйиқчаларга жойлаштириб чиқса унда фазовий идрок юқори даражада ривожланган бўлади.

5 ёшли болалар учун.

“**Маржон**” - асосий ранглар ва уларнинг турларини идрок қилиш хусусиятларини аниқлаш.

Боланинг олдига бир хил ўлчамдаги, лекин ҳар хил рангдаги (қизил, тўқ қизил, кўк, сариқ, яшил, оч яшил, бинафша ранг, ҳаво ранг) 9 та доирачалар қўйилади ва улардан “маржон” ясаш сўралади, бунда текширувчи томонидан доирачаларни қандай кетма-кетликда жойлаштирилиши айтиб турилади. Топшириқ бажариб бўлингач боладан “маржонларнинг” рангини айтиб бериш сўралади. Беш ёшли бола томонидан вазифа мустақил ва тўғри бажарилса қониқарли ҳисобланади.

«Қисмлардан бутун ясаш».

Фазовий идрок, диққатнинг сафарбарлиги ва хаёлнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш.

Кўрсатма: Боланинг олдига бир нечта (учта ёки тўртта) қирқимларга бўлинган расм тартибсиз ҳолда ёйиб қўйилади ва қуйидагича кўрсатма берилади: «Қисмларни диққат билан кўриб чиқ. Уларни тўғри йиғиб чиқсанг яхлит расм ҳосил бўлади».

Бола мустақил равишда расм қисмларини тўғри йиғса - фазовий идроки, тасавури яхши ривожланган, диққатининг сафарбарлиги юқори.

2-амалий машғулот: Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълимий машғулотлари

1. Мактабгача ёшдаги болаларга таълим бериш шакллари.
2. Дидактик ўйинларнинг бола қобиляти ва тафаккурининг ривожланишига таъсири.
3. Тасвирий фаолиятнинг ўйин ва интеллектуал фаолиятга боғлиқлиги.
4. Болаларнинг қуриш-ясаш машғулотлари ва унинг бола психикасига таъсири.

Ўқув фаолияти муаммоси — ёш ва педагогик психологиянинг марказий муммоларидандир. Боғча муассасаларида болаларни ўқитишга ва уларга таълимий машғулотлар беришга бизнинг мамлакатимизда бошланғич мактаб таълимига тайёрлов поғонаси сифатида қаралади. Шу сабабли “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланганидек, боғчадаги таълим узлуксиз таълимнинг дастлабки босқичидир.

Немис психологи О.Кроннинг фикрича, уч яшар бола унга берилаётган билимни ўзлаштиришга, яъни таълим олишга қодир. В.Штерн эса қарама-қарши нуқтаи назарни илгари сурди. Унинг фикрича, хаётининг дастлабки

олти йилида бола олган билимлар ўзига хос тарзда эгалланади. Боғча боласи ҳали “ўқиш учун англанган иродага эга эмас, мактаб ўқувчиси учун эса ўқиш учун берилган материални онгли тарзда ўзлаштириш нияти ва бу билимлардан ўзининг келажаги учун мулк сифатида фойдаланиш, бутун ҳолича сақлаб қолиш истагидир.” В.Штерн “боғча боласи айна бугуни билан шунчалик машғулки, эртанги кун, келажак учун бирор-бир нарсани эгаллаш истагидан узоқдир”, дейди. Унинг ўқиши бошқа фаолиятнинг маҳсули ҳисобланиб, теварак- атрофдан олган таассуротларни “онгсиз тарзда танлаш” асосида ҳосил бўлади.

Ж.Пиже боланинг ижтимоийлашуви жараёнида (яшаш шароитига мослашиш) интеллект операциялари структураси ривожланиши содир бўлади, дейди. Тобора юқори интеллектуал операциялар (“конкрет операциялар”, “формал операциялар”, “инвариантлик”, “муносабатлик” ва бошқалар) пайдо бўлиши ва ривожланиши ўз қонуниятларига эга. Таълим фақат ақлий ўсишни тезлаштириши ёки секинлаштириши мумкин, лекин унга табиий таъсир этмайди. Ж.Пиже ва унинг издошлари, масалан, агар болада мантиқий оператив тафаккур қарор топмаган бўлса, фикрлашга ўргатишдан маъни йўқ, дейди. Таълим бола ривожланиши қонуниятларига бўйсунishi лозим. Л.С.Виготский боғча боласининг психологик хусусиятларини педагогик таъсир моҳиятининг анализи билан узвий боғлиқликда ўрганиб борди. Боғча даврида ўқитишнинг аҳамиятли томонларидан бири, дейди Виготский. Шундай қилиб, хориж ва рус психологлари мактабгача таълим муассасаларида бериладиган таълимга ва таълимий машғулотларга катта эътибор берадилар.

Ўқув фаолияти шаклланишининг дастлабки хусусиятлари

Ҳаётнинг дастлабки уч йилида бола онаси ёки бошқа кишилар масалан, тарбиячи дастури бўйича эмас, балки гўёки ўзининг дастури бўйича ўқийди. Бу даврда боланинг у ёки бу билим ва кўникмаларини ўзлаштириши муҳлатига алоҳида талаблар қўйилмайди. Илк болалик даврида тарбия дастури ҳали субъектив тарзда бола учун мавжуд эмас. Систематик ўқишга лаёқатли бўлгунга қадар у тайёрлов босқичини босиб ўтади. Бу босқичда четдаги бошқа кишиларнинг болага нисбатан янги талаблари аста-секин унинг “ўз дастурига” айланиши лозим. Боғча ёш даврининг охирларига борибгина, бола катталар томонидан ишлаб чиқилган “дастур бўйича” ўқий бошлайди ва мактаб талабларига аста амал қила бошлайди. Л.С.Виготскийнинг фикри бўйича боғча ёш даври таълим дастури:

- 1) болани мактаб дастурига яқинлаштириши, унинг билим доирасини кенгайтириши, предметли таълимга таёрлаши;
- 2) боланинг ўз дастури бўлиши ҳамда унинг қизиқиши ва эҳтиёжларига жавоб бериши лозим.

Шунингдек, Л.С.Виготский боланинг психик ривожланишида, таълимнинг етакчи роли ҳақидаги қонунни илгари сурди ва аниқ ифодалади: таълим ривожланишидан олдинда боради ва ўзининг орқасидан уни этаклайди.

Ўқув фаолияти болаларни хурсанд қилиши, уларга завқ бериб, қониқиш

ҳиссини уйғотиши керак. Илк болалик давриданок болаларда билишга қизиқишни тарбиялаш катта аҳамиятга эга. Чунки билишга итилишга инсон фаолиятининг аҳамиятли мотивларидан бўлиб, шахс ёналганлигининг англанганлигини акс эттиради, барча психик жараён ва функцияларга ижобий таъсир этади, қобилиятни фаоллаштиради, қизиқиш мавжуд ҳолатида барча инсоний кучлар кўзғалади. Буни айниқса, боғча боласининг ўқув фаолиятини ташкил этишда инобатга олиш керак.

Педагог ва психологлари олиб борган тадқиқотлари ўқишга бўлган қизиқишларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг асосий шароитини ажратиш имконини беради:

1. Ўқув фаолияти шундай ташкил этилиши керакки, бола унда фаол Жштирок этсин, янги билимларни мустақил тарзда қидириши ва “топиши”га ундалсин, муаммоли характерга эга бўлган саволлами эҳсин.

2. Ўқув фаолияти турли хил бўлиши керак. Бир хилликка эга бўлган материаллар ва бир хил усуллар болаларни тез зериктириб қўяди.

3. Бола берилаётган материалларнинг кераклилиги ва аҳамиятлилигини тушуниши керак.

4. Янги берилаётган материал илгари ўзлаштирилгани билан яхши боғланган бўлиши керак.

5. Жуда енгил бўлган ва ўта мураккаб материал қизиқиш уйғотмайди, ўқув топшириқлари боғча ёшидаги болалар учун қийин, лекин имконияти етадиган даражада бўлиши керак.

6. Боланинг барча ютуқларини ижобий баҳолаш лозим. Ижобий баҳо билишга нисбатан фаолликни рағбатлантиради.

7. Ўқув материаллари ёрқин ва эмоционал бўлиши керак.

А.П.Усованинг таъкидлашича, ўқитилаётган материални идрок қила олмаслик ҳодисаси ҳаракатнинг усул ва воситаларида ўта осонлик усулига асосланган, илгари кўрсатилган нотўғри тарбиявий таъсирнинг асорати натижасидир.

Айни вақтда кўпинча таълим олишга тайёрликнинг куйидаги таркибий қисмлари ажратилади:

1. Тафаккур қила олиш каби фаолиятнинг умумлашганлиги.

2. Амалий ва сўз мантикий томонларининг ўзаро мувофиқлигини белгиловчи тафаккумининг англанганлиги.

3. Тафаккур фаолиятининг эластиклиги.

4. Тафаккур фаолиятининг барқарорлиги.

5. Тафаккурнинг мустақиллиги ҳамда унинг ёрдамга мойиллиги.

Ўқув фаолияти ривожланишининг асосий хусусиятлари

А.П.Усова боғча ёш давридаги болалар томонидан ўқув фаолияти ўзлаштирилганлигининг аниқ белгиларини кўрсатади. Ўзлаштиришнинг уч савияси ажратилиб, улар ўқув фаолияти ривожланганлигининг турли

даражаларини характерлайди.

1 -даражаси. Билиш фаолияти барча жараёнларининг маҳсулдорлиги ва мақсадга қаратилганлиги билан ўқишга нисбатан фаол ва қизиқувчан муносабат, ўзининг ҳаракатларини назорат қилиш ва эришилган натижаларини баҳолаш қобилиятига эгаллиги билан фарқланади. Ўзлаштирилганлар асосида болалар амалий ва ақлий фаолиятида қурби этадиган вазифалами эча олади.

2- даражаси - кучсизроқ ўқув фаолиятини эгаллашнинг барча кўрсаткичлари етарли ривожланмаган. Лекин шу билан бирга болалар таълимидаги баъзи бир эҳтимолий оғишишлар ҳам бундан мустасно эмас.

3- даражаси. Машғулотларда ташқи интизомнинг ўқув фаолияти шаклланишидаги бошланғич давр.

Тингловчиларга мактабгача тарбия муассаси тарбияланувчилари билан тафаккурни, қўл моторикасини, хаёлини ривожлантиришга йўналтирилган методикалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.

Мактабгача ёшдаги болаларга таълим бериш шакллари.

Тайёрлов гуруҳ болалари тафаккурини ўрганиш методикаси

Мазкур методика мактабгача ёшдаги болаларда тушунчалар, турли объектлар ўртасидаги сабабий боғланиш, ўхшашлик ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланганлигини ўрганиш учун хизмат қилади. У 20 та саволдан иборат. Тарбиячи-психолог болага ҳар бир саволни ўқиб беради ва боланинг жавобини қайд этади. Ҳар бир саволдан сўнг қавсдан тўғри жавоб келтирилган.

Саволлар.

1. От каттами ёки итми? (от)
2. Эрталаб нонушта қиламиз, пешиндачи? (тушлик)
3. Кундузи ёруғ, кечаси-чи? (қоронғу)
4. Осмон ҳаво рангда, ўтлар – чи? (яшил)
5. Гилос, нок, олма, олхўри – булар нималар? (мева)
6. Нима учун ҳали поезд ўтмасдан шлакбаум туширилади? (машиналарни тўхтатиб туриш учун)
7. Тошкент, Самарқанд, Бухоро – булар нима? (шаҳар)
8. Соат неча бўлди? (болага соат кўрсатилади?)
9. Сигирнинг боласи бузоқ, итнинг боласи кучукча, қўйнинг боласи-чи? (қўзичоқ)
10. Ит кўпроқ товукқа ўхшайдими ёки мушукками? (мушукка)
11. Нима учун автомобилларда тормоз бор? (машинани секинлаштириш маъносидаги ҳар қандай жавоб тўғри бўлади)
12. Болға билан болта нимаси билан бир - бирига ўхшайди? (ўхшаш вазифаларини бажарувчи асбоблар мазмунидаги ҳар қандай жавоб тўғри)

13. Олмахон билан мушук нимасига кўра ўхшайди? (камида иккита ўхшаш белги санаб ўтилиши керак)
14. Мих билан винтнинг нима фарқи бор? (михнинг усти текис, винт ғадир – будур, мих болға билан қоқилади, винт бураб киритилади)
15. Футбол, теннис, сузиш – булар нималар? (спорт, физкультура)
16. Қанақа транспортларни биласан? (камида иккита ҳар хил транспорт санаб ўтилиши керак)
17. Қари одам ёшдан нимаси билан фарқланади? (камида иккита муҳим фарқли белги санаб ўтилиши керак)
18. Одамлар нима учун спорт билан шуғулланади? (соғлом бўлиш учун, бақувват бўлиш учун, кучли бўлиш учун, ғалаба қозониш учун, чемпион бўлиш учун)
19. Одамлар ишламаса нима бўлиши мумкин? (нарсалар ярата олмайдилар, нарсалар сотиб ололмайдилар, қийналиб яшайдилар каби жавоблар)
20. Одамни нима учун қамаб қўядилар? (ёмон иш қилгани учун мазмунидаги ҳар қандай жавоб, бошқаларга зарар етказмаслиги учун деган жавоб тўғри).

Натижаларни қайта ишлаш.

Агар боланинг жавоби тўғри жавобга мос келса, унга 0,5 балл, қисман тўғри келса 0, 25 балл қўйилади. Жавобни баҳолашдан аввал болага саволни тўғри тушунтирилганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Зарурат туғилганда психолог айрим сўзларнинг маъносини изоҳлаб бериш лозим (масалан, шлакбаум сўзи изоҳ талаб қилиш мумкин).

Натижаларни баҳолаш.

10 балл – жуда юқори даражада

8 – 9 балл – юқори даража

4 – 7 балл – ўрта даража

2 – 3 балл – паст даража

0 – 1 балл – жуда паст даража


Маида қўл моторикасини ривожлантирувчи машқ.

Ушбу методика мактабгача ёшдаги болаларнинг қўл моторикасини, тафаккури, идрокини ривожлантиришга қаратилган. Унда бола расмдаги нуқталарни қалам билан бирлаштиради ҳамда тугалланмаган шаклни давом эттиради. Методика 5-6 ёшдаги болалар учун мўлжалланган.

Методика қуйидагича ўтказилади: Болага аввал А) вариантда берилган айланаларни қалаб билан бирлаштириш таклиф этилади. Бажарилиш вақтида нуқталарни бирлаштиришдаги нуқсонлар кузатиб борилади. Чизиш учун

5 дақиқа вақт ажратилган. Бола топшириқни қай даражада бажарганига қараб унга кейинги **В)** яъни баргларнинг расмини чизиш берилади. Бунинг учун болага 8 дақиқа вақт берилади. **С)** вариантдаги топшириғимиз мураккаброқ берилган бўлиб, унда тафаккур ва идрок жараёнларининг қай даражада ривожланганлиги аниқланади. Конвертларни чизиш учун 5-8 дақиқа вақт берилади.

Кўрсатма: Сиз ҳозир қуйида келтирилган расмларни қалам билан бирлаштириб чиқасиз. Фақат буни шошмасдан, белгиланган нукталардан ташқарига чиқмасдан чизишга ҳаракат қилинг.



Натижалар таҳлили:

Агар бола берилган расмларни ўз вақтида, тартиб билан бирлаштира 9 балл берилади. Агарда вақтидан биров ўтиб, баъзи жойларида белгиланган нукталарда чиқиб кетса 6 балл берилади. Белгиланган муддатдан анча ўтиб, нотекис, бўяб бирлаштира 3 балл берилади.

Ривожланганлик даражаси:

9 балл - меъёрда ривожланган.


6 балл - биров сустроқ. Қўлларни машқ қилдириб туриш лозим.

3 балл - яхши ривожланмаган, қўл моторикасини ривожлантириш учун коррекцион ривожлантирувчи машшғулотлар талаб этилади.

Қарама қарши жуфтликларни бирлаштир методикаси

Методика диққат, идрок, майда қўл моторикаси, фазовий тасаввур, тафаккурни ривожланганлик даражасини аниқлашга ёрдам беради. Методикани бажариш давомида боладан қарама қарши жуфтликларни топиш ва уларни қалам билан бирлаштириш таклиф этилади.





Кўрсатма: Қуйидаги расмдаги қарама қарши жуфтликларни топиб бирлаштиринг.



Нукталарни бирлаштиринг методикаси

Ушбу методика мактабгача ёшдаги болаларнинг диққати, идроки, тафаккури, майда қўл моторикасини ўрганишга мўлжалланган. Унда бола расмнинг чап томонига қараб ўнг томондаги нукталарни бирлаштириши керак. Методикани бажариш учун 5 дақиқа вақт ажратилади.

Кўрсатма: Қуйидаги расмни чап томонига мос тарзда ўнг томонидаги нукталарни бирлаштиринг.



Натижаларни баҳолаш:

8-10-балл- бола барча нукталарни белгиланган вақт мобайнида чап томондаги расмга мос тарзда бирлаштиради.

6-7 балл- бола белгиланган вақт мобайнида 3 та расмдаги нукталарни бирлаштиради.

4-5 балл- бола белгиланган вақтдан ўтиб 2 расмдаги нукталарни

бирлаштирди.

2-3 балл- бола белгиланган вақт мобайнида 1 та расмдаги нуқталарни бирлаштирди.

0-1 балл- бола белгиланган вақтдан ўтиб нуқталарни нотекис, нотўғри бирлаштирди.

Ривожланганлик даражаси:

8-10 балл- жуда юқори, 6-7 балл- юқори, 4-5 балл- ўрта, 2-3 балл- паст, 0-1 балл- жуда паст.

3-амалий машғулот: Болаларда сезги ва идрокнинг ривожланиши.

1. Мактабгача ёшдаги болаларда сезги аъзоларининг ривожланиши хусусиятлари.

2. Кўриш, эшитиш, ҳид, таъм, тери сезгилари такомоллашувининг бола психик тараққиётига таъсири.

3. Сенсор тарбиянинг болалар идрок тараққиётига таъсири.

4. Болаларнинг вақт, фазо ва ҳаракатни идрок қилишлари.

Сезги ўз моҳияти жиҳатидан бирмунча содда психик жараён (акс эттириш жараёни) бўлишга қарамай, барча билимларимизнинг асосий манбаидир. Нарса ва ҳодисаларнинг айрим белгиларини, хусусиятларини акс эттиришдан иборат бўлган сезиш процессининг физиологик моҳияти машҳур физиолог И.М.Сеченов ва И.П.Павловларнинг анализаторлар ҳақидаги таълимотларида атрофлича очиб берилган. Академик И.П.Павлов организмнинг ҳиссий акс эттириш аппаратларини анализаторлар деб атади. Мана шунинг учун ҳар бир сезги органи анализаторларнинг барча қисмларини ўз ичига олади. Маълумки, академик И.П.Павлов таълимотига кўра, ҳар бир анализатор асосан уч қисмдан иборат:

1) Ташқи таъсирларни қабул қилиб олувчи периферик қисм (буни одатда рецептор деб юргизилади);

2) таассуротни марказга олиб боровчи (афферент) ва марказдан тегишли жавоб реакциясини олиб қайтувчи (эфферент) нерв толалари;

3) анализаторларнинг орқа ёки бош миядаги марказий қисми.

Сезги мана шу қисмларнинг яхши ва равон ишлашига боғлиқдир. Анализаторларнинг биронта қисми ишдан чиқса, сезиш бўлмайди. Демак, сезишнинг физиологик асосида анализаторлар ишидан иборат бўлган организмнинг рефлексор фаолияти ётади.

Анализаторларнинг асосий вазифаси организмга таъсир этаётган турли кўзговчиларни айрим бўлақларга ажратишдан, яъни анализ қилишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам сезги органлари анализаторлар деб аталади.

Сезги ва идрокнинг ривожланиши бошқа, тобора қийинроқ бўлган билиш жараёнларининг (хотира, хаёл, тафаккур) пайдо бўлиши учун замин яратади. Ривожлантирилган сенсорика замонавий одамнинг амалий фаолияти такомиллашувининг асосидир.

Рус психологларининг нуқтаи назарлари бўйича сенсор ривожланиш янги, болада илгари бўлмаган сенсор жараёнларни шакллантиришдир. Албатта,

анализаторларнинг такомиллашуви (эшитиш, кўриш, тери туюш, ҳид билиш ва сезги ва идрок ривожланишининг зарур шартларидан ва унинг ролини рад этиш мумкин эмас. Лекин бу фақат сенсор ривожланишнинг органик имконияти, шarti бўлмай, бироқ буларнинг барчаси сезги тажрибасини эгалламай туриб содир бўлмайди. Тафаккур, нутқ сенсор тажриба ортиши натижасидир. Сенсор эталон бўлиб мусиқий товушлар (до, ре, ми...), она тилининг товушлар системаси, геометрик фигура, ранглар ва б. хизмат қилади. Сенсор намуналарни ўлчов тизими тарзида эгаллаш идрокни сифат жиҳатидан ўзгартиради.

Бола сезгисининг асосий турлари ва унинг ривожланиши ва идроки.

Бола тараққиётининг дастлабки биринчи йилида идрок ривожланиши йўли анча мураккабдир. Бу давр мобайнида жуда кўп ўзгаришлар рўй беради, биринчи ўринда бу ўзгаришлар сезгирлик соҳасида содир бўладиган ривожланишга тааллуқлидир.

Бутун боғча ёш даври мобайнида кўз сезгирлигининг ўткирлиги ортади. Шунингдек, кўз ўткирлиги даражаси фаолият шароитига боғлиқлиги ҳам аниқланган - ўйин вазиятида тадқиқот ўтказилганда ўзнинг ўткирлиги сезиларли тарзда ортади.

Боғча ёш даврида рангларни фарқлашда ҳам анча ўсиш кузатилади: аниқ ва тиниқлиги ортади. З.М.Истоминанинг тадқиқотлари бола ҳаётининг иккинчи йилида ихтиёрсиз тарзда тўртта асосий рангларни фарқлайди: қизил, сариқ, кўк, яшил. Оралиқ рангларни дифференцировка қилишда, яъни қовоқ ранг, ҳаво ранг ва сиёҳ рангларни ажратишда бироз қийналади.

Эшитиш сезгирлиги ҳам боғча ёшдагиларда ўзига хос тарздаги хусусиятларга эга. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, эшитишнинг нозиклиги 13 ёшгача бўлган болаларда катталарникига нисбатан анча паст бўлади ва бу ёш ортиши билан ўсиб боради. Боғча ёш даврида шунингдек товушларнинг баландлигини фарқлаш қобилияти ҳам ривожланади. Бирок, фонематик (оғзаки) ва мусиқани эшитиш параллел тарзда шаклланмайди. Фонематик эшитиш биринчи йилнинг охирларига бориб ривожланиб боради ва боғча ёш даврининг дастлабки босқичларида ўз она тилининг деярли барча товушларини амалий фарқлай олади. пассив нутқ билан бир қаторда фаол нутқни ҳам эгаллайди.

Бу даврда ҳид билиш сезгиси ҳам ривожланади. Катта гуруҳ болалари ҳидларни фарқлашда кам хатоликларга учрайди, аниқроғи уларни аниқроқ номлайди. Тери туйиш ҳамда оғирликни сеза олиш хусусияти ҳам ривожланади. 4 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларда бу қобилият тахминан икки баробарга ортади.

А.Я.Колоднаянинг тадқиқотлари кўрсатишича, фазода мўлжал олишнинг ривожланиши болани ўз тана аъзоларининг фазовий муносабатларини дифференцировка қилишдан ўнг, чап қўлини, жуфт тана қисмларини ажратиб номлашдан бошланади. Идрок жараёнига сўзнинг қўшилиши, мустақил нутқни ўзлаштириши сезиларли даражада фазовий муносабатлар, йуналишлар ҳақидаги билимларининг мустаҳкамланишига ёрдам беради (Д. А.Люблинская , А.Я.Колодная,Е.Ф.Рыбалко ва б.).

Баъзи чет эл психологлари 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар шаклини

фарқлашга жуда ожизлар ва улар предметни идрок қилишда одатда рангига таянадилар. ААЛюблинская ва Н.Х.Швачкин ва болаларнинг олиб борган тадқиқотлари хатто кичик боғча ёш давридаги болалар ҳам таниш предметларни идрок қилишда, шаклга - предметнинг мазмун ва моҳиятидан ажралмас бўлган бирор бир белгисига асосланадилар, деган хулоса чиқариш имкониятини берди. Бироқ шаклни ажратиб, мавҳумлаштиришни бунчалик тез бажара олмайди.

Кичик боғча ёш давридаги бола геометрик шаклни идрок қила туриб одатда уни бирор бир предмет билан ўхшатади (квадратни кўпинча "дераза", "кубик" ва б. деб; айланани - "копток", "ғилдирак" каби номлайди).

Ўрта ва катта боғча ёшидагилар дуч келган шаклни фарқлаш зхтиёжини сезадилар. Улар кўпинча предмет нимага ўхшаши ва уларда мавжуд тушунчалар орасидаги бошқа турли шакллардан нимаси билан фарқланишини аниқлашга уринишади.

Вақтни идрок қилиш болалар учун анча кийинчиликни уйғотади ва буни тушуниш ҳам мумкин. Ахир вақт кўргазмали шаклга эга эмас, утиб кетувчи, қайтарилмас, уни идрок қилиш субъектив ҳолатга боғлиқ ҳамда шахсий характерга эга.

Сутка қисмларидан болалар эрталаб ва кечқурунни осонроқ тун ва кунни эса бироз қийналиб идрок қилишади. Дастлаб бола вақтнинг сифат белгиларига асосланиб, кетма-кетликда ва систематик тарзда кечадиган ҳодиса, фаолиятлар ҳисобига, кун тартибига қараб (эрталаб - "бу нонуштагача", кун - "куннинг ўртаси, яъни тушлик вақти", кечқурун онам ишдан чиқиб мени олиб кетадиган пайти") мўлжал оладилар.

Кўпинча илк ёш ва кичик боғча ёш даврида вақтни мулжаллашдаги хатоликлар билан боғлиқ чалкашликлар содир бўлади.

Ҳафта кунларини тартибсиз тарзда ўзлаштирадилар. Боғчага борувчи катта ёшдагилар «Ҳафта кунларидан қайси бирларини биласан?» деган саволга кўпинча шанба, якшанба. ва душанбани - эмоционал бой, улар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган кунларни аташадилар (шанба ва якшанбани - оила аъзолари билан бирга) ўтказадилар; душанба – яна дўстлари, тарбиячи, табиат бурчагидаги ҳайвонлар билан учрашувни кутаётган боғчага берадилар).

Ҳозирги замон ҳақидаги тушунчалар эрта шаклланишни бошлайди, ўтган замон ҳақидаги тушунчалари эса ҳали аниқ эмас (айниқса кичик боғча ёшдагиларда).

Бироз кечроқ болалар мақсадли ҳаёт учун катта аҳамиятга эга бўлган келгуси замонни ўзлаштиришни бошлайдилар. Эртанги кунга назар ташлаш, режаларни тузиш "эртанги кун"ни, келажакни англамай туриб бўлиши мумкин эмас.

Келгуси замон ҳақидаги элементар тушунчаларнинг шаклланиши ҳаётининг учинчи йилига, яъни "қиламан", кейинчалик эса янада аниқроқ бўлган "кейин", "эртага", "сал туриб" каби сўзларнинг пайдо бўлиш даврига тўғри келади.

Психологлар боладаги вақт ва фазони идрок қилишдаги умумийликни эътироф қиладилар. Махсус тадқиқотлар тушунчалардаги умумийлик боланинг

дунёни ягона вақтли-фазовий комплексда акс этгир олиш қобилиятига эга эканлигидандир, деган фикрга асос бўла олади.

Рус психологлари бадий идрокнинг ривожланиши шахс ривожланишининг натижаси сифатида куришади. У инсонга туғма равишда берилмайди. Бола санъат асарини аннан шу тарзда дарҳол идрок қила олмайди; ривожланишнинг дастлабки поғоналарида бола учун унга нисбатан ҳаракатли (расмдаги тасвирни болалар ушлаб, пайпаслаб кўрадилар, уни ушлаб кўрадилар ва ҳоказо). Бироқ бадий идрокнинг илк куртаклари боғча ёш даврида намоён бўла бошлайди.

Таълим ва тарбия ушбу инсонга хос бўлган қобилиятларнинг ривожланишида ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Француз психологи А.Бине ва немис психологи В.Штерн болалар томонидан расмларни идрок қилишнинг гуёки бир-бирини тўлдирувчи ва мазкур тартибдагина содир бўлувчи босқичларини ишлаб чиқадиладар. А.Бинэ идрокнинг қуйидаги босқичларини ажратади:

1) предметларни тарқоқ тарзда ҳисоблаш (3 ёшдан 7 ёшгача);

2) расмдаги предметлар орасидаги алоқани илғаган тарзда таҳлил қилиш босқичи (7 ёшдан 11-12 ёшгача);

3) расмни бутунлай тарзда таҳлилий идрок қилиш босқичи (ўсмирлик давидан). Шунга ўхшаш босқичларни В.Штерн ҳам кўрсатган.

С.Виготский экспериментал йўл билан В.Штерн томонидан илгари сурилган идрок босқичлари расмларни идрок қилишни эмас, балки идрок ҳамда нутқ ривожланишининг маълум бир босқичидаги ўзаро муносабатини изоҳлайди, деган таҳлилини билдиради. Бадий идрокда тасвирнинг мазмунини тушунишда асарнинг композицияси, расмнинг мазмуний ва структуравий моҳиятининг мувофиқ келиш даражаси катта аҳамиятга эга.


Эстетик идроки боланинг турли хил бадий ҳамда кундалик фаолияти давомида ривожланади. Катталар томонидан тўғри тарзда раҳбарлик қилиши боғча ёш давридаёқ эстетик идрокнинг анча юқори даражага кўтарилишига олиб келади.

Инсонни инсон томонидан идрок қилиш каби мураккаб бўлган психик жараён идрок қилувчининг ўзининг ривожланиши билаи баробар тарзда унинг мулоқотдаги эҳтиёжининг ўзгаришида, билишда ҳамда меҳнатда шаклланади. Ҳаётининг биринчи ойи охири, иккинчи ойининг бошида бола катталарни ўраб турган муҳитдан ажралади, дастлаб жилмайиш билан, кейинчалик унга нисбатан жонланиш комплекси билан. Ушбу ижтимоий-перцептив жараён гўдаклик ва илк болалик даврида фаол тарзда ривожланади.

Боғча ёш даврида инсонни идрок қилиши фаол тарзда шаклланишда давом этади. Буни эса янги фаолият турларини (айниқса жамоа) бола томонидан ўзлаштирилиши, мулоқот доирасининг кенгайиши ва носитуатив шахсий мулоқотнинг пайдо бўлиши таказо этади. Бола томонидан инсонни акс этиришнинг фаол шакли бу ўйиндир. Унда бола ўз яқинларининг образларини яратади. Айнақса, боланинг тасвирий ижоди инсонни идрок қилишнинг яққол намунасидир. Боланинг қандай кишиларни тасвирлаб беришига, уларнинг образларини қай тарзда очиб чиқишига қараб маълум бир

маънода боланинг уларга нисбатан муносабатига баҳо беришимиз, инсондаги нимадан осон таъсирланади, нимага кўпроқ диққатини қаратади каби саволларга жавоб топишимиз мумкин.


Идрок этиш учун тавсия этиладиган шакллар



Шаклларни ўчиринг методикаси

Қуйидаги методика 5-6 ёшли болалар учун мўлжалланган бўлиб, диққат, идрок, тафаккурни ривожланганлик даражасини аниқлашга ёрдам беради. Методика давомида бола намунада келтирилган шаклларни жадвалдан топиб ўчириши керак. Топшириқни бажариш учун 6 дақиқа вақт ажратилган.

Кўрсатма: Намунада келтирилган шаклларни қуйидаги жадвалдан топинг ва ўчиринг.



Натижаларни баҳолаш:

5-6-балл- бола барча шаклларни белгиланган вақт мобайнида топди ва ўчириб чиқди.

3-4 балл- бола белгиланган вақтдан ўтиб шаклларни топди ва ўчирди.

1-2 балл- бола белгиланган вақтдан ўтиб намунада келтирилган шаклларни

барчасини топа олмади, топшириқни яқунламади.

Ривожланганлик даражаси:

5-6 балл- жуда юқори, 3-4 балл- яхши ривожланган, 1-2 балл- паст ривожланган.

“Бу кимнинг уйчаси?” методикаси

Методика диққат, идрок, хотирани ривожланганлик даражасини аниқлашга йўналтирилган бўлиб, 4-6 ёшдаги болалар учун мўлжалланган.

Аввал болаларга 10 сония мобайнида 1-расм кўрсатилади. Унда хайвончалар ўзларининг уйчаларида жойлаштирилгани кўрсатилган. Сўнг расмни олиб қўйиб 2-расм кўрсатилади. Унда хайвончалар уйчаларидан ташқарида тасвирланган. Бола хайвончаларни қайси уйда яшашини топиб, уйча билан хайвончани қалаб билан бирлаштириб қўйиши лозим. Бунинг учун болага 40 сония вақт берилади.

Кўрсатма: Ҳозир сизга 1-расм кўрсатилади, сиз 10 сония мобайнида қайси хайвонча қайси уйчада жойлашганини кўриб олишингиз лозим. Сўнг расм олиб қўйилади ва 2-расм кўрсатилади. 2-расмда хайвончалар уйчаларидан ташқарида тасвирланган. Сиз ҳар бир хайвончага уйчасини топиб беринг ва қалам билан бирлаштиринг. Бунинг учун сизга 40 сония берилади.

1-расм.



2-расм



Натижаларни баҳолаш:

8-балл- бола белгиланган вақт мобайнида барча хайвончаларни уйчаларини тўғри топди ва бирлаштирди.

6-7 балл- бола белгиланган вақт мобайнида 3 та ҳайвончани уйчасини тўғри топди ва бирлаштирди.

4-5 балл- бола белгиланган вақтдан мобайнида 2 та ҳайвончани уйчасини тўғри топди ва бирлаштирди.

2-3 балл- бола белгиланган вақт мобайнида 1 та ҳайвончани уйчасини тўғри топди ва бирлаштирди.

Ривожланганлик даражаси:

8 балл- юқори ривожланган, 6-7 балл- яхши ривожланган, 4-5 балл- ўртача ривожланган, 2-3 балл паст ривожланган.

4-амалий машғулот: Болаларда хотиранинг ривожланиши

1. Мактабгача ёшдаги бола хотирасининг хусусиятлари.

2. Мактабгача ёшдаги боланинг образ ва сўз-мантиқ хотирасини ривожланиши.

3. Хотирани ривожлантирувчи машқ ва ўйинлар ўтказиш.

4. Амалиётда мактабгача ёшдаги болаларнинг эшитиб ва кўриб эсда олиб қолиш хотирасини текшириш бўйича тажриба ўтказиш.

5. Хотирани ривожлантирувчи машқ ва ўйинлар тузиш.

Идрок қилинган нарса ва ҳодисаларни, кечирилиш туйғу, ўйлаган фикр, қилинган ҳаракатларни эсда қолдириш, эсда сақлаш ва кейин эсга туширишдан иборат бўлган психик жараёндир. Хотира жараёни олий нерв фаолияти билан боғлиқ. Нерв системалари жуда эгилувчан ва таассуротларга берилувчандир. Шунинг учун болаларда вақтли боғланишлар ҳосил бўлади.

Одамнинг бутун ақлий тараққиёти асосан хотиранинг тараққиётидан иборат экан, хотира бола ҳаётининг дастлабки кунларидан бошлаб ривожлана бошлайди. Болада хотиранинг дастлабки аломатлари яқин атрофидаги одамларни ва нарсаларни танишида кўрина бошлайди. Буни биз бола ўзига таниш бўлган нарсани курганида қиладиган ҳаракатларидан куришимиз мумкин. Масалан, бола ўзига яқин одамни курганида унга талпинади ёки нотаниш одамдан ётсирайди. Кичик ёшли болаларда таниб олиш қобилиятининг борлиги, идрок қилган нарса ва ҳодисаларини эсда олиб қолиш имконини беради.

Ёшига тўлгач, болада хотиранинг мураккаб турлари, яъни эслаш вужудга кела бошлайди. Болалар бу даврдан бошлаб илгари идрок қилган нарса ва ҳодисаларни эслай оладиган бўладилар. Бунда болалардаги тасаввурларнинг роли ниҳоятда каттадир. Тасаввурлари туфайли болалар ўтган нарсаларни бемолол эслай оладилар, масалан, болага кўз ўнгида бўлмаган нарсанинг номини айтсангиз, у кўзлари билан чор атрофга қараб шу нарсани излай бошлайди.

Бола хотирасининг ривожланишида нутқнинг ўсиши жуда катта аҳамиятга эга. Бу даврда бола нарса ва ҳодисаларни фақат бевосита куриш орқали эмас, балки шу нарса ва ҳодисаларнинг номлари орқали ҳам идрок қила оладиган бўлади. Бундан ташқари катталардан сўраб билиб олиш, эшитиш орқали ҳам ўз хотираларини бойтадилар.

Илк болалик давридаги болаларда хотиранинг барча жараёнлари кўрина бошлайди. Масалан, кичик ёшдаги бола даставвал механик равишда, яъни маъносига тушунмасдан эсда олиб қолаверадилар. Бунинг ўзиги хос жиҳати бор, албатта. Биринчидан, юқорида айтиб ўтганимиз каби болаларда турмуш тажрибаси жуда оз бўлади, улар кўп нарсаларни ҳали мутлако билмайдилар, лекин ҳаётда тўқнаш келганлари сабабли эсларида олиб қоладилар. Иккинчидан, болалар нерв системанинг пластиклиги, яъни жуда эгилувчанлиги катталарникидан ҳам устунроқ бўлади. Ана шу сабабли болаларга механик эсда олиб қолиш ҳеч қандай қийинчилик тугдирмайди.

Болаларда маъносига тушуниб эсда олиб қолиш ҳам жуда эрта ривожлана бошлайди. Масалан, илк болалик давридаги болалар ўзлари ёқтирган ҳикояларни маъносига тула тушунган ҳолда эсларида олиб қоладилар. Бу ҳикоялардаги айрим қаҳрамонларни севадилар, баъзиларини эса ёмон кўрадилар. Умуман, ҳикояларнинг мазмуни болаларга таъсир қилиб, уларда маълум туйғу-ҳиссиётларни уйғотади, бу эса болалар ҳикоянинг мазмунини тушунаётганликларидан дарак беради.

Илк болалик давридаги болаларда дастлаб ихтиёрсиз эсда олиб қолиш ва ихтиёрсиз эсга тушириш вужудга келади. Улар ўзларини бирон жиҳатдан қизиқтирган, диққатларини ўзига тортган нарса ва ҳодисаларни беихтиёр равишда эсларида олиб қоладилар. Бирон нарсани эслаш, эсига тушириш ассоциация тарзида намоён бўлади. Уларни ўзлари атайлаб эсга туширмайдилар. Ўйин фаолиятида бирон нарсани эслаш лозим бўлиб қолганда, ассоциация тариқасида бошқа шунга ўхшаш нарсалар ҳам беихтиёр эсларига тушаверади.

Мактабгача ёшдаги болаларда ашула, ритмли шеър, қизиқарли ҳолатлар чуқур таъсир этадиган нарсалар беихтиёр эсда қолаверади. Нерв системасини янги кўзғалувчан бўлгани учун вақтли боғланишлар беқарор бўлади, яъни мустаҳкам бўлмайди. Шунинг учун бу ёшдаги болалар тез унутувчан бўладилар. Болалар катта бўлишгани, нутқлари ривожлангани сари улар ўзларига керакли нарсаларнигина эсда олиб қоладиган бўладилар.

Уларда механик эсда сақлаб қолиш, мантиқий эсда сақлаб қолиш каби жараёнлар мактаб даври яқинлашган сари кўринади.

Мактабгача даврдаги болалар образли хотира, яъни эшитганларидан кўра кўрганларини яхши эслаб қоладилар. Эмоционал хотира ҳам ривожлана бошлайди.

“Кўғирчоқни топ” машқи 1,5 ёшдан 4 ёшгача бўлган болалар учун.

Болага маълум бир кўғирчоқни қаерда турганини кўриб олиши айтилади, сўнг болани тесқари қаратиб туриб кўғирчоқни жойи алмаштирилади. Болага кўғирчоқ аввал қайси жойда турганини кўрсатиш таклиф қилинади.


“Ким кўпроқ эслаб қолади?” 2 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар учун.

Болаларга турли расмлар кетма кетлик билан кўрсатиб борилади. Сўнг улар нималарни эслаб қолганларини айтиб беришлари керак. Ким кўп нарсани эслаб қолган болса шу бола ғолиб бўлади.

“Ўхшашини топ” машқи.


Болаларга аввал намунадаги расмлар кўрсатилади, сўнг уларни беркитиб

қуйидаги вариантлардан намунада кўрсатилганини топиш талаб қилинади.



“Ёдингда қолгани бўйича бўя” машқи.

Болаларга аввал юқоридаги расмлар кўрсатилади, улар барча расмларнинг рангини эслаб қолиб сўнг пастдаги расмни бўяшлари керак.



5-амалий машғулот: Болаларда тафаккурнинг ривожланиши

1. Мактабгача ёшдаги болалар тафаккурининг хусусиятлари
2. Мактабгача ёшидаги боланинг кўрғазмали-ҳаракат, кўрғазмали-образли ва мантикий тафаккури ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.
3. Тафаккурнинг тараққиётида фаолият турларининг аҳамияти.
4. Мантикий тафаккурни ривожлантирувчи машқ ва ўйинлар тузиш.

Тафаккур ижтимоий ҳаёт шароитида шаклланадиган жараён бўлиб, у даставвал кенг предметли фаолият сифатида намоён бўлади. Кейинчалик у «ақлий» хатти-ҳаракат характери олиб олувчи шаклга айланади. Тафаккур инсон билиш фаолиятининг олий шакли сифатида атроф олами умумлаштирган ҳолда воситали акс эттириш имконини беради, предметлар билан ҳодисалар ўртасида алоқа ва муносабатларни ташкил қилади.

Тафаккур — янгиликни қидириш ва очишдан иборат психик жараён. Бу янгилик субъектив бўлиши мумкин, яъни уни кимлардир қачонлардир топган бўлиши мумкин, лекин субъект тафаккур жараёни ёрдамида ўзи учун уни янгидан кашф этади, акс ҳолда биз кўпроқ хотира, ўтган тажрибаларимизни қайта тиклаган бўламиз. Болаларни ўқитишда тафаккурнинг шу муҳим хусусиятини асос қилиб олиш мумкин.

Мактабгача тарбия ёши — психик ривожланишнинг интенсив босқичи ҳисобланади. Айнан мана шу ёшдан болада жуда катта сифат ўзгаришлари рўй беради, яъни психофизиологик функцияларнинг такомиллашувидан бошлаб, то мураккаб шахсий янги образларнинг пайдо бўлишигача бўлиб ўтадиган жараёнлар содир бўлади. Янги образларни ҳаёлий ҳодисаларни анализ қилиш мактабгача тарбия ёшидаги болаларга хосдир, аммо натижалар ҳамиша ижобий бўлмаса ҳам, болалар фаолиятини таҳлил қилганимизда, биз шу нарсага амин бўлдикки, болалар предметларни тасаввур қилибгина қолмай, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳам ҳаёлан тасаввур қилар экан.

Тасаввурнинг ривожланиши, тафаккурнинг шаклланаётган жараёни билан тавсифланади, бу шаклланиш боланинг ҳаёлий тасаввурларининг ихтиёрий кўрсаткичлари билан боғлиқдир. Бундай имконият 5-6 ёшли болаларда янада юқорироқ бўлади, чунки, бола янги ақлий ҳаракат усулларини жуда тез ўзлаштириб олади. Ақлий фаолиятда янги усулларнинг шаклланиб бориши, ташқи предметларнинг ҳаракатини ўзлаштириб олишдаги бола ҳаракати, таълим ва тарбия жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг образли тафаккурини ривожланиши учун энг мақбул имконият давридир.

4-5 ёшли болаларда кўникма ва малакаларнинг ривожланиши ҳамда шаклланишида интенсивлик кўзга ташланади, бу эса ташқи муҳитни ўрганишга замин яратади. Ақл ривожланишидаги бундай кўрсаткич, кўрғазмали ҳаракат тафаккурга «тайёргарлик даври» ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида болани ташқи ва уни ўраб турган атроф-муҳитни ўрганиш жараёнида фактларга асосланган ҳолда тасаввур ва тушунчага эга бўла олишига кўмак беради.

Кўргазмали-ҳаракат тафаккур тури, тафаккурнинг янги турларини шаклланишига, яъни кўргазмали-образли тафаккурнинг ривожланишига хизмат қилади. Бундай жараён шу билан таърифланадики, бола муаммоли вазиятларнинг ечимини тасаввурлар шаклида қабул қилган ҳолда амалий ҳаракатларни қўлламайди. Мактабгача тарбия ёшининг сўнгида кўргазмали - образли тафаккурнинг энг юқори формаси кўргазмали-схематик тафаккурнинг ривожланиши кўзга ташланади.

Кўргазмали-схематик тафаккур ташқи муҳитни ўзлаштириб олиш учун жуда катта имкониятлар яратади, яъни ҳар хил предметларни ва ҳодисаларни умумлаштиришнинг модели учун манба бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари тафаккурнинг кўргазмали-схематик формаси, мантиқий тафаккурни ривожлантиришнинг асосий негизи ҳамдир.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, 5-7 ёшли болалар муаммоли вазиятларни ечимини топишда масалага тафаккурнинг уч хил формаси билан ёндашар экан. Булар:

- кўргазмали - ҳаракат тафаккур;
- кўргазмали - образли тафаккур;
- мантиқий тафаккур.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда асосан образли сўз мантиқли ва кўргазмали-ҳаракатли тафаккур тури ривожланган бўлади. Сўз мантиқ тафаккур тури эса мактабгача тарбия ёшидаги болаларда энди ривожланиш даврида бўлади. Мана шунинг учун ҳам мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг интеллектини диагностика қилиш учун, биринчи навбатда образли сўз мантиқли ва кўргазмали-ҳаракат тафаккур турларига эътибор қаратиш керак.

Биз баён қилаётган психодиагностик методикалар тафаккурнинг айнан мана шу икки турига тааллуқлидир.

Образли - сўз-мантиқ тафаккур ҳам, кўргазмали-ҳаракат тафаккур ҳам ўзига хос бир қанча хусусиятларга эга. Ушбу хусусиятлар ҳар хил топшириқлар ечимини излаш босқичларида намоён бўлади. Мана шу боғланишлар ва муносабатлар туфайли болалардаги образли - сўз-мантиқ ва кўргазмали-ҳаракат тафаккурни диагностикалаш учун, биз ҳар иккала тафаккур туриви муқим жиҳатларини инобатга олган ҳолда, ушбу тафаккур турларига бештадан методика тавсия қиламиз.

Кичик ва катта мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг интеллектуал тараққиёт кўрсаткичлари ёш давлари билан бир-биридан фарқланиши сабабли, ушбу методик мажмуага 3 ёшдан 4 ёшгача ва 4 ёшдан 5 ёшгача болаларнинг ёшидаги фарқларини инобатга олган ҳолда алоҳида ҳар хил вариантлар киритилган.

Энди ҳар иккала тафаккур турига тавсия қилинган методикаларга тўхталиб ўтамиз.

Образли, сўз-мантиқли тафаккур турини баҳолаш учун методикалар


«Мантиқсиз тасвирлар» методикаси

Ушбу методика ёрдамида болани атрофдаги борлик ҳамда ушбу моддий дунёдаги бир қанча объектларнинг орасида ўзаро боғланишлар ва муносабатлар

ҳақида элементар образли тасаввурлари: ҳайвонлар билан, уларнинг ҳаётий кўринишлари билан, табиат билан баҳоланади.

Ушбу методика ёрдамида боланинг мантиқий мулоҳазаси ва ўз фикрини грамматик жиҳатдан тўғри ифодалай олиши аниқланади. Методикани ташкил қилиш жараёни куйидагича олиб борилади:

1-расмда тасвирланган кўринишлар болага тавсия қилинади. унда ҳайвонлар билан боғлиқ бир қанча «мантиқсиз» ҳодисалар манжуд.



1- расм.

Болага расмни кўрсатиш жараёнида, унга куйидаги маънода кўрсатма, берилади: «Диққат билан ушбу расмдаги тасвирларни кўриб чиқ ҳамда биэга шуни айтчи, расмда ҳамма нарса ўз жойида чизилганми ва ушбу объектлар тўғри тасвирланганми? Агар сен қайсидир объектни ўз жойида тасвирланган эмас, деб ҳисобласанг, нима учун шундай бўлиш кераклигини тушунтириб бер ва сен биэга аслида қандай бўлиши кераклигини айтиб бер?».

Кўрсатманинг иккала қисми ҳам кетма-кетлик билан бажарилади. Биринчи навбатда бола хатоларни айтиб беради ва расмларда кўрсатиб беради, сўнгра ҳақиқатдан қандай бўлишлигини изоҳлаб беради.

Расмларни кўриш ва топширикни бажариш вақти чегараланган, яъни уч дақиқа вақт берилади. Бу вақт мобайнида бола иложи борича мантиқсиз воқеликни кўпроқ топиши ва ҳақиқатдан қандай бўлиш кераклигини тушунтириб беради. Натижаларни баҳолаш

10 балл агар бола берилган 3 дақиқа мобайнида расмдаги ҳамма мантиқсиз тасвирларни (жами 7 та) аниқлаб ҳамда қониқарли тушунтириб бера олишга улгурса ва ҳақиқатдан қандай бўлишини шарҳлаб бера олса, ушбу баҳо қўйилади:

8-9 балл бола ҳамма мантиқсиз тасвирларни аниқлаб ва белгилаб чиқса, аммо бирдан учтагача тасвирни ҳақиқатдан қандай бўлишини шарҳлаб бера

олмаса қўйилади;

6-7 балл бола ҳамма мантиқсиз тасвирларни аниқлаб ва белгилаб чиқса, аммо 3 дан 4 гача тасвирни ҳақиқатдан қандай бўлишини шарҳлаб бера олмаса қўйилади;

4- 5 балл бола ҳамма мантиқсиз тасвирларни аниқлайди, аммо 5 - 7 тагача тасвирни чегараланган вақт мобайнида шарҳлаб беришга улгура олмаса қўйилади;

2-3 балл бола чегараланган вақт мобайнида 1 – 4 тагача тасвирни аниқлаб бера олмади ва шарҳдашга вақти етмаса;

0-1 балл — чегаралашан вақт мобайнида бола расмдаги 7 та мантиқсиз тасвирлардан 4 тасини топса қўйилади.

Изоҳ: 4 ва ундан юқори балл, агар бола берилган 3 дақиқа мобайнида топшириқни биринчи қисмини тўлик бажара олса, аммо уларни тушунтириб ва шарҳлашга улгура олмаса қўйиш мумкин.

Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса чиқариш:

10 балл — жуда юқори

8- 9 балл — юқори


4-7 балл — ўртача

2- 3 балл — паст

0-1 балл — жуда паст

«Йил фасллари» методикаси

Ушбу методика 3 ёшдан 4 ёшгача болалар учун мулжалланган. Болага 2-расм кўрсатилади ва ушбу расмларга диққат билан қараб, расмнинг ҳар бир қисмида йилнинг қайси фасллари тасвирланганлиги ҳақида сўралади. Топшириқни бажариш учун 2 дақиқа вақт берилади. Ушбу берилган вақт мобайнида бола нафақат йил фаслларини айтиб бериши, балки нима учун эканлигини ва фаслларнинг белгиларини кўрсатиб бера олиши ва ушбу қисмда айнан мана шу фаслга тегишли эканлигини асослаб бериши керак.



2-расм.

Натижаларни баҳолаш.

10 балл берилган вақт мобайнида бола расмдаги йил фаслларини бир бири

билан боғлиқ ҳолда тўғри айтиб бера олса ва ҳар бир йил фаслнинг иккитадан белгисини кўрсатиб бера олса (жами ҳар бир йил фаслининг 8 та белгисини кўрсатилса) қўйилади.

8-9 балл бола расмдаги ҳар бир йил фаслларини бир-бирига боғлиқ ҳолда тўғри айтиб берса ва йил фаслларининг умумий олганда 5- 7 тагача белгисини тўғри кўрсатиб бера олса қўйилади.

6-7 балл бола йил фаслларини тўғри аниқлаб, аммо ўз фикрини тасдиқловчи жами 3 - 4 та фасллари белгисини кўрсата олса қўйилади;

4-5 балл бола фақат йил фаслларининг фақат 2 тасини аниқлаб бера олса ва ўз фикрини тасдиқловчи жами 1-2 тагача йил фасллари белгисини кўрсатиб берса қўйилади;

0-3 балл бола йил фаслларининг бирортасини ҳам тўғри аниқлай олмаса ва бирорта ҳам фасл белгисини кўрсатиб бера олмаса (ушбу баллар боланинг йил фаслларини топишга ҳаракат қилганлигига боғлиқ ҳолда) қўйилади.


Тараққиёт даражасига хулоса чиқариш.

10 балл — жуда юқори

8-9 балл — юқори 6-7 балл — ўртача 4-5 балл — паст 0- 3 балл — жуда паст

«Бу ерда нима ортиқча?» методикаси

Ушбу методика 4 ёшдан 5 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган ва бундан олдинги методикага ўхшашдир. Бу методика болаларнинг образли, сўз-мантқиқли тафаккур жараёнининг анализ ва умумлаштириш операцияларини тадқиқ қилади. Методикада болаларга ҳар хил предметлар тасвирланган расмлар тавсия қилинади ва қуйидагича кўрсатма берилади: «Ҳар бир расмда тасвирланган 4 та предметдан бири ортиқча. Диққат билан расмга қараб, қайси бир предмет ортиқча ва нима учун ортиқча эканлигини тушунтириб бер». Топшириқни бажариш учун 1 дақиқа вақт берилади.



3-расм. Натижаларни баҳолаш.

10 - балл бола ўзига берилган топшириқни 1 дақиқадан кам вақтда бажариб, ҳар бир расмдаги ортиқча предметни нима учун ортиқча эканлигини шарҳлаб бера олса қўйилади;

8-9 балл бола топшириқни 1 дақиқадан 1,5 дақиқагача тўғри бажара олса қўйилади;

6-7 балл бола топшириқни 1,5 дақиқадан 2 дақиқагача тўғри бажара олса қўйилади;

4-5 балл — бола топшириқни 2 дақиқадан 2,5 дақиқагача тўғри бажара олса;

2-3 балл бола топшириқни 2,5 дақиқадан 3 дақиқагача тўғри бажара олса қўйилади;

0-1 балл бола 3 дақиқа мобайнида топшириқни тўғри бажара олмаса қўйилади.

Тараққиёт даражаси хақида хулоса чиқариш:

10 балл — жуда юқори


8-9 балл — юқори

- 4-7 балл — ўртача
- 2-3 балл — паст
- 0-1 балл — жуда паст

Методика «Расмларга қандай предмет етмайди»

Бу методика 3 ёшдан 4 ёшгача бўлган болаларнинг тафаккурини диагностик тадқиқ қилиш учун мўлжалланган. Топшириқни бажаришдан олдин бола билан тушунтириш ишлари олиб борилади, яъни унга расмлар кўрсатилишини ва бу расмларда болалар тасвирланганлиги, ушбу тасвирлар тўлиқ бўлиши учун қандайдир предметнинг етишмаслигини, бу предметлар расмнинг пастки қисмида тасвирланганлиги айтиб ўтилади.

Болага бериладиган топшириқнинг асосий моҳияти шундан иборатки, бола иложи борича расмдаги тасвирлар тўлиқ бўлиши учун зарур предметларни топиб кўрсатиб бериши керак.




4-расм. Натижаларни баҳолаш.

- 10 балл— топшириққа кетган вақт 30 сониядан кам бўлса қўйилади;
 - 8-9 балл — топшириқни бажаришга кетган вақт 31 сониядан 49 сониягача бўлса қўйилади;
 - 6 — 7 балл — топшириқни бажаришга кетган вақт 50 сониядан 69 сониягача бўлса қўйилади;
 - 4 — 5 балл — топшириқни бажаришга кетган вақт 70 сониядан 89 сониягача бўлса қўйилади;
 - 3 балл — топшириқни бажаришга кетган вақт 90 сониядан 109 сониягача бўлса қўйилади;
 - 0 - 1 балл — топшириқни бажаришга кетган вақт 110 сония ва ундан кўп бўлса қўйилади;
- Тараққиёт даражаси ҳақидаги хулоса 1,3 методика сингари чиқарилади.

«Гуруҳларга бўлиб кўрчи» методикаси

Ушбу методика 4 ёшдан 5 ёшгача бўлган болаларнинг образли сўз-мантикли тафаккурини баҳолаш учун мўлжалланган. Болага 5-расмдаги тасвирлар; кўрсатилиб, қуйидаги йўриқнома берилади:

«Диққат билан ушбу расмдаги тасвирларни кўриб чиқ ва уларни иложи борича кўп гуруҳларга бўляб чиқ. Ҳар бир гуруҳга, умумий белгиси бир хил бўлган фигураларни кирит ва ҳар бир фигуранинг номини айт, ҳамда қандай белгилар асосида бўлиб чиққанингни тушунтириб бер».



5-расм.

Топшириқни бажаришга 3 дақиқа вақт берилган.

Натижаларни баҳолаш.

10 балл — бола ҳамма фигураларни 2 дақиқадан кам вақтда гуруҳларга бўлиб чиқса қўйилади.

Бу фигуралар гуруҳи қуйидагича: учбурчак айланалар, квадратлар, ромблар, қизил фигуралар, (расмда улар қора рангда берилган), кўк фигуралар (улар тўғри чизик билан штрих қилинган), сариқ фигуралар (улар катаклар билан белгиланган), катта фигуралар, кичик фигуралар;

8-9 балл бола ҳамма фигураларни 2,0 дақиқадан 2,5 дақиқাগача бўлиб чиқса қўйилади;

6-7 балл — бола ҳамма фигураларни 2,5 дақиқадан 3,0 дақиқада бўлиб чиқса қўйилади;

4-5 балл — 3 дақиқа мобайнида бола 5 дан 7 гача гуруҳга бўлиб чиқса қўйилади;

2- 3 балл— 3 дақиқа мобайнида бола 2 дан 3 тагача гуруҳга бўлиб чиқса қўйилади;

0-1 балл—3 дақиқа мобайнида бола 1та гуруҳдан кўп гуруҳга бўла олмаса қўйилади.


Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса 1,3 — чи методика сингари чиқарилади.

Кўргазмали - ҳаракатли тафаккур турини баҳолаш учун методикалар

«Контурларни бирлаштириш» методикаси

Болаларга 6-7 расмлар кўрсатилади ва ушбу методикадаги топшириқнинг мақсади тушунтириб берилади, яъни қалам ёки ручка ёрдамида имкони борича

тез ва аниқ чап томондаги контурларни ўнг томонда берилган расмларга кўчириб чиқиш зарур. Бунда боланинг чизиқларни тўғри чизганлигига ва фигураларнинг бурчакларини аниқ бирлаштира олишига эътибор қаратиш зарурдир. Топшириқ бажариб бўлингандан сўнг пазифанинг тоза, аниқ ва тезлиги баҳоланади.



7-расм. Натижаларни баҳолаш.

Топшириқни бажариш тезлиги ва сифатига қараб балларда баҳоланади.

10 балл—бола ҳамма топшириқни бажаришга 90 сониядан кам вақт сарфлаб, фигураларнинг бурчаклари тўғри ва аниқ бирлаштира олса ҳамда чизиқлар берилган контурларга аниқ мос келса қўйилади;

8 - 9 балл— топшириқни бажаришга 90 сониядан 109 камчиликларнинг чизиқнинг тўғри сониягача вақт сарфланса, аммо қуйидаги бирортаси мавжуд бўлса: бир ёки иккита эмаслиги; Икки ёки учта чизиқлар фигура бурчаклари нотўғри бирлаштирилган бўлса; иккитадан тўрттагача чизиқлар контурдан ташқарига чиқиб кетган бўлса; тўрттадан бештагача фигура бурчаклари бирлаштиришда, ноаниқликка йўл қўйилган бўлса қўйилади;

6-7 балл— ҳамма топшириқни бажаришга 105 дан 120 вақт сарфланса, аммо қуйидаги камчиликларнинг мавжуд бўлса: уч ёки тўртта чизиқнинг эгрилиги: олтигача фигура бурчакларини нотўғри бирлаштирилганлиги; бештадан олтигача чизиқлар контурдан ташқарига чиқиб кетганлиги; олтиадан еттигача фигура бурчакларини бирлаштиришдаги ноаниқлик бўлса қўйилади;

4-5 балл — топшириқни бажаришга 120 дан 135 сониягача вақт сарфланса, аммо қуйидаги камчиликларнинг бирортаси мавжуд бўлса қўйилади: беш ёки олти чизиқнинг эгрилиги; еттиадан ўн гача бурчакларни нотўғри бирлаштирилганлиги; етти ёки саккизта чизиқнинг контурдан чиқиб кетганлиги; саккиздан ўн гача бурчакларнинг ноаниқ бирлаштирилганлиги;

2-3 балл — топшириқни бажаришга 135 дан 150 — сониягача вақт сарфланса қўйилади. Қуйидаги камчиликлардан бирортаси мавжуд бўлса: 7тадан 10тагача чизиқнинг эгрилиги; 11 тадан 20 тагача бурчакларнинг нотўғри бирлаштирилганлиги; 9тадан 10тагача камчиликларнинг контурдан ташқарига

чиқиб кетганлиги; 11тадан 17гача бурчакларнинг ноаниқ бирлаштирилганлиги;
0-1 балл — топшириқни бажаришга 150 сониядан кўп вақт сарфланса қўйилади. Бир ёки иккита чизиқдан ташқари, қолган чизиқларнинг нотўғри чизилганлиги; бир ёки иккита бурчакдан ташқари, қолган бурчакларни бирлаштиришдаги хатоликлар;

Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса чиқариш.

10 балл — жуда юқори.

8-9 балл — юқори

4-7 балл — ўртача

2-3 балл — паст

0-1 балл — жуда паст

«Лабиринтдан чиқиш, йўлини топ» методикаси

Ушбу топшириқца болаларга 8-расм кўрсатилиб, топшириқда лабиринтнинг тасвирланганлиги, унда стрелка билан лабиринтга кириш нуктаси ва чиқиш жойлари кўрсатилганлиги тушунтириб ўтилади. Бунда бола учли таёқчани олиб, расм ичидан юргизиб, лабиринтдан имкони борича тез чиқиб кетиши ҳамда таёқчани имкони борича аниқ юргизиб, лабиринт деворига тегиб кетмаслиги керак.



8-расм. Натижаларни баҳолаш.

10 балл — топшириқ бола томонидан 45 сониядан кам вақт мобайнида бажарилса, аммо бола таёқча билан лабиринт деворига бирор марта ҳам тегиб кетмаса қўйилади;

8-9 балл — топшириқ бола томонидан 45 сониядан 60 сониягача вақт мобайнида бажарилса, ўташ жараёнида 1-2 марта лабиринт деворига тегиб кетса қўйилади;

6-7 балл— топшириқ 60 сониядан 80 сониягача вақт мобайнида бажарилса ва лабиринтдан ўтиш жараёнида 3-4 марта лабиринт деворига тегиб кетса қўйилади;

4-5 балл— топшириқ 80 сониядан 100 сониягача бажарилса, бола

лабиринтдан ўтиш жараёнида, лабиринт деворига 5-6 марта тегиб кетса кўйилади;


2-3 балл топшириқ 100 сониядан 120 сониягача бажарилса, бола лабиринтдан ўтиш жараёнида, лабиринт деворига 7- 9 марта тегиб кетса кўйилади;

0-1 балл— топшириқни бажаришда 120 сониядан кўп вақт сарфласа ёки умуман бажара олмаса кўйилади;

Тараққиёт ҳақидаги хулоса 6 — методикадаги каби чиқарилади.

«Фигураларни қирқиб чиқ» методикаси

Ушбу методика 4-5 ёшли болаларнинг кўргазмали - ҳаракатли тафаккурини ўрганишга мўлжалланган. Топшириқнинг мақсади, қоғозга чизилган фигураларни тез ва аниқ қирқиб олишдан иборат. 9-расмда берилган 6 та квадратда ҳар хил фигура тасвирланган. Ушбу расмлар болага бир бутун ҳолатда берилмайди, балки ҳар бир квадратдаги расмлар алоҳида берилади. Бунинг учун тадқиқотчи расмларни олтига квадратга қирқиб чиқади. Болага ҳар бир квадратдаги тасвирлар кетма- кетликда берилади. (Расмлар тартиб рақами билан белгиланган) ва қайчи билан имкони борича, фигураларни тез ва аниқ қирқиб олиш керак.



9-расм. Натижаларни баҳолаш.

Методика натижаларини баҳолашда, бола топшириқни бажариш жараёнидаги вақт ва аниқликка эътибор қаратилади.

10 балл - ҳамма фигуралар бола томонидан 3 дақиқадан кам вақтда қирқиб олинса, ҳамма фигуралар контури андазадан 1 мм дан кўп фарқ қилмаса кўйилади;

8-9 балл - ҳамма фигуралар 3 дақиқадан 4 дақиқагача қирқиб олинса, ҳамда фигуралар контури аслидан 1 мм дан 2 мм гача фарқ қилмаса кўйилади;

6-7 балл - ҳамма фигуралар 4 дақиқадан 5 дақиқагача қирқиб олинса, ҳамда фигуралар контури аслидан 2 мм дан 3 мм гача фарқ қилмаса кўйилади;

4-5 балл - ҳамма фигуралар 5 дақиқадан 6 дақиқагача қирқиб олинса, ҳамда фигуралар контури аслидан 3 мм дан 4 мм гача фарқ қилмаса кўйилади;

2-3 балл - ҳамма фигуралар 6 дақиқадан 7 дақиқагача қирқиб олинса, ҳамда фигуралар контури аслидан 4 мм дан 5 мм гача фарқ қилмаса қўйилади;

0-1 балл - бола топшириқни 7 дақиқадан кўп вақт мобайнида бажара олмаса ҳамда қирқиб олинган фигуралар контури аслидан 5 мм дан кўп фарқ қилса қўйилади;


Тараққиёт ҳақида хулоса 6 - методикадаги каби чиқарилади.

«Тасвирларни кўчириш» методикаси

Ушбу методика 3 ёшдан 4 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган. Топшириқниг моҳияти пгундан иборатки, 10 расмда ўнг томондаги махсус тайёрлаб қўйилган квадратлар ичига, шу расмдаги, чап томонда берилган катаклар ичидаги тасвирларни кўчириш керак. Бунинг учун болага қора фламастер берилиб, қуйидагича кўрсатма берилади

«Ўнг томондаги катакларга, айнан чап томондаги фигураларга ўхшаш расмларни чизиш керак. Бунда иложи борича тоза ва бўяладиган жойларда бўшлиқ қолдирмасликка ҳамда фигуралар контуридан чиқиб кетмасликка ҳаракат қилиш керак».

Топшириқни бажаришга ажратилган вақт 5 дақиқа.



10-расм.

Натижаларни баҳолаш.

10 балл - бола ҳамма топшириқни 5 дақиқа мобайнида бажариб бўлди. Унда бўяладиган жойларда бўшлиқ қолмаса, чизилган фигуралар контури эса топшириқ андозасидан 1 мм дан кўп фарқ қилмаса қўйилади;

8-9 балл—бола топшириқни бажаришга 5 дақиқа вақт сарфласа, унда бўяладиган ҳар бир фигураларнинг 1-2 жойларида бўшлиқ қолса, чизилган фигуралар контури аслидан 1 мм дан кўп фарқ қилмаса қўйилади;

6-7 бал — бола топшириқни бажаришга 5 дақиқа вақт сарфласа, бўяладиган ҳар бир фигураларнинг 3-4 жойларида бўшлиқ бўлса, чизилган бир неча фигуралар контури аслидан 1,5 мм дан кўп фарқ қилмаса қўйилади;

4-5 балл — бола 5 дақиқада 4-5 фигурани бўяшга улгурса, аммо бўялган

фигураларнинг 5 дан 1 қисмидан кам жойларида бўшлиқ бўлса ва аслидан 2 мм гача фарқ қилмаса қўйилади;

2-3 балл бола 5 дақиқада 2-3 фигурани бўяшга улгурса, аммо бўялган фигураларнинг 5 дан 1 қисмидан кам жойларида бўшлиқ бўлса ва аслидан 2 мм гача фарқ қилмаса қўйилади;

0-1 балл — бола 5 дақиқада битта фигурани бўяшга улгурса ҳамда бўялган фигуранинг 4 дан бир қисмида бўшлиқ бўлса ва фигура аслидан 3 мм гача фарқ қилмаса қўйилади;

Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса чиқариш.

10 балл — жуда юқори

8- 9 балл — юқори

4- 7 балл — ўртача

2-3 балл — паст

0-1 балл — жуда паст

Топшириқни бажаришда хатога йўл қўядилар. Лекин улар бу тошнириқни тезроқ бажарадилар. 10-11 ёшли болалар қўлланмани яхши тушунадилар, ўз хатоларини ўзлари тузатадилар

Болаларнинг билиш фаолиятини ўрганиш учун ўйинчоқлардан фойдаланиш

Боланинг дастлабки тараққиётида ҳаракат ва фикрлаш жараёнларини диагностика қилиш мақсадида ўйинчоқлардан фойдаланиш ўта маҳсулдор усул ҳисобланади. Ўйинчоқ болага тўплаган тажрибасини намоён қилиш, уни ижодий қайта кўриш (куриш-яш), янгиларини яратиш имконини беради. Болада ўйинчоқлар қанчалик кўп бўлса, унда шунчалик кўп ижодий кучлари ривожланади, бола шунчалик тез ташқи муҳитни ўзлаштириб олади.

А.А.Файвусович (1928) тадқиқотларининг кўрсатишича, диққатнинг кўчишини ва атрофдаги предметларга ички эҳтиёжни шакллантириш мақсадида, болалар боғчасидаги ўйинчоқларни алмаштириб туриш зарур. Масалан: 6 ойгача бўлган болаларда бир кунда 2-3 марта, 1-2 ёшдаги болаларда бир кунда 3-4 марта, 3 ёшгача болаларда бир кунда 4-5 марта алмаштириб туриш зарур.

Содда ва аниқ ўйинчоқларга, мураккаброқ ва мавҳумроқ ўйинчоқлар қўшиш, уларни боланинг психик тараққиётига мослаб танланиши болада фазовий ва сўз-манتيкий тафаккурнинг ривожланишга имкон беради. Қоидага кўра ўйинчоқларнинг диагностик ўлчовлари бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

а) ўйинчоқларни курганда болада ҳиссий кўзғалиш мавжудлиги ва уни ушлаб кўриш истаги;

б) ҳаракатларнинг фаоллиги ва кўпроқ ушлаб кўриш;

в) ўйинчоқни уни бажарадиган функциясига мос равишда ўйнаш;

г) ўйин вазиятида янги (алмаштирувчи) элементларнинг мавжудлиги;

д) ўйиннинг давомийлиги;

е) берилган ўйинчоққа эҳтиёжнинг сақланиши.

Бу эҳтиёжлар 1-3 ёшдаги болаларда ўйин вазиятида фаолликни аниқлашга қаратилган. Каттароқ ёшдаги болалар учун диагностик ўлчовлар бир мунча

кенгаяди. Уларга нутқ ривожланганлиги, фазовий кўриш тасаввурларининг, хаёлининг, тафаккур операцияларини бажариш усулларининг ривожланганлиги каби ўлчовларни киритиш мумкин. Шунинг учун ҳам мактабгача тарбия муассасасида тарбиячи у ёки бу психик жараёнларни ривожлантириш мақсадида дидактик материаллардан фойдаланиш мумкин. (Расмларга қараб ҳикоя тузуш, кубиклар ясаш, расмлар чизиш ва бошқалар).

6-амалий машғулот: Болаларда нутқ ва хаёлнинг ривожланиши

1. Бола нутқининг хусусиятлари.
2. Болалар нутқини шаклланишига тасир этувчи омиллар.
3. Мактабгача ёшдаги болада хаёлнинг ривожланиши.
4. Болаларда хаёл турларининг кўриниши.
5. Хаёлнинг тараққиётида ўйин ва тасвирий фаолиятнинг аҳамияти.
6. Ҳикоя ва эртакларнинг хаёл тараққиётига таъсири.

Боғча ёшидаги болалар нутқининг ривожланиши уларнинг фаолияти, мулоқоти билан узвий боғлиқдир. Бола жумланинг мазмуни ва шаклидаги ўзгариш унинг мулоқот шакллари ўзгариши билан боғлиқ бўлади. Илк болалик даврига хос ситуатив нутқ ишчан мулоқот шаклидан носитуатив билишга ёъналтирилган ва носитуатив-шахсий мулоқот шаклига ўтилиши болалар нутқига маълум бир талаблами кўяди. Бу талаблар бола нутқининг янги-янги томонларини, турли коммуникатив масалаларни ҳал қилиши учун зарур бўлган хусусиятларни таркиб топтиради. Боғча ёшидаги боланинг нутқи социал контактларни ўрнатиш функциясини бажара бошлайди. Бунинг учун эса болада ички нутқ таркиб топиши, монологик хусусият касб этиб бориши лозим бўлади. Боғча ёшда бола нутқининг ривожланишидаги муҳим хусусият нутқ тафаккур қуролига айланишидан иборат. Бола сўз-луғат бойлигининг ўсишида 2 муҳим томон — миқдор ва сифат томонлари мавжуд.

Луғат бойлигининг миқдорий ўсиши Д.Б. Элькониннинг кўрсатишича, бевосита боланинг ҳаёт шароитлари ва тарбияланиш хусусиятларига боғлиқ. Сўнгги йилларда у ёки бу ёшдаги болалар нутқининг луғат таркибини ўрганишга бағишланган тадқиқотларда аввалги тадқиқотларга нисбатан юқорироқ миқдорий кўрсаткичлар аниқланди. Жумладан, В.Логинанинг маълумотларига кўра 3 ёшга келиб, бола луғатида 1200 та сўз мавжуд бўлади, 6 ёшли боланинг фаол луғати эса 3000-3500 сўзни ўз ичига олади. Ваҳоланки, 40-60 йил олдин ўтказилган тадқиқотларда 3 ёшли боланинг луғати 400-600 сўздан, 6 ёшли боланинг актив луғати эса 2500-3000 сўздан иборат деб кўрсатилган эди.

Мактабгача даврдаги болаларда хаёл. Хаёлнинг ривожланиши учун болага турмуш тажрибаси, тасаввурлар заҳираси ҳамда жуда кўп билимлар керак бўлади. Тажриба эса боланинг ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларни ўзи кўрсатиши, воқелик ҳамда турли соҳаларга доир тасаввур ҳосил қилиши, катта одамлар билан кенг муносабатда бўлиши натижасида ортиб боради.

Шундай қилиб хаёл мактабгача ёшдаги болаларнинг тараққий этишларида

катта ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам мактабгача ёшдаги даврда боланинг хаёли етарли ўсган бўлиши керак, чунки мактабдаги ўқиш биринчи кундан бошлаб болалардан хаёл қилиш қобилиятининг хусусан тикловчи хаёл яхши ўсган бўлишини талаб қилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги бола шахси ва шахслараро муносабатларини ўрганиш

Боғча ёшидаги болалар шахсининг шаклланишига кўра, бу даврни 3 босқичга ажратиш мумкин:

- биринчи давр - 3- 4 ёш оралиғида бўлиб, эмоционал жиҳатдан ўз-ўзини бошқаришнинг мустақамланиши билан боғлиқдир;

- иккинчи давр - 4-5 ёшни ташкил қилиб, ахлоқий ўз-ўзини бошқариш шаклланади;

- учинчи давр эса, шахсий ишчанлик ва тadbиркорлик хусусиятларининг шаклланиши билан тавсифланади.

Мактабгача даврда ахлоқий тушунчалар борган сари қатъийлаша боради. Ахлоқий тушунчалар манбан сифатида уларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланаётган катталар, шунингдек тенгдошлари ҳам бўлиши мумкин. Ахлоқий тажрибалар асосан мулоқат, кўтиш, тақлид қилиш жараёнида, катталарнинг мақхов ва танқидлари таъсирида ўтади ҳамда мустақамланади. Бу баҳо ва мақтовлари боланинг муваффақиятга эришишига бўлган ҳаракатларининг ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Боғча ёшидаги даврда болаларда мулоқатнинг янги мотивлари юзага келади, бу шахсий ва ишбилармонлик мотивларидир. Шахсий мулоқат мотивлари - бу болани ташвишга солаётган ички муаммолар билан боғлиқ, ишбилармонлик мотиви эса, у ёки бу ишни бажариш билан боғлиқ бўлган мотивлардир. Бу мотивларга аста-секинлик билан билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш билан боғлиқ ўқиш мотивлари киради.

3-3,5 ёшлар оралиғида ўзларининг муваффақият ва муваффақиятсизликларига ўз муносабатларини билдиради ва бу муносабат, асосан ўзларига берадиган баҳолар асосида шаклланади. 4 ёшли болалар эса, ўз имкониятларини реал баҳолай оладилар. Лекин, 4-5 ёшли болалар ҳали шахсий хусусиятларини идрок этишга ва баҳолашга қодир эмаслар, шунингдек ўзлари ҳақида маълум бир хулосани бера олмайдилар, ўз-ўзини англаши, лаёқати катта боғча ёшида ривожланиб, аввал у қандай бўлгани ва келажакда қандай бўлишини фикрлаб кўришга ҳаракат қиладилар.


Мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсини тадқиқ қилиш жуда мураккаб жараёндир, чунки кўпгина шахс методлари, катта ёшли одамларга мўлжалланган ва болани ўз-ўзини анализ қилиш имкониятларига асосланмаган. Бундан ташқари психодиагностика ёрдамида урганаладиган шахс сифатлари мактабгача тарбия ёшида тўлиқ шаклланмаган ва беқарордир.

Болалар психодиагностикаси ихтиёрида фақат махсус проектив методлар, яъни болани ютуққа эришиш мотивлари ва хавотирланиш,) ҳолатларини ўрганиш методлари мавжуддир ёки шахс сифатларини баҳолашда эксперт методларидан фойдаланиш мумкин. Бунда эксперт сифатида болани яхши биладиган катталар, тарбиячилар, ота-оналар майдонга чиқадилар. Фақат ана

шундай тарзда болани шахс сифатларига баҳо бера олиш имкониятларига эга бўламиз.

Биринчи методикамиз болалардаги ютуққа эришиш мотивининг тараққиёт даражасини баҳолашга мўлжалланган. Бунда мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ҳар хил вазиятлардаги фаолиятида муваффақиятга фаол интилишлари ташхисланади. Ютуққа эришиш мотиви шахсга туғма ҳолатда берилмайди. Балки мактабгача тарбия ёшида шаклланиб-бориб, бола мактабга қабул қилинаётган даврга келиб, боланинг беқарор шахс сифатига айланиши мумкин. 5-6 ёшли болаларда, ушбу эҳтиёж уларнинг индивидуал сифатларида бир-биридан жуда катта фарқланади. Бунда ютуққа эришиш мотиви кучли бўлган болалар асосан ҳаётида жуда катта муваффақиятларга эришадилар, агар ушбу эҳтиёж суст ривожланган бўлса, у ҳолда омадсизликлардан қочиш мотиви болаларда юқори ўринда туради.

«Эслаб қол ва расмларни қайта чиз» методикаси



Болага кетма-кетлик билан иккита расм кўрсатилади, уни бола бир дақиқа мобайнида кўриб чиқиб, эслаб қолиш зарур, сўнгра эса худди шундай катталиқдаги оқ қоғозга қайтадан чизиб бериши тушунтириб берилади.

Бола томонидан бажарилган иш баллар сифатида баҳоланади ва таҳлил қилинади.

Бола томонидан бажарилган ишнинг сифатий таҳдили

I-расмдаги чизиқларнинг бирлашуви

1а. Ҳар қандай бир-бири билан бирлашиб кетмаган чизиқлар гуруҳи + 1 балл билан баҳоланади.


1б. Ҳар қайси чизиқлар гуруҳи бошқа чизиқлар билан бирлашиб кетган бўлса, - 1 билан баҳоланади.

Масалан:



2а. Ҳар қайси параллел чизиқлар 3 ёки 1 тадан ортиқ чизиқлар + 1 балл билан баҳоланади.

2б. Агар параллел чизиқлар бир-бири билан бирлашиб кетган бўлса, - 1 балл билан баҳоланади.



Изох

3а. Ҳар қайси икки ва ундан кўп тўлқинсимон чизиклар, агар уларнинг узунлиги баландликларидан 3 марта катта бўлмаса ҳамда улар билан кесишмаса + 1 балл билан баҳоланади.

3б. Бунинг акси бўлса - 1 балл билан баҳоланади.

«Мен кимман» методикаси

Ушбу методика ёрдамида мактабгача тарбия ёшдаги боланинг ўз-ўзини баҳолаши ташхисланади. Тадқиқотчи 10 хил шахс сифатлари ҳақида савол бериб, қайдномада белгилаб боради ва улар балларга айлантирилади.

Натижаларни баҳолаш

«Ҳа» шаклидаги жавоблар 1 балл билан «Йўқ» шаклидаги жавоблар 0 балл билан баҳоланади. «Билмайман» ва «Баъзан» жавобларни 0,5 балл билан баҳоланади. Боланинг ўз-ўзини англаши умумий баллар йиғиндиси билан аниқланади.

Бола тараққиёти ҳақида хулоса:

10 балл - жуда юқори

8-9 балл - юқори

4-7 балл - ўртача

2-3 балл - паст

0-1 баллгача - жуда паст

№	Шахс сифатларини шарҳлаш	Оғзаки жавоблар шкаласини баҳолаш			
		Ҳа	Йўқ	Баъзан	Билмайман
1	Яхши				
2	Меҳрибон				
3	Ақлли				
4	Тартибли				
5	Гапга кирувчан				
6	Эътиборли				
7	Мулойим				
8	Қобилиятли				
9	Меҳнатсевар				
10	Ростгўй				

Шахслараро муносабатларни ўрганиш методлари

«Бола атрофдаги одамлар билан қандай муносабатда» методикаси. Ушбу методик саволнома боланинг коммуникатив сифатларини баҳолашга мўлжалланган. Ушбу методик саволнома ёрдамида боланинг атрофидаги одамлар билан коммуникатив қобилиятлари ташхисланади ва бу қуйидаги мезонларга асосланади.

1. Меҳрибонлик
2. Одамларга эътиборлилиги
3. Ростўйлиги
4. Мулойимлиги
5. Мулоқатчанлиги
6. Сахийлиги
7. Ҳамиша бировларга ёрдам беришга тайёрлиги
8. Ҳақиқатгўйлиги
9. Ҳаётий қувноқлиги
10. Масъулиятлиги

Ота-оналарга, тарбиячиларга ва қариндошларга мўлжалланган коммуникатив шахс саволномаси.

1. Сизнинг фарзандингиз меҳрибонми?

- а) ҳа
- б) йўқ
- в) баъзан
- г) билмайман

2. Сизнинг фарзандингиз эътиборлими?

- а) ҳа
- б) йўқ
- в) баъзан
- г) билмайман

3. Сизнинг фарзандингиз ростўйми?

- а) ҳа
- б) йўқ
- в) баъзан
- г) билмайман

4. Сизнинг фарзандингиз мулойимми?

- а) ҳа
- б) йўқ
- в) баъзан
- г) билмайман

5. Сизнинг фарзандингиз мулоқатчанми?

- а) ҳа
- б) йўқ

- в) баъзан
- г) билмайман

6. Сизнинг фарзандингиз сахийми?

- а) ҳа
- б) йўқ
- в) баъзан
- г) билмайман

7. Сизнинг фарзандингиз ҳамиша бировларга ёрдам беришга тайёрми?

- а) ҳа
- б) йўқ
- в) баъзан
- г) билмайман

8. Сизнинг фарзандингиз ҳақиқатгўйми?

- а) ҳа
- б) йўқ
- в) баъзан
- г) билмайман

9. Сизнинг фарзандингиз ҳаётдан қувноқ ва завқланувчими?

- а) ҳа
- б) йўқ
- в) баъзан
- г) билмайман

10. Сизнинг фарзандингиз маъсулиятлими?

- а) ҳа
- б) йўқ
- в) баъзан
- г) билмайман

Натижаларни баҳолаш:

Боланинг ҳар бир «ҳа» жавоби 1 балл билан, «йўқ» жавоби 0 балл билан, «билмайман», ёки «баъзан» жавоблари 0,5 балл билан баҳоланади.

10 балл - жуда юқори

8-9 балл - юқори

4-7 балл - ўртача

2-3 балл - паст

0-2 баллгача - жуда паст

7-амалий машғулот: Психодиагностика методлари ва улардан фойдаланиш

1. Бола шахсини ўрганишда психодиагностика методларининг аҳамияти.
2. Бола психологик ривожланиши кўрсаткичларини аниқлашда психодиагностика методлари, уларнинг турлари, қўлланиши.
3. Бола психик жараёнлари ва хусусиятларини текшириш методикаларини ўтказиш.

Таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш бола ривожланиши ва тарбиясининг шахсга йўналганлик моделига асосланади. Психологик тадқиқотлардан маълумки, бугунги кун мактабгача таълим –тарбия жараёнини шахсга йўналтирилган дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллаш, авваламбор мактабгача ёшдаги болаларнинг ўз-ўзини баҳолаши, болада илк шахсни шаклланиши, болани оламга ишончини шакллантиришни ифодаловчи шахснинг фаолияти ёндашуви, бола индивидуаллигининг ривожланиш концепцияларига асосланиши шубҳасиз.

Мактабгача ёшдаги болалар шахсининг психик ривожланиши барча индивидуал ҳодисаларнинг яхлит намоён бўлиши натижаси сифатида қараш мумкин. Бу эса бола шахсининг оптимал ривожланишини таъминлашда мактабгача ёшдагилар шахс хусусиятларини ўз вақтида диагностика қилиб бориш кераклигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам мактабгача ёшдагиларнинг хусусиятларига мос келувчи диагностик воситаларни танлаш ва улврдан фойдаланиш кераклиги биринчи галдаги вазифа саналади.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимининг бир бўғини ҳисобланмиш мактабгача таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган амалиётчи психологлар фаолиятидаги энг муаммоли томони тарбияланувчиларнинг психодиагностикасига доир инструментарийга эга эмааслигида бўлса керак. Мактабгача ёшдаги болалар шахсини психодиагностика қилиш оиладаги ва мактабгача таълим муассасадаги таълим-тарбия жараёнини ҳамда боланинг келажакда узлуксиз таълим тизимидаги ривожланиши борасида тўғри йўл-йўналиш беришга имконият туғдиради.

Агар мактабгача ёшдагиларни психологик жиҳатдан диагностикасига назар ташласак, унинг кўп қиррали эканлигини гувоҳи бўлиш мумкин, яъни боланинг билиш жараёнлари (предметлар билан ишлаши, диққати, хотираси, тафаккури, нутқи ва хаёли) шахслараро муносабатларга киришимлилиги (МТМдаги болалар гуруҳига мослашиши, гуруҳ аъзолари билан муносабати ва бошқалар), эмоционал-иродавий соҳаси (боланинг предметлар билан ўйнаш давомидаги фаолияти, машғулотларда иштирок этиши) ва бошқалар.

Бундан кўринадики, мактабгача ёшдагилар диагностикасининг ҳар бир жабҳаси учун маҳаллий шароитга мос, психометрик талабларга жавоб бера оладиган методикалар лозим эканлигидан далолат беради. Аммо бу борада ҳамдўстлик ва хорижий мамлакатларда етарлича тажрибалар мавжуд. Уларнинг тажрибаларидан оқилона ва мавжуд бўлган методикаларни маҳаллий

шароитимизга мослаштирган ҳолда фойдаланиш ўринлидир. Чунки психодиагностик методикалар яратиш юқори касбий тайёргарлик. Вақт ва илмий изланишларни тақозо этади. БУ даражадаги тадбирлар республикамизда яқин йиллар ичида кенг кўламда амалга оширилиши табиий.

Бугунги кун психодиагностик амалиётда бир қатор методикалар мавжуд (луғат тести, кўл ҳаракатларини аниқлаш, диққат ва хотирани ўрганиш, тест, фонематик эшитиш, “Мақтаб расми” тести, “Интилиш даражасини аниқлаш”, тести, “Икки уйча”, “Мавжуд бўлмаган ҳайвон”, Нежнованинг стандартлаштирилган суҳбат ва бошқалар). Улардан фойдаланиш ва натижаларини тўғри таҳлил этиш мактабгача тарбия муассасалар психологларининг зиммасига тушади. Уларнинг касбий маҳорати муаммони ечишнинг энг муҳим омили саналади. Мактабгача ёшдагилар диагностикасини амалга ошириш учун мактабгача тарбия муассасасидагиларнинг барчасида ҳам етарлича касби ёки психологик тайёргарлиги бор деб бўлмайди. Чунки таълим муассасаларида амалиётчи психологлар фаолиятини йўлга қўйилганлигига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга кўра мактабгача тарбия муассасаларида психодиагностик тадбирларни ташкил этишда саъй-ҳаракатлар бўлсада, ҳали бир қатор ишларни амалга ошириш зарурати мавжуд. Ўйлаймизки, бу борада қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1.Мактабгача таълим муассасалари учун амалиётчи психологлар тайёрлашни тўғри ташкил этиш.

2.Мактабгача таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган амалиётчи психологлар фаолият самарадорлигини ҳамда уларнинг психодиагностик имкониятларини оширишга қаратилган қисқа муддатли ва эҳтиёжга асосланган малака ошириш курсларини ташкил этиш.

3.Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари шахсини, психик ривожланишини ва хулқ-атворини диагностика қилишга имконият берувчи психодиагностик методикалар билан таъминлашга хизмат қилувчи методик таъминот бўлими фаолиятини йўлга қўйиш.

«Кактус» методикаси:

Керакли материаллар: рангли қаламлар, А-4 форматдаги қағоз. Ўқувчига кактус расмини чизиш таклиф этилади. Расм чизиш вақтида савол бериш ва тушунтиришлар берилмайди. Расм чизиш бўлингандан кейин суҳбат ўтказилади;

- 1.Кактус хонакими ёки ёввойими?
- 2.Уни ушлаш мумкинми?
- 3.Кактусни парвариш қилиш унга ёқадими?
- 4.Кактусга яқин қандай гуллар бор?
- 5.Кактус ўсганда қандай ўзгаришлар бўлади?

Натижалар таҳлили: психолог чизган расмларга қараб ўқувчидаги эмоционал ҳолатларни аниқлайди;

Жаҳлдорлик кучли-кактусда тиканлар сони кўп чизилса, тиканлари узун ва яқин жойлашган бўлса;

Импульсивлик- биринчи ташқи туртки ёки ҳис-туйғулар таъсиридаёқ

уйлаб ўтирмай маълум сўзларни айтиб юборишга, ҳаракатларни бажаришга мойиллик ифодаланадиган характер хислати расмни босиб чизиш, алоҳида ажратилган чизиқлар;

Эгоцентризм ўз шахсий манфатлари ва эҳтиёжларини қондиришга кучли ҳирс қўйиш-расм катта ва варақнинг ўртасида жойлашган бўлса;

Тобелик-ишончсизлик: расм кичкина ва варақ пастида бўлса;

Очиқлик ва намоёишкороналик – ноаниқ шакл, куртаклар чизилган бўлса;

Эҳтиёткорлик ва яширинлик – кактус четларида зигзаг чизилган бўлса;

Оптимизм келажакка ишонч билан тўлиб-тошган ижобий характер хислати ёки эмоционал ҳолат ёки ёркин ранглардан фойдаланса;

Хавотирланиш-тўқ ранглардан фойдаланиб штрихлар берилса;

Нозик дид эгаси-гуллаган кактус чизилса, чиройли шакл ва безак берилса;


Экстроверт - агарда расмда бошқа кактуслар ва гуллар чизилган бўлса, теварак-атрофдаги одамларга, ташқи ҳодисаларга ўрганиш бор.

Оилавий ҳимояга интилиш-гултувак чиройли безак берилса;

Ёлғизликка интилиш-ёввойи ҳолда ўсадиган кактус чизилса.

«Шаклларни қирқиб чиқ» методикаси.

Ушбу методика 4-5 ёшли болаларнинг кўргазмали-ҳаракатли тафаккурини ташхис қилишга мўлжалланган. Топшириқнинг мақсади қоғозга чизилган шаклларни тез ва аниқ қирқиб олишдан иборат. Расмда берилган 6 та квадратда ҳар хил шакл тасвирланган. Ушбу расмлар болага бир бутун ҳолатда берилмайди, балки ҳар бир квадратдаги расмлар алоҳида берилади. Бунинг учун тадқиқотчи расмларни олти та квадратга қирқиб чиқади. Болага ҳар бир квадратдаги тасвирлар кетма-кетликда берилади. Расмлар тартиб рақами билан белгиланган ва қайчи билан имкони борича, шаклларни тез ва аниқ қирқиб олиш керак.



Натижаларни баҳолаш: Методика натижаларини баҳолашда, бола томонидан топширикни бажариш жараёнидаги вақт ва аниқликка эътибор қаратилади.

10 балл-ҳамма шакллар бола томонидан 3 дақиқадан кам вақтда қирқиб олинса, ҳамма шакллар контури аслидан 1 мм дан кўп фарқ қилмаса;

8-9 балл - ҳамма шакллар 3 дақиқадан 4 дақиқагача қирқиб олинса ҳамда шакллар контури аслидан 1 мм дан 2 мм гача фарқ қилмаса;

6-7 балл - ҳамма шакллар 4 дақиқадан 5 дақиқагача қирқиб олинса ҳамда шакллар контури аслидан 2 мм дан 3 мм гача фарқ қилмаса;

4-5 балл - ҳамма шакллар 5 дақиқадан 6 дақиқагача қирқиб олинса ҳамда шакллар контури аслидан 3 мм дан 4 мм гача фарқ қилмаса;

2-3 балл - ҳамма шакллар 6 дақиқадан 7 дақиқагача қирқиб олинса ҳамда шакллар контури аслидан 4 мм дан 5 мм гача фарқ қилмаса;

0-1 балл - бола топширикни 7 дақиқадан кўп вақт мобайнида бажара олмаса ҳамда қирқиб олинган шакллар контури аслидан 5 мм дан кўп фарқ қилса;

Тараққиёт ҳақида хулоса: 10 балл - жуда юқори, 8 - 9 балл - юқори, 4 - 7 балл - ўртача, 3 балл - паст, 0 - 1 балл - жуда паст.

«Расмларда қандай предмет етмайди» методикаси

Бу методика 3-4 ёшгача бўлган болаларнинг тафаккурини ташхис қилиш учун мўлжалланган. Топширикни бажаришдан олдин болага расмлар кўрсатилади ва ушбу тасвирлар тўлиқ бўлиши учун қандайдир предметнинг етишмаслигини, бу предметлар расмнинг пастки қисмида тасвирланганлиги айтиб ўтилади. Бола расмдаги тасвирлар тўлиқ бўлиши учун зарур предметларни топиб кўрсатиб бериши керак.



Натижаларни баҳолаш.

10 балл- топшириққа кетган вақт 30 сониядан кам бўлса;

8-9 балл- топшириқни бажаришга кетган вақт 31 сониядан 49 сониягача бўлса;

6-7 балл- топшириқни бажаришга кетган вақт 50 сониядан 69 сониягача бўлса;

4-5 балл- топшириқни бажаришга кетган вақт 70 сониядан 89 сониягача бўлса;

2-3 балл-топшириқни бажаришга кетган вақт 90 сониядан 109 сониягача бўлса;

0-1 балл- топшириқни бажаришга кетган вақт 110 сония ва ундан кўп бўлса

0-2

Тараққиёт даражаси ҳақидаги хулоса:

10 балл -жуда юқори

8 -9 балл -юқори

4 -7 балл -ўртача

2 -3 балл -паст

0—1 балл -жуда паст

«Классификациялар» методикаси

5-7 ёшли болаларда сўз-мантиқ тафаккурини ўрганиш учун қўлланилади.

Рағбатлантирувчи материал сифатида 25 та карточка тақдим қилинган бўлиб, у беш гуруҳга бўлинади, ҳар бир гуруҳда 5 тадан карточка мавжуд.

- Биринчи гуруҳ — шариклар.
- Иккинчи гуруҳ — кийим.
- Учинчи гуруҳ — мевалар.
- Тўртинчи гуруҳ — сабзавотлар.
- Бешинчи гуруҳ — озодалик буюмлари.

Ҳар бир гуруҳ учун умумий характерга эга бўлган жиҳатлар қуйидагилар ҳисобланади:

• ҳар бир гуруҳ бирдан бешгача бўлган предметлар сони билан бир-биридан ажралиб турувчи бешта карточкадан иборат.

Масалан, иккинчи гуруҳни умумлаштирувчи сўз кийим сўзидир. Карточкаларда қуйидаги предметлар тасвирланган:

- 1-карточкада бир предмет: - шапка;
- 2-карточкада икки предмет: - шапка ва шарф;
- 3-карточкада учта предмет: - шапка, шарф, кофта;
- 4-карточкада тўрт предмет: - шапка, шарф, кофта, қўлқоплар;
- 5-карточкада беш предмет: - шапка, шарф, кофта, қўлқоплар, шим.

Карточкалардаги предметлар сонига бола ташқи белгилар сифатида қараши ва буларга асосланиб қарор қабул қилиши мумкин, аслида у барча карточкаларни предметлар турига қараб эмас, балки предметлар сонига қараб классификация қилади.

Ҳар бир гуруҳ учун фон сифатида бир хил ранг танланган, улар бир хил рамкага олинган, бу эса болага вариантларни классификация қилишда уларни фарқлай олиши учун асос бўлиши мумкин. Бу классификация варианты ташқи белгиларга асосланган ҳисобланади.

«Классификациялар» методикасининг иккинчи варианты ҳам бўлиб 16 та карточка кўринишида тақдим қилинади ва тўртта гуруҳдан иборат, ҳар бир гуруҳда 4тадан карточка бор.

Биринчи гуруҳ — ёғоч: 1-карточка — дарахт; 2-карточка — ёғоч; 3-карточка — курси; 4-карточка — ёғочдан қилинган кубиклар. Дарахт танасидан ёғоч олинади, ёғочдан стул ва болаларнинг ёғоч ўйинчоқлари ясалади.

Иккинчи гуруҳ — дон ва дон маҳсулотлари: 1-карточка — буғдой бошоқлари; 2-карточка — халтачада ун; 3-карточка — нон; 4-карточка —

кондитер маҳсулотлари. Бугдой донларидан ун қилинади ва ундан нон, кондитер маҳсулотлари тайёрланади.

Учинчи гуруҳ — товуқ ва тухумдан тайёрланган маҳсулотлар: 1-карточка — товуқ; 2-карточка — тухум; 3-карточка — қуймоқ; 4-карточка — торт. Товуқ тухум қўяди, ундан қуймоқ ва торт тайёрланади.

Тўртинчи гуруҳ — қўй ва қўй жунидан тайёрланган кийим-кечаклар: 1-карточка — қўй; 2-карточка — жун ва жундан йиғирилган ип; 3-карточка — жун свитер; 4-карточка — жун қўлқоплар. Қўй жун беради, жундан ип йиғирилади ва ундан ҳар хил турдаги жун кийимларни тўқишда фойдаланилади.

Биринчи вариантдан фарқли равишда «классификациялар» методикасининг иккинчи вариантыда умумлаштирувчи бир сўз билан бирлашган предметлар гуруҳидан эмас, балки бир-бири билан боғлиқлик мавжуд бўлган ва бола аниқлаши, улар асосида карточкаларни классификация қилиши лозим бўлган предметлардан тузилган.

Худди биринчи вариантдаги каби сўз-мантиқ тафаккурнинг шаклланиш даражаси болада назарий шаклга «чиқиб» кетмаслиги ва бола уларга асосланиши учун карточкаларда махсус «ташқи» белгилар берилган. Биринчи гуруҳда бир стакан сут, иккинчи гуруҳда япроқча, учинчи гуруҳда тухум, тўртинчи гуруҳда ип ғалтаги «ташқи» белги вазифасини ўтаган.

Методикада махсус тузилган ташқи белгиларни ҳам эътиборга олиш лозим:

-ҳар бир гуруҳ умумий фон билан намоён қилинган, карточкалар бир хил рамкага олинган бўлиб, буларнинг ҳаммаси боланинг классификациялар вариантларини ажратиш олишида асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Классификацияларнинг бу варианты ҳам ташқи белгиларга асосланган;

-ҳар бир гуруҳ тўртта карточкадан иборат бўлиб, расмларнинг тагида кички-на, ҳар бир гуруҳ учун хос бўлган қўшимча расмлар бор. Бу қўшимча расмларнинг сони бир-бирига боғлиқлик мантиғига тўғри келади. Масалан, сиз тасвирланган карточкада кичкина бир стакан сут бор, сут тасвирланган карточкада иккита кичкина стакан сут бор. Творог ва пишлоқ тасвирланган карточкаларнинг тагида эса мос равишда уч ва тўрт кичкина стаканда сут бор.

Тадқиқотни ўтказиш техникаси

Қўлланилиши: «Олдинда турган расмларнинг ҳаммасига диққат билан қара. Уларнинг орасида бир-бири билан ўхшаш расмлар бор. Бир-бирига ўхшаш расмларни топ ва уларни алоҳида гуруҳларга ажрат. Шундай қилсанг, бир-бирига ўхшаш расмлар гуруҳи йиғилади».

Тестнинг ўтказилиши: Расмларни болага бериб уларни жим кузатасиз. Болага расмларни бемалол кўриб чиқишига имконият беринг. Бола уларни ўзича, ўзи белгилаган мезонлар бўйича классификация қилиши мумкин. Ишни тугатгандан кейин расмларни нима учун гуруҳларга бундай қилиб ажратганлигини ва ҳар бир гуруҳни қандай номлашини сўранг. Агар бола ўзининг ечимини асослаб берса, у билан буни муҳокама қилинг. Мабодо бола хато қилса, унга озгина йўл кўрсатиб юборинг. Шундай қилиб, сиз бола имконияти чегараларини билиб оласиз. Бола учун вазифани ўзингиз бажаришга ошиқманг, айниқса, вазифа қандай йўл билан тўғри бажарилишини айтманг. Болага озгина йўл-йўриқ кўрсатиб юбориш орқали вазифани тўғри ечимини топишига имкон бериш керак.

Расмларнинг мазмунини муҳокама қилиш бола нутқининг ривожланиш хусусиятлари ва онгининг ривожланиш даражасини аниқлашга имкон беради.

Натижалар таҳлили

Бу тест болаларни кўرғазмали-образли тафаккурдан сўз-мантик тафаккурига ўтиш жараёни хусусиятларини аниқлайди. Айнан шунинг учун ҳам болалар берилган вазифа негизини мустақил равишда ифодалаб беришлари муҳим аҳамиятга эга. Қоида бўйича вазифа 10-15 дақиқадан ошмаса ҳам, ишлаш вақти чегараланмайди. Асосий эътибор вақт кўрсаткичларига эмас, балки бажарилган ишнинг тавсифига ва ўзига хослигига қаратилади:

Тест ўтказиш жараёнида бола вазифани бажара олмаса, уни хато деб белгилашга ошиқманг. Уларнинг кўпчилиги вазифани тушунмаганлиги тезроқ ишни тугатиш хоҳиши олдиндан тарқатма материаллар билан предметли-манипулятив ҳаракатларни бажарганлиги кабилар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун болага бу босқични босиб ўтишга имкон бериш керак. Агар шунда ҳам бола вазифани бажара олмаса, сиз унга озгина туртки бериб юборишингиз мумкин. Қоида бўйича болага «Нима учун сен олма расмини бу гуруҳга қўшяпсан?» дейилади. Жавобни кўтиш керак. Жавоб нотўғри бўлган ҳолатларда умумлаштирувчи сўзни топишга қаратилган қўшимча саволлар берилади. Агар бола нима мева-ю, нима сабзавот эканлигини билмаслигига ишонч ҳосил қилсангиз, унда боланинг сўз-мантик тафаккури шаклланмаган, деб хулоса чиқариш ярамайди. Билим бериш мантиғи болаларни ўқув материали билан таништириш, ундан кейин бу материал билан ишлашни тақозо этади. Керакли маълумотлар берилгач, текширувни давом эттириш мумкин: бунда болага бошқа карточкалар тўплами берилади ва у хато қилган тақдирда ҳам иш тўхтатилмайди.

Агар бола психолог тушунтириб бергандан кейин ҳам вазифани бажара олмаса, унда сўз-мантик хотирасининг бузилганлиги ҳақида гапириш мумкин.

Бу натижани исботлаш учун маълум бир вақт ўтгандан кейин (бир ҳафта, ўн кун) болага классификацияларнинг бошқа вариантыни таклиф қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

5. Нишонова З.Т., Алимова К.Г. Болалар психологияси ва психодиагностикаси Т.: ТДПУ 2017 – 264 б.

6. Ғозиев Э. Онтогенез психологияси Назарий- экспериментал таҳлил Т.: Ношир 2010. – 356 б.

7. Дўстмухамедова Ш.А., Нишонова З.Т. ва бошқалар Ёш даврлари ва педагогик психология Т.: Фан ва технологиялар 2013 – 343 б.

8. Шаповаленко И.В. Возрастная психология (Психология развития и возрастная психология): учебник для студентов вузов. – М.: Гардарики, 2007. – 349 с.

КЕЙСЛАР ТҮПЛАМИ

Микрокейс-1

1-мисол. Бир ёшлик болада турли нарсалар билан ҳаракат қилишнинг оддий тури жадал ривожланади. Бошқача айтганда, унда жисмлар билан муайян ҳаракатни амалга оширишнинг нисбатан барқарор усуллари шакллана боради.

2-мисол. Болаларда кенг кўламли ва кўп миқдордаги предметларни таниш, идрок қилиш, уларнинг хусусиятларини ўзгартириш эҳтиёжининг ортиши катта ёшдаги одамлар билан мулоқотга киришиш майли, туйғуси ва истагини кучайтиради.

3-мисол. Катталар билан болалар мулоқотида ишлатиладиган сўзларнинг фарқлари турли манбага ва асосга боғлиқдир: а) болалар нутқида шундай сўзлар қўлланиладики, улар ҳеч қачон катта одамларга шундай маънони билдирмайди; б) кўпинча бола нутқидаги сўзлар катталар сўзлашувининг маълум бўлагини эмас, балки унинг ўзагини ташкил қилади, холос; в) болалар катталар қўллайдиган сўзларни бўзиб талаффуз қилсаларда, лекин предметнинг тимсолига асосланиб, уларнинг умумий фонетик ва ритмик жиҳатларини сақлайдилар; г) таклидий сўзлар.

Сизнинг-ча, мазкур мисолларда баён этилган фикрлар илк болалик давридаги қайси психик жараёнлар билан узвий боғлиқ ва нима учун? Ўз фикрингизни асослаб беринг.

Микрокейс-2

1. Болаларда 1-3 ёш оралиғида катталарга таклид қилиш ҳолати кучайиб кетади.

2. Болалар 1,5-2 ёшдан бошлаб ўзларини бошқа инсонлар ва предметлардан алоҳидан эканлигини англай бошлайдилар ва улар дунёни қуйидагича идрок эта бошлайдилар: "Мен одамлар эътиборининг марказидаман", "Бутун олам менинг атрофимда айланади". **Бу ҳолатларни қандай изоҳлайсиз?**

Микрокейс-3

Сиздан психик ривожланишнинг илк босқичларига хос хусусиятларни аниқлаб, қуйидаги жадвалда тегишли хусусият ва ёш босқичининг номи киритилган сатр билан устун кесишган жойга белги қўйишингиз, қолаврса, ушбу ёш даврларининг ўзаро қиёсий таҳлилини амалга оширишингиз талаб қилинади.

№	Психик ривожланишнинг муайян даврига хос хусусиятлар	Психик ривожланиш давлари		
		Чақалоқлик	Гўдаклик	Илк болалик
1	Болада кўрғазмали-образли тафаккур шакллана бошлаши			
2	Боланинг кўзгуда ўз аксини катталар ёрдамисиз танишни бошлаши			
3	Бола туғилганидаёқ мавжуд бўлган шартсиз рефлексларнинг кўпчилиги йўқолиб кетиши			
4	Болада турли жинсдаги кишиларга нисбатан ҳар хил реакция кузатила бошланиши			
5	Боланинг товушларни баландлик ва тембр хусусиятларига кўра фарқлай бошлаши			
6	Боланинг атрофдаги одамлар нутқида диққатни жамлай бошлаши			
7	Бола нутқи ривожланишида “сўз-гап” босқичининг бошланиши			
8	Болада ҳамдардлик қилишга хос илк хатти-ҳаракатларнинг кузатилиши			
9	Бола юзида шаклан табассумга ўхшаш ҳаракатларнинг илк бора кузатилиши			
10	Болада муайян нарса-буюмлар ўзига тегишли эканини қайд этиш хусусияти шаклланиши			

Микрокейс-4

“Болалардаги “Мен ўзим” феномени уларни катталардан психологик алоҳидаланишига ва ижтимоий тараққиётига хизмат қилади.”

Ушбу фикрни изоҳланг.

Микрокейс-5

□ Тасаввур қилинг, 4 ёшли бола кўчада онаси билан кетаётганида хархаша қила бошлади. Шунда унинг онаси болага кўпол муомалада бўлиб, болани урушиб берди.

□ Тасаввур қилинг, 4 ёшли бола дўконга кирганида онасига турли нарсаларни кўрсатиши билан она боласининг айтагини дарҳол мухайё қилмоқда.

Сизнинг фикрингизча, ушбу икки вазиятдаги болалар қандай шарт-шароитларда вояга етмоқда ва бу уларнинг психикасига қандай таъсир этади? Шу мисоллар орқали “ота-она-бола” муносабатлари тизимини изоҳлаб беринг.

Микрокейс-6

“Зилола 5 ёшда бўлиб, у жуда ҳам гулларни яхши кўради. Шу боисдан у ҳаммиша эрталаб гулларга сув қуяди. Яқинда Зилола боғча опасидан гул уруғини гул тувакка экишни ўрганиб олди. Сарвар эса кўпроқ расм чизишга ва пластириндан турли бумларни ясашга жуда қизиқади. У ҳам Зилола билан тенгдош.” **Сизнингча, ушбу икки нафар болада содда меҳнат фаолиятлари қандай психологик хусусиятларнинг шаклланишига хизмат қилиши мумкин?**

Микрокейс-7

“Сайр вақтида Алишер бирданига онасини сўроққа тута бошлади:

- Ойи, қуёш қанақа?
- Қуёш катта ва ёруғ.
- Ойи, асфальтни ким қурган?
- Инсонлар.

Ушбу вазиятни таҳили қилинг ва шу каби “она ва бола”суҳбатлари орқали болада қайси хусусиятлар шаклланиб боради.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

1. Болалар психологияси ўқув фани сифатида
2. Болалар психологияси фанининг методлари.
3. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ахлоқий тушунчаларини шакллантириш.
4. Мактабгача ёшдаги болалар инқирози.
5. Мактабгача ёшдаги меҳнат фаолиятининг хусусиятлари.
6. Болаларнинг шахсий ва ижтимоий тайёргарлиги.
7. Мулоқотнинг асосий шакллари.
8. Мактабгача ёшдаги болалар жалб қилинадиган меҳнат турлари.
- 9.Мактабгача ёшдаги болаларда билиш жараёнларининг ривожланиши.
- 10.Мактабгача ёшдаги болаларда мотивларни пайдо бўлиши .
11. Мактабгача ёшдаги болаларда нутқни ривожланиши.
12. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ўйин фаолиятлари.

ГЛОССАРИЙ

БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ - психология фанининг алоҳида тармоғи бўлиб, боланинг туғилганидан то етуқлик давридаги психик тараққиётини ўрганади.

ИНДИВИД - алоҳида, мустақил ҳолда мавжуд бўлган организм.

ИНДИВИДУАЛ РИВОЖЛАНИШ - индивиднинг туғилгандан бошлаб то ҳаётнинг сўнгигача давом этадиган ўзига хос шаклланиш жараёни.

ИНТЕЛЛЕКТ - инсоннинг ақлий қобилияти, шахснинг ақл идроки.

ТАЪЛИМ - шахснинг билим ва фаолият усуллари эгаллашга ҳамда уни мустаҳкам эса сақлаб қолиш жараёни. Ўқиш ҳар қандай фаолиятнинг зарурий қисмларидан бўлиб, у субъектни ўзгартиш жараёни ҳамдир.

БИЛИШ - психик акс эттириш жараёни, билимларни эгаллаш ва ўзлаштиришни таъминлайди, билишга қизиқиш – ақлий интеллектуал ҳислар маҳсули, бу одамнинг теварак - атрофдаги оламни билиш эҳтиёжи тариқасида намоён бўлади.

ЗЕХН, ЛАЁҚАТ - нерв тизимининг баъзи генетик назариялари анатомик - физиологик хусусияти бўлиб, у кишида қобилиятлар таркиб топиши ва ривожланишининг дастлабки индивидуал туғма табиий заминидир.

АҚЛ - кишининг умумий билиш қобилияти бўлиб, уни билим ва тажрибаларни эгаллашга ва уларни амалда қўллашга тайёрлиги, шу билан бир қаторда кишининг муаммоли вазиятларда ақл - фаросат билан ўзини тута олиш.

АҚЛИЙ ҲАРАКАТЛАРНИ БОСҚИЧМА – БОСҚИЧ ШАКЛЛАНТИРИШ - инсонда янги ҳаракат, образ ва тушунчаларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ кўп қиррали мураккаб ўзгаришлар ҳақидаги таълимот.

АҚЛИЙ ҲАТТИ - ҲАРАКАТ – ташқи муҳит ва нутққа суянган ҳолда идрокнинг ички режаларида бажариладиган ҳатти ҳаракат.

АҚЛНИНГ ИХЧАМЛИГИ - тафаккурда масалани ечишнинг янги қулай ечимини топиш.

АМАЛИЙ ТАФАККУР – кўпинча вақт танқислиги шароитида юзага келадиган ва ҳатти - ҳаракатларнинг мақсадини аниқлаш; режа лойиҳаларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ.

ГНОСТИК (юноп. Gnosis - билим, таълим) - бутун борлиқни билишга йўналтирилган фаолият.

ДИДАКТИКА (юнон. didaktikos- ибратли, сабоқ бўладиган) - педагогиканинг таълим қонуниятларини ҳамда методларини ўрганувчи бўлими.

МЕДИТАЦИЯ (лот. meditatio- фикрлаш) - инсон психикасини ва онгини жамланган ҳолга келтириш мақсадида унга ақлий таъсир ўтказиш.

НАЗАРИЙ ТАФАККУР – тафаккур турларидан бири, у объектларнинг хусусиятларини, қонуниятларини очишга қаратилган бўлади.

ТАЪЛИМГА БЕРИЛУВЧАНЛИК - таълим жараёнида бериладиган билим, малака, кўникмаларни шахс томонидан ўзлаштиришнинг индивидуал кўрсаткичлари.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. З.Т.Нишонова, Г.К.Алимова Болалар психологияси ва психодиагностикаси Т.: ТДПУ 2017.
2. Э.Ғозиев. Онтогенез психологияси. Назарий - экспериментал таҳлил Т.: Ношир 2010.
3. Ш.А.Дўстмухамедова, З.Т.Нишонова ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология. Т.: Фан ва технологиялар 2013.
4. И.В.Шаповаленко. Возрастная психология (Психология развития и возрастная психология): учебник для студентов вузов. – М.: Гардарики, 2007.
5. Ҳасанбоева О. “Оилада маънавий-ахлоқий тарбия”. Т, “Алоқачи”, 1998 йил .
6. Худойкулов Х.Ж “Одоб-ахлоқ ва тарбия дурдоналари” Т. 2008 йил
7. Ядгарова Г.Т “Тарбияси қийин гуруҳга мансуб болалар билан ишлаш”, услубий кўлланма, Тошкент, 2007 йил.
8. Ғозиев Э “Психология” Тошкент, “Ўқитувчи”, 1996 йил.
9. Йўлдошев У.А., Пўлатов М. Амалий психологнинг иш китоби.- Навоий, 2000 й.
10. Ғозиев Э. Педагогик психология асослари.- Т.: «Ўқитувчи», 2000 й.
11. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. Т.: Ўқитувчи, 2010.
12. Ж.Годфруа. Что такое психология? М. 1999 г. 2-том.
13. Крылов А.А., Маничева С.А. Практикум по общей, экспериментальной и прикладной психологии.-Спб.: Питер, 2005.-550
14. Хурвалиева Т. Мактабда психологик хизматни ташкил этиш. – А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, 2006 й.
15. Ғозиев Э. Педагогик психология асослари.- Т.: «Ўқитувчи», 2000 й.
16. .Асадов Й.М. Руҳий ҳолатлар диагностикаси ва коррекцияси. –Т., 2000 й.
17. .Рогов Е.И. Настольная книга практического психолога.Т. 1-2.–М., 1999 г.
18. Абрамова Г.С. Практическая психология. Москва, «Академический проект», Москва, 2001.
19. Акимова М.К., К.М.Гуревич. Психологическая диагностика. Москва, 2005.
20. Бурменская Г.В., Карабанова О.А., Лидерс А.Г. Возрастно-психологическое консультирование. Москва, МГУ, 1990.

Интернет ресурслар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:
www.edu.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: www.uzedu.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги
Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази:
www.eduportal.uz, www.multimedia.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
5. Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими
ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий
маркази: www.giu.uz
6. Ижтимоий ахборот таълим портали: [www. Ziyonet. uz](http://www.Ziyonet.uz).
7. <http://www.school.edu.ru> - Umumta'lim portali (rus tilida),
8. <http://www.alledu.ru> - “Internetdan ta'lim” portali (rus tilida),
9. <http://www.rostest.runnet.ru> - Test olish markazi serveri (rus tilida),
10. <http://www.allbest.ru> - Internet resurslari electron kutubxonasi (rus tilida),
11. <http://www.mathtype.narod.ru/> - Online-darsliklar (rus tilida),
12. <http://mschool.kubsu.ru/> - Elektron qo'llanmalar kutubxonasi. Sirtqi
matematik olimpiadalar.
13. www.tdpu.uz
14. www.pedagog.uz
15. www.ziyonet.uz
16. www.edu.uz
17. [tdpu - intranet. ped.](http://tdpu-intranet.ped)
18. Teacher.org, www.teacher.org.
19. Career Counselling for Teachers, <http://www.cct-austria.at>.
20. Education Bureau of the Government of Hong Kong,
<http://www.edb.gov.hk>.